



# Болаларнинг

иймонга оид саволлари



Абдуллоҳ Ҳамад ар-Ракаф

# **Болаларнинг иймонга оид саволлари**

**Абдуллох Ҳамад ар-Ракаф**



٢ جمعفة الدعوة والإرشاد وتوعية الجالفةاء بالربوة ، ١٤٤٣هـ

فهرسة مكنفة الملك فهد الوطنفة أثناء النشر

الركف ، عبالله حمد عبالعزفر

أسئلة الطفل الإمانفة باللغة الأوزفكفة. / عبالله حمد عبالعزفر

الركف - مركز اصول. - الرفاض ، ١٤٤٣هـ

١٤٢ ص ، ٢٣ X ١٦ سم

رءمك: ٩٧٨-٦٠٣-٨٣٥٢-٢٧-٤

١- الترففة الإسلامية - أ.مركز اصول (مترجم) ب.العنوان

١٤٤٣/٤٣٦٤

٣٧٧.١ ءفوف

رقم الإفءاع : ١٤٤٣/٤٣٦٤

رءمك: ٩٧٨-٦٠٣-٨٣٥٢-٢٧-٤



This book has been conceived, prepared and designed by the Osoul Centre. All photos used in the book belong to the Osoul Centre. The Centre hereby permits all Sunni Muslims to reprint and publish the book in any method and format on condition that 1) acknowledgement of the Osoul Centre is clearly stated on all editions; and 2) no alteration or amendment of the text is introduced without reference to the Osoul Centre. In the case of reprinting this book, the Centre strongly recommends maintaining high quality.

+966 11 445 4900

+966 11 497 0126

P.O.BOX 29465 Riyadh 11457

www.osoulcenter.com

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим



# Муқаддима

**Оламлар Рабби Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Набийларнинг энг шарафлиси, расулларнинг энг афзали пайғамбаримиз Муҳаммадга, унинг оиласи ва саҳобаларига салавоту саломлар бўлсин.**

Илк болалик йиллари «борлик» тушунчасининг шаклланишида жуда катта аҳамияти эга. Бу даврда боланинг онгига ўрнашган тушунчалар асосий ғишт ҳисобланиб, инсон шахсиятини ҳар томонлама шакллантирадиган ва унинг руҳий, ижтимоий ва диний эҳтиёжларига мос келиши лозим бўлган тушунчалардир. Бу давр боланинг ҳаётнинг алғов-далғовларига кирганда барқарор бўлишини тامينлайдиган, ҳаётини мувозанатли, самарали ва фаол бир инсон ўлароқ давом эттиришига ёрдам берадиган мукаммал давр бўлгани жиҳатидан муҳимдир. Бола кўрган ва эшитган нарсалари воситасида бу дунё ҳақида ўзига хос намунани қуради. Бунинг натижасида болага қоладиган нарса, бошидан ўтказган ҳолатлар асосида ушбу асосий тушунчани амалий равишда тузатиш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Шубҳасиз, илк болалик даврида бола суянадиган маълумот манбаи ота-онасидир. Шунинг учун, ота-оналарнинг тарбиялари қанча яхши бўлса, болаларники ҳам шунча яхши бўлади. Зеро, ота-оналар фарзандларининг таълим-тарбия олишларидан масъулдирлар. Шунинг учун ҳам, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: **«Ҳар бирингиз (кимгадир) раҳбарсиз ва қўл остингиздагилардан жавобгарсиз»** (Бухорий, 2558 ва Муслим, 1829). Бу жавобгарлик, таълим-тарбияга эътибор бериш ва бунда ғайрат қилишни тақозо этади.

Биз яшаётган асрда шубҳали нарсалар ва нафсоний хоҳишлар тобаро кўпайиб бормоқда. Шунинг учун, ота-оналар фарзандларини тарбиялашда ростгўйлик, жидду жаҳд ва бор кучлари билан ғайрат қилишлари лозим. Ким билади дейсиз, балки болаларнинг руҳларига ота-оталари томонидан экилган бир дона маърифат уруғи, ота-оналари оламдан ўтиб кетгандан кейин ҳам ўз мевасини беришда

давом этар. Шу тариқа бола, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек, ота-онаси ўлганидан кейин ҳам фойда келтиришда давом этадиган солиҳ амаллардан бири бўлиб қолар: **«Қачонки бир инсон ўлса, уч нарсадан бошқа (барча) амали кесилади: ... ёки унинг ҳаққига дуо қиладиган солиҳ фарзанддан кесилмайди»** (Муслим, 1631).

Фарзандлар Аллоҳнинг ота-оналарга буюрган васиятларидан биридир. Аллоҳ таоло бу ҳақида шундай марҳамат қилган: **«Аллоҳ сизга фарзандларингиз ҳақида амр қилур»** (Нисо, 11).

Яъни, эй ота-оналар! Фарзандлар сизларга омонатдир. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло диний ва дунёвий манфаатларингизни амалга оширишингиз учун сизни уларга ҳомий қилди. Шундай экан, сиз худди Аллоҳ таоло буюргани каби ҳар доим уларга таълим-тарбия берасиз, одоб-ахлоқни ўргатасиз, зарарли нарсалардан асрайсиз, мунтазам равишда Аллоҳнинг тоатига ва тақволи бўлишга чорлайсиз: **«Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли-оилаларингизни ўтини одамлар ва тошлар бўлган дўзахдан сақлангиз»** (Таҳрим, 6).

Фарзандлар ота-оналарига васият қилингандирлар. Улар ё бу васиятга амал қилиб, савоб олишади, ёки уни зое қилиб, жазо ва уқубатга лойиқ бўлишади. Аллоҳ таолонинг бандаларига ота-оналаридан ҳам меҳрибонроқ эканининг далили, фарзандларига бор меҳр-шафқатларини кўрсатишларига буюрганида намоён бўлади.

Қисқача қилиб айтганда, боланинг оила ичидаги тарбияси яхши бўлса, ташқи дунё билан муомаласи ҳам шундай яхши бўлади. Боланинг тарбиясида ва соғлом иймон билан улғайишида қаердадир оила таъсирининг бўлмаслиги, келажакда яхши ва мақталган хулқлардан мосуво боланинг ўртага чиқишига олиб келади. Тарбия фақат хато-камчиликларни тўғрилашдан иборат эмас. Бундан зиёда, болага дин асосларини ва шариат аҳкомларини ўргатиш, таълим бериш ва онгига ўрнаштириш, боланинг қалбида тасаввур ва тушунчаларни мустаҳкамлаш мақсадида ўрнатилган бўлиш, насихат

---

қилиш, ҳадислар ва қиссалар айтиб бериш каби турфа услубларни ҳам қўлланишдир. Буларнинг бари боланинг шахсий ҳаётида ва жамиятда одоб-ахлоқли, фаол ва вазмин бир шахс бўлишига васила бўлади.

Бу китоб икки қисмга бўлинган: биринчи қисм, «**Иймоний тарбия атрофида**» бўлиб, Аллоҳнинг изни билан, ота-оналарга фарзандларига тарбия беришда ёрдам берадиган бир қатор асослар ва тамоиллардан ташкил топган. Иккинчи қисм эса, «**Болаларнинг иймонга тааллуқли саволларига жавоб беришда амалий намуналар**» атрофида бўлиб, унда ҳар хил ёшдаги болалар орасида кенг тарқалган саволларнинг аксариятини, алалхусус, иймоннинг олти шартига тааллуқли бўлган саволлар ҳамда бундай саволарга қандай жавоб бериш ҳақида сўз юритади.

**Муваффақият берувчи ва тўғри йўлга ҳидоят қилувчи ёлғиз Аллоҳдир.**

**Абдуллоҳ ибн Ҳамад ар-Ракаф**



# Índice

10

ИЙМОНИЙ  
ТАРБИЯ  
АТРОФИДА



БОЛАНИНГ  
ИЙМОНИЙ  
ТАРБИЯСИ

28

54

ИЙМОНИЙ  
ТАРБИЯ  
РУКНЛАРИ





**Жавобларга  
кириш**

**78**

**98**

**Болалардаги  
иймонга доир  
саволларга жавоб  
беришда  
амалий мисол  
ва намуналар**



# Иймоний тарбия атрофида






## Тарбия

Тарбия инсоннинг бунёдга келишидаги башариятга хос заруратлардан биридир. Тарбия боланинг ҳаётнинг барча соҳаларида етишиши ва такомиллашишида асосий унсурдир. Боланинг ижтимоий, илмий, руҳий ва соғлиқ жиҳатидан соғлом шахс бўлиб етишиши тарбия билан бўлади. Иймоний тарбия ва унинг аҳамияти ҳақида гапиришдан олдин, тарбия тушунчаси, ундан назарда тутилган ва тарбиячилардан кутилган нарсалар ҳақида гапириб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

## Тарбия

# тушунчаси



Тарбия – маълум қонун ва қоидалар томонидан бошқариладиган, мунтазам ривожланишда бўлган ва муайян мақсадга хизмат қиладиган амалий ишдир. Тарбия тўғри йўлга йўллаш, бошқариш, таълим бериш ва машғулотлар ўтказиш йўли билан чиройли одатларни шакллантиришни мақсад қилади. Тарбия улғайиб келаётган боланинг фитратини асраш, парваришlash,

қобилиятларини ривожлантириш ҳамда бу фитрат ва қобилиятларнинг салоҳияти ва қамолини рўёбга чиқарадиган нарсага тўғри шаклда йўллантириш билан боғлиқ. Тарбия Ерни обод қилишга яроқли инсонларни тайёрлашдир. Зеро, ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги раҳбарларни етиштирган нарса – тарбиядир.

## Иймоний тарбиянинг

# аҳамияти



Иймон – борлиқнинг энг қатта ҳақиқати ва инсоннинг энг буюк ғоясидир. Иймон – бу дунёда башариятнинг йўлини иккига айирадиган нарсадир. Бу ҳақида Аллоҳ бундай марҳамат қилган: **«Улардан кимдир иймон келтирди, кимдир куфр келтирди»** (Бақара, 253).

Инсонлар ишларини ва амалларини мана шунга кўра амалга оширадилар. Шунингдек, иймон инсонларнинг охираат ҳаётидаги оқибатларини ҳам аниқлаб берувчидир.

Болалик даври инсон ҳаётининг ҳал қилувчи босқичларидан биридир. Негаки, бу даврда болага сингдирилган эътиқодлар, қадриятлар, одатлар ва майллар шундай чуқур ўрнашадики, уни таг-томири билан олиб ташлашни кўя туринг, ўзгартириш ҳам ўта қийин бўлади. Баъзан булар инсоннинг умри давомида ўз кучида қолади. Болалик даврида берилган иймоний тарбия умр бўйи ўз таъсирини кўрсатгани сабабли жуда муҳим ҳисобланади.

Тарбия, умумий қилиб айтганда, эътибор беришдан иборатдир. Зеро, эътиборсиз тарбия бўлмайди. Иймонни ўрнатиш эътибор беришга арзийдиган энг яхши масаладир. Биз яшаётган бу асрда эса, тарбия масаласида иш олиб бораётганлар тарбиянинг ақлий ва жисмоний тарафига эътибор қаратиб, иймоний ва руҳий томонига бефарқ ёндошмоқдалар. Улар моддий ўлчовлар билан дунёвий ютуқ ва муваффақиятни қўлга киришга аҳамият бериб, ухровий саодатга эришишни эътиборсиз қолдирмоқдалар. Бу нарса биз билан уларнинг тарбияга ёндошувимизнинг жуда катта фарқ қилишини кўрсатади.

Исломда иймоний тарбия покиза пайгамбарлик даврида тарбия биноси унинг устида қад ростлаган асослардан бири экани махфий эмас. Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо айтади: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: **«Ҳар бирингиз раҳбарсиз ва қўл остингиздагилардан жавобгарсиз. Имом раҳбардир ва қўл остидагилардан жавобгардир. Эркак оиласига раҳбардир ва қўл остидагилардан жавобгардир. Хотин эрининг уйидаги ишларига раҳбардир ва қўл остидагилардан масъулдир»** (Бухорий, 2558 ва Муслим, 1829).



Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам ҳар биримизнинг зиммамизда буюк масъулият борлигига эътибор қаратдилар. Инсон қарамоғидагиларга, кўл остидагиларга нима қилгани ҳақида, албатта жавоб беради. Бу ҳақида Расули Акрам соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деганлар: **«Бирор бандани Аллоҳ одамларга бошлиқ қилса-ю, у уларга насиҳат қилмаса (самимий-халис бўлмаса), жаннатнинг ҳидини ҳам топмайди»** (Бухорий, 7150).

Бу ҳадис тўғри ва омонат билан бўлган насиҳатни ҳамма нарсдан олдинга қўйилишининг аҳамиятига ишора қилмоқда. Бу насиҳат шундай кенг қамровли бўлиши керакки, насиҳат қилинган киши ундан ҳар тарафлама манфаат олиши даркор. Бу ҳақда Ибн Умар разияллоху анхумонинг шу сўзи ривоят қилинади: **«Ўғлингга тарбия бер, зеро, сен ундан масъулсан. Сен унга қандай тарбия берганингдан, унга нимани ўргатганингдан масъулсан. У эса сенга яхшилик қилиш ва итоат этишдан масъулдир»** (Шуъаб ал-иймон, 8141).

Бу ерда Ибн Умар разияллоху анхумо масъулиятнинг дастлаб ота-оналарнинг елкасига тушишини таъкидламоқда. Зеро, улар таълим ва тарбиянинг дастлабки манбаидирлар. Бир ривоятда келишича, тарбия бериш садақа қилишдан яхшироқдир: **«Бир киши боласига тарбия бериши, бир соъмикдорича садақа қилишидан афзалдир»** (Термизий, 1951).

Шунингдек, фарзандни чиройли хулқ билан тарбиялаш, ҳар қандай ҳадя беришдан афзалроқ экани ривоят қилинган: **«Ҳеч қайси ота боласига чиройли хулқдан кўра афзалроқ нарсани бермагандир»** (Термизий, 1952).

Бу ва булардан бошқа ҳадис ва ривоятлар таълим ва тарбияга эътибор беришнинг ота-оналарнинг фарзандларига тақдим қилишлари мумкин бўлган бошқа ҳамма нарсдан аҳамиятлироқ ва улуғроқ эканини кўрсатади.



Яқин ўтмишгача фарзандларимизни нисбатан ёпиқ муҳитда етиштирар эдик. Аммо бугун эса, уйларимизнинг эшик ва деразалари бу учидан нариги учигача дунёга ланг очилган ҳолда! Бунинг яхши ва ёмон тарафлари борлиги табиий. Агар биз яхши тарафга олиб борадиган нарсаларни билмасак ёки эътибор бермасак, ёмонликлар яхшиликларни тўсиб қўйиши муҳаққак. Агар атрофимиздаги содир бўлаётган жадал ўзгаришларни кузатишга аҳамият бериб, уларни яхши тарбиявий маданият уфқи билан ўқисак, ана шунда янги ўзгаришларнинг моҳиятини тушунишимиз мумкин. Мураббий бу нарсаларга эътибор берса ва оила аъзолари ҳам бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсалар, болаларнинг руҳларида ийманий тушунчалар мустаҳкамланади. Бола учун боғча ва мактаб танлашда ҳам бу масалага аҳамият берилади. Агар атрофимизга рўй бераётган нарсалардан ғофил бўлсак, ўрнига қўйиб бўлмайдиган даражада катта йўқотишлар бошимизга келиши мумкин. Лекин Аллоҳнинг изни билан, сабр-бардош билан мунтазам бериб борилган тарбия воситасида энг яхши натижаларга эришсак бўлади. Зеро, тарбияда вақтинчалик йўналтириш етмайди, билъакс, тарбия мунтазам йўл кўрсатиш, кузатиш ва давом эттиришга муҳтож.





## Иймоний тарбия зарурдир



Бугунги ёш авлод руҳий ва маданий инқирозни ҳамда кенг очилишни бошларидан кечирмоқда. Уларни ҳамма томондан ўраб турган жозибали нарсалар, биз ўйлагандан хатарлироқдир. Биз инсон зиммасига юкланган энг қийин вазифани – тарбия вазифасини бажаришга ҳаракат қилмоқдамиз. Одамларга иймонни таълим бериш ва уларни, айниқса, ёшларни иймоний таълимга чорлаш пайғамбарлар ва улардан кейин келган солиҳ инсонларнинг йўлидир. Бу эса болаларга иймоний тарбия беришнинг зарурлиги ва умматнинг унга катта эҳтиёжи борлигини

кўрсатади. Бунга мисоллар бисёр, масалан: Нух алайҳиссалом ўглини залолатдаги инсонлар билан ҳамроҳ бўлишдан огоҳлантириб, шундай деганини Қуръон ҳикоя қилади: «**Эй ўғилим, биз билан бирга (кемага) мингин, кофирлар билан бирга қолмагин!**» (Худ, 42).

Иброҳим алайҳиссалом фарзандларига шундай васият қилганди: «**Иброҳим, у билан бирга Яъқуб ҳам болаларига шу динни васият қилиб дедилар: «Ўғилларим, албатта Аллоҳ сиз учун шу динни танлади. Бас, мусулмон бўлган ҳолингиздагина дунёдан ўтинг!»**» (Бақара, 132).

Луқмони ҳақимнинг ўғлига қилган илк васияти ширкдан огоҳлантириш бўлганди: **«Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирмагин! Чунки ширк катта зулмдир»** (Луқмон, 13).

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам жиянлари Абдуллоҳ ибн Аббосга шундай насиҳат қилган эдилар: **«Эй бола! Мен сенга бир неча калималарни ўргатаман: Аллоҳнинг ҳақларини сақлагин, У зот сени сақлайди. Аллоҳнинг ҳақларини сақлагин, Уни қаршингда топасан. Сўрасанг, Аллоҳдан сўра! Мадад тиласанг, Аллоҳдан тила!»** (Термизий, 2516).

Бу ҳадисда иймоний тарбияга қаттиқ эътибор берилганини кўрамиз.

Иймоний таълим илм-фаннинг боши ва асоси эканини билиш, тарбиянинг зарурлигини баён қиладиган нарсалардандир. Агар болага иймон таълим берилиб, пайғамбарона манҳажга мувофиқ қалбига жойлаштирилса, ибодатлар ва бошқа диний масалалар унинг ортидан эргашиб келади. Бунга эътибор бериш, Аллоҳнинг изни билан, тавфиқ ва ҳидоят топишга сабаб бўлади. Зеро, кўп ишлар Аллоҳга ва Охират кунига иймон келтиришга боғлиқдир. Иймон қачон кучли ва тайёр бўлса, инсонни йўлидан чиқарувчи қайтарилган нарсалардан тўсади.

Иймоний тарбиянинг аҳамиятини кўрсатадиган нарсалардан яна бири, баъзи ота-оналар фарзандларини ҳали кичик эканликларини олға суриб, иймонга тааллуқли масалаларни ўргатмайдилар. Фарзандлари каттарганда эса, уларга таълим беролмайдилар. Кимки фарзандига фойдали бўлган нарсани ўргатишга бепарво бўлса, уни ўз ҳолига ташлаб қўйса, унга энг катта ёмонликни қилган бўлади. Шундайки, жуда кўп болаларнинг бузилиб кетишига ота-оналарнинг уларга диннинг фарзлари ва суннатларини ўргатмаганликлари ва уларга бепарволиклари сабаб бўлгандир. Ота-оналар фарзандларини ёшликларида зое қилганлари сабабли, улар ўзларига ҳам, ота-оналари ғамхўрликка муҳтож бўлишганда уларга ҳам фойдаси тегмайдиган бўладилар.

Иймоний тарбиянинг зарурлигини кўрсатадиган нарсалардан яна бири, оммавий ахборот воситаларида болаларга йўналтирилган ва уларнинг аксариятида болалар қалбида бузук тасаввурлар ва тушунчаларни пайдо қиладиган (видео, аудио ва ўқиш учун мўлжалланган) дастурларнинг кўплигидир. Болаларга йўналтирилган бу оммавий ахборот воситаларининг оқимига қарши туриш учун мустаҳкам иймоний тарбия бўлиши шарт бўлди. Иймоний тарбия динда руҳсат берилган сабабларга амал қилишдир. Иймоний тарбия тарбияга тааллуқли муаммолар юз беришидан олдин

болани етарли даражада химоя қиладиган, муаммо юз берганда, уни муолажа қилишга хисса қўшадиган омилдир. Иймоний тарбия фарзандларнинг ота-оналар устидаги ҳақларидан биридир. У, Аллоҳнинг изни билан, дунёда бахт-саодат ва Охиратда нажот топишнинг сабабидир.

Ва ниҳоят, иймоний тарбия болаларга маънавий барқарорлик ва руҳий хотиржамликни беради. Чунки бу тарбия ҳаётдаги энг муҳим саволларга жавоб беради. Иймоний тарбия Қуръоннинг ҳидояти ва Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатлари ёғдусидан мадад олади. У боланинг эҳтиёжларини биладиган, унинг воқеийлигини ўз ичига олган, манҳажини равшан, мақсадлари раббоний, соф ва аниқ манбадир. У боланинг мувозанатли ва мукаммал шахсиятга эга бўлишига ёрдам беради.



## Иймоний тарбиянинг мақсадлари



**Тарбиянинг умумий мақсади** Аллоҳ таолога ҳақиқий қулликни рўёбга чиқаришдир. Бу мақсад, бир қанча қўшимча мақсадларни амалга оширилишини талаб қилади. Жумладан:

**Биринчи:** мусулмон жамият фарзандларини саҳиҳ ақидада етиштириш. Бундан мақсад, Аллоҳ азза ва жаллага тўғри ва онгли равишда ибодат қиладиган солиҳ инсонларни чиқаришдир.

**Иккинчи:** мусулмон жамиятдаги шахснинг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга эргашган ва айтганларига амал қилган ҳолда яхши, намунали хулқлар билан безаниши. Зеро, Аллоҳ таоло у зот соллаллоху алайҳи ва саллам ҳақида: **«Албатта сиз улуғ хулқ устидадирсиз»** (Қалам, 4) деб гувоҳлик берган ва у зот соллаллоху алайҳи ва саллам: **«Шубҳасиз, мен яхши хулқларни тўла-тўкис қилиш учун юборилдим»** (Аҳмад, 8939) деганлар.

**Учинчи:** Аллоҳ таолонинг ва Расули Акрам соллаллоху алайҳи ва салламнинг қуйидаги сўзларига амал қилган ҳолда мусулмон кишида жамиятнинг бир бўлаги эканини ҳис қилдирадиган, уларнинг муаммолари ва дардлари билан қизикадиган, биродарлари билан алоқаларини кучайтирадиган жамоат туйғусини ривожлантириш. Аллоҳ таоло бу ҳақда айтади: **«Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз, оға-инилардир»** (Хужурот, 10). Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам эса бундай деганлар: **«Мўмин мўминга (қисмлари) бир-бирини суяб, тутиб турувчи бир бино кабидир»** (Бухорий, 6026). **«Мўминлар бир-бирларига меҳр-муҳаббат ва ғамхўрлик қилишда бамисоли битта тана кабидирлар. Агар танада бир аъзо оғриси, қолган аъзолар иситма ва бедорлик билан унга шерик бўлади»** (Бухорий, 6011).

Бу оят ва ҳадислар Ислому уммати орасида чин ийманий биродарлик алоқалари бўлиши кераклигини таъкидлайди.

**Тўртинчи:** жамиятнинг фойдали ва фаол аъзоси бўлишига ёрдам берадиган, руҳан ва ҳис-ҳаёжон жиҳатидан вазмин шахс етиштириш. Бу билан киши Ер юзини обод қилишдаги ва унинг бойликларидан фойдаланишдаги роли ва вазифасини бажара оладиган ва Аллоҳнинг Ер юзидаги халифаси эканини билган ҳолда бу вазифанинг қийинчиликларини кўтара олдиган бўлади.

Бундан кўринадики, тарбияни доимий маънавий куч ҳосил қилишга, ички рағбат ва интилишни ривожлантириш ва кучайтиришга, сўзлар ва амалларга руҳ беришга хизмат қиладиган ийманий тарбия билан бошлаш зарур экан. Шу зайдда кишининг руҳий ва жисмоний тарбиянинг мақсадларини амалга ошириш учун керак бўлган ишларни қилиши осонлашади.

## Тарбия асослари




**Тарбия биноси уларнинг устида қад ростлаган бир қанча асослар бор. Уларни икки асосга қисқартиришимиз мумкин: маърифий ва амалий асослар.**

**Маърифат асоси ҳам ўз навбатида икки қисмга бўлинади: илм ва иймон.**

**Биринчи қисм: илм.** Илм – хулқ-атвор майлларини тушуниш ва шакллантириш учун лозим бўлган асосий калитдир. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: **«Айтинг: «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?!» Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина панд-насиҳат олурлар»** (Зумар, 9). Дарҳақиқат, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларга фойдали илмни ўргатишга ҳамда бефойда илмдан паноҳ сўрашни таълим беришга ҳарис бўлган эдилар. Уларга ўргатган дуолардан бири куйидагича: **«Эй Аллоҳ, Сендан фойда бермайдиган илмдан ва қўрқмайдиган қалбдан паноҳ беришингни сўрайман»** (Муслим, 2722).

**Иккинчи қисм: иймон.** У – олти рукни билан биргаликда болаларнинг қалбларига ўрнаштириладиган иймондир. Иймон дунё ҳаёти ва ундан кейинни ўз ичига олган маънодир. Дарҳақиқат, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васааллам уммат фарзандлари қалбларига соғлом, тўғри иймоний ақидани ўрнаштиришга қаттиқ ҳаракат қилганлар.



**Амалий асосни эса, уч қисмга бўлиш мумкин: қуллик, татбиқ ва ахлоқ.**

**Биринчи қисм: қуллик.** Самарали тарбия кишининг ичини тўғри шакллантириши ва унда ажралиб турадиган олий сифатларни бунёд қилиши керак. Шунда у, ҳаётини Аллоҳга доимий боғлиқлик ва ихлос билан давом эттиради, унинг тушунчалари ва феъл-атворлари, орзулари ва умидлари тўғриланади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муозга: «Аллоҳга қасамки, мен сени яхши кўраман. Ҳар намоздан кейин буларни айтишни тарк қилма дедилар: **«Эй Аллоҳ! Сени зикр этишга, Сенга шукр қилишга ва гўзал ибодатингга мени мушарраф эт-қўмак бер»** (Абу Довуд, 1522).

У зот Муозга ибодат Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг фазли эканини, у фақатгина инсоннинг тиришқоқлигига эмас, балки Раббоний тавфиққа боғлиқлигини, шунингдек, Аллоҳ таолодан доимий мадад сўрашга муҳтож эканини таълим бердилар. У зот мўмин киши Раббига ибодат қилар экан, Ундан мадад сўраши ва Унга таваккул қилиши кераклигини, ана ўшанда Аллоҳ уни Ўз тоатига муваффақ қилишини Муознинг қалбига ўрнаштирдилар.

**Иккинчи қисм: татбиқ.** Илм амалсиз бўлмайди. Амал Охиратда одамларнинг бир-бирларидан афзал бўлишини белгилаб берадиган нарсадир. **«Бас, ким (ҳаёти дунёдалиқ пайтида) зарра мисқоличалиқ яхшилик қилса, (Қиёмат кунида) ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалиқ ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур!»** (Залзала, 7-8).

**Учинчи қисм: ахлоқ.** Исломнинг таълим услуби инсонни чиройли хулқ эгаси қилиб етиштиради. Ҳатто Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бутун рисолатларини битта мавзу – чиройли хулқ ва унинг таълими устида сайқалланганини кўрамиз. У зот шундай марҳамат қилганлар: **«Шубҳасиз, мен яхши хулқларни тўла-тўқис қилиш учун юборилдим»** (Аҳмад, 8939). У зот саҳобаларини чиройли хулққа тарғиб қилиб бундай деганлар: **«Менга энг суюмли бўлганингиз ва Қиёмат куни менга энг яқин ўтирадиганингиз ахлоқи гўзал бўлганларингиздир»** (Термизий, 2018). Демак, гўзал ахлоқ иймоний тарбиянинг кўринган натижасидир.



## Тарбиявий намуналар



Амалий мисоллар ва намуналар келтириш, асослар ва қадриятларни ўрнатишда энг муҳим нарсалардан ҳисобланади. Бу ўринда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва саҳобаларнинг болаларнинг иймоний асосларини шакллантиришда қандай йўл тутганларига доир бир қатор мисолларни келтирамиз:

1. Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қилади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳасан ва Ҳусайнларга паноҳ тилаб шундай дер эдилар: **«Бобонгиз (Иброҳим) (ўғиллари) Исмоил ва Исҳоқларга шундай паноҳ сўрар эди: «Аллоҳнинг мукамал калималари билан ҳар бир шайтондан, зарарли ҳашаротлардан ва ёмон кўзлардан паноҳ тилайман»** (Бухорий, 3371).
2. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Шубҳасиз, ҳар бир туғилган бола фитрат (соф табиат) билан туғилади. Бас, ота-онаси уни яҳудий ёки насроний ёхуд мажусий қилади»**, дедилар» (Бухорий, 1358).



3. Умар ибн Абу Салама разияллоху анху ривоят қилади: «Мен Расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламнинг қарамоғидаги бола эдим. (Бир куни овқатланаётганимизда) кўлим товоқда (бу тарафидан нариги тарафига) бориб-келар эди. Шунда у зот менга: **«Эй болакай! «Бисмиллаҳ», дегин, ўнг кўлинг билан ва олдингдан егин!»**, дедилар» (Бухорий, 5376; Муслим, 2022).



4. Ибн Аббос разияллоху анхумо ривоят қилади: «Бир куни мен Расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламнинг орқаларида эдим. У зот шундай дедилар: **«Эй болакай! Мен сенга бир неча калималарни ўргатаман: Аллоҳнинг ҳақларини сақлагин, У зот сени сақлайди. Аллоҳнинг ҳақларини сақла, Уни қаршингда топасан. Сўрасанг, Аллоҳдан сўра. Мадад тиласанг, Аллоҳдан тила. Шунин билгинки, бутун уммат сенга бирон манфаат етказиш учун жамлансалар ҳам, фақат Аллоҳ таоло сен учун ёзиб қўйган манфаатни етказа оладилар холос»** (Термизий, 2516).
5. Ҳасан ибн Али разияллоху анхумо ривоят қилади: «Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам менга витринг кунутида ўқиладиган калималарни ўргатдилар: **«Эй Аллоҳ! Мени хидоят этган кишиларнинг қатори хидоят эт. Офият (соғлик, гуноҳлардан поклик) ато этганларнинг қаторида офият бер. Яқин тутганларнинг қаторида мени ҳам Ўзингга яқин эт. Ато қилган нарсаларингни мен учун баракотли қил. Қазо-ҳукм қилган нарсаларинг ёмонлигидан мени асра. Албатта, Сен ҳукм**

қиласан, Сенга (қарши) ҳукм қилинмас. Сен дўст тутган киши хор бўлмас (ва Сен душман тутган киши азиз бўлмас). Парвардигоро! Сен баракотли-буюк ва олий Зотдирсан” (Абу Довуд, 1425).

6. Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: **«Эй ўғилчам, оилангнинг ёнига кирганингда салом бергин, шунда ўзингга ва оила аҳлингга барака бўлади»**, дедилар” (Термизий, 2698).
7. Жундаб Бажалий разияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Биз балоғат ёшига етиб қолган йигитлигимизда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга юрардик. Ўшанда Қуръондан олдин иймонни, сўнг Қуръонни таълим олардик, шу тариқа иймонимиз зиёда бўларди” (Ибн Можа, 61).
8. Анас ибн Моликнинг онаси Умму Сулайм Румайсо разияллоҳу анҳум мусулмон бўлганда Анас ҳали сут эмадиган ёш бола эди. Онаси Анасга «Лаа илаҳа иллаллоҳ», де, «Ашҳаду анна Муҳаммадан расулуллоҳ», де, деб талкин қилар, у ҳам такрорларди.
9. Иброҳим Таймий раҳимаҳуллоҳ ривоят қилади: «Улар ёш боланинг биринчи айтган нарсаси «Лаа илаҳа иллаллоҳ», бўлишини яхши кўрар ва болага уни етти марта ўргатар эдилар. Шу тариқа боланинг биринчи айтган нарсаси тавҳид калимаси бўларди”.



# Боланинг иймоний тарбияси





## Мазмун

Мазмун жиҳатидан тарбия мавзуларининг энг муҳими боланинг ийманий тарбиясидир. Чунки у яхши одатларни шаклланиши ва ўзлаштирилишини, тўғри ақиданинг қалб ва онгнинг тўрига ўрнашиши ва сингишини, барча ишларда устун гўзал ахлоқли бўлишини тامينлайди. Мана шу болалик даврида дунёқараш юзага келади, сўнг хулқ-атвори, юриш-туриши ва муомалалари унинг устига қурилади. Кишининг дунёдаги бахтиёрлиги ва охиратдаги ютуғи воқеий ҳаётида амалга оширган ишларига қараб бўлади. Бунинг амалга ошишига ёрдам бериш эса, ота-оналарнинг вазифасидир. Дарҳақиқат, Қуръони карим бу масалага алоҳида эътибор қаратган. Аллоҳ таоло деди: **«Аллоҳ сизга фарзандларингиз ҳақида амр қилур»** (Нисо, 11). Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам бу масалани очик-ойдин баён этганлар: **«Шубҳасиз, ҳар бир туғилган бола фитрат (соф табиат) билан туғилади. Бас, ота-онаси уни яхудий ёки насроний ёхуд мажусий қилади»** (Бухорий, 1358).

Бу ҳадис бир қатор нарсаларга далолат қилади. Улар:

1. Иймон инсоннинг табиатидир. Уни ўзгартирганлар башарий офатлардан бирига дучор бўладилар.
2. Ҳадис ота-онанинг тарбиядаги масъулияти ва ролининг катталигига эътибор қаратмоқда.
3. Ҳадис тарбияда муҳитнинг таъсири катталигига ишора қилмоқда.

**Инсон қалбининг илк кунданоқ ҳеч қандай ҳужжат ва далилга эҳтиёж ҳис қилмасдан иймонга очиб қўйилгани Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг фазли марҳаматидандир. Шундай экан, ота-оналар фарзандларини энг яхши суратда асрашлари, бу соғлом фитратни покиза ҳолда сақлашлари ва уларни Қуръон ва Суннатдаги очик оят-ҳадисларга асосланган тўғри дин узра тарбиялашлари лозим. Шунингдек, ота-оналар тушунчаларини номаълум жойлардан олган атроф-муҳитининг тарбиясига таянмаслиги ва ишонмаслиги лозим. Тақлид устига қурилган мусулмончилик, дунё бир-бирига яқинлашган ҳамда ҳамма томонга очилган бир замонда бузилишлардан, мусулмон кимлигининг эриб кетиши ва шахсиятнинг заифлашишидан ҳимоя қилолмайди.**

Боланинг покиза қалби нақш ва суратлардан холи бўлган қимматбаҳо тош бўлиб, ҳар қандай нақшни, яъни ҳар қандай ишловни қабул қилаверади. Агар унга яхши хулқ ва одатлар ўргатилса, бола яхшилик узра улғаяди ва дунё-ю охиратда бахт-саодатли бўлади. Ота-онаси, барча устоз ва ўқитувчилари унга унинг савобида шерик бўлишади. Борди-ю, бола ёмонликка одатлантирилса ҳамда ҳайвонлар сингари безътибор қолдирилса, бахтсиз бўлиб, ҳалокатга юз тутади. Бунинг гуноҳи ота-онаси ва тарбиячиларининг бўйнига тушади. Чунки болани тўғрилашнинг энг қулай пайти ёшлик давридир. Бола ўз ҳолига ташлаб қўйилса, билганидай яшаб, ёмон хулқда қотса, кейин уни қайтариш жуда қийин бўлади.

Тўғри исломий таълимотга риоя қиладиган, иймонан кучли оилада улғайган бола, ҳамма нарсада ота-онасига тақлид қилади ва ўз тушунчаларини ота-онасининг дунё қарашига мувофиқ шакллантиради. Афсуски, диний тушунчаларни қаттиқ ва кескин йўл билан ўргатишга ҳаракат қилаётган ота-оналарни ҳам учратамиз. Бу нарса болаларда тесқари натижага олиб келади. Шунингдек, бола диний асосларга риоя қилинмаган оилада улғайса, мустақил равишда динга қизиқиши қийин бўлади. Негаки, бола ёшлигида диннинг таъсирини кўрмагандан унда бирорта диний фикр шаклланмайди.



## Болаларда диний ривожланиш



Болада дин Аллоҳнинг борлиги ҳақидаги фикр билан бошланади. Сўнгра кўп ўтмай, яратилиш, охират, фаришталар ва шайтонлар ҳақидаги фикрлар пайдо бўла бошлайди. Болаларда диний ривожланиш кўринишлари тўртта хусусиятда намоён бўлади:

- А** **Воқеийлик.** Бола диний тушунчаларни ҳис қилинадиган воқеий деб билади. Бола улғайган сари мавҳум нарсаларни тушуниши аста-секин ривожланади ва ҳақиқатни идрок этади. Ўсмирлик даврига келганда бу нарсаларни янада кенгроқ тушунади.
- Б** **Шаклийлик (таклидчилик):** болалар катталарнинг ибодат ва дуоларига маъноларини билмаган ва уларнинг юксак руҳиятини ҳис қилмаган ҳолда шаклан таклид қиладилар. Тарбиячи болаларнинг бу даврдаги катталарга интилиш хусусиятларидан фойдаланиб, уларга Ислом арконлари ва ахлоқини ҳамда иймон арконлари ва далилларини ўргатиши мақсадга мувофиқ бўлади.



- В Манфаатчилик:** болалар баъзи ибодатларни адо этиш билан ота-онаси, ўқитувчиси ва атрофидагиларни хурсанд қилаётганини билади. Шу сабабдан буни уларнинг муҳаббатини қозониш, баъзи манфаатларга эришиш ёки жазодан қутулиб қолиш учун қилади.
- Д Боғлиқлик:** бола динига мансуб бўлиш ва дўстликка бўлган ички фитрий эҳтиёжи билан боғланади. Мансуб бўлиш кўринишларининг энг олийси, Аллоҳ азза ва жаллага дўст бўлишдир.

Юқорида айтиб ўтилганлардан, иймоний тарбияга эътибор қаратишнинг аҳамиятини, ота-оналар ва мураббийлар ёшларни иймонга яқинлаштиришга жиддий ҳаракат қилишлари лозимлигини англаб етамиз. Айниқса, фитналар, чалғитадиган нарсалар ва турли-туман кўнгилхушликлар кўпайган бир замонда бу масала янада аҳамиятли. Ота-оналар қилишлари лозим бўлган муҳим ишлар қуйидагилардир:

**Биринчи:** боланинг руҳида тавҳид калимасини таълим беришда асос бўлган фитратни жонлантириш.

**Иккинчи:** Аллоҳ муҳаббати ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам муҳаббатини мустаҳкамлашга ва Қуръонни ўрганишга ундайдиган иймон ва унинг олти рукнини кучайтириш.

Инсоннинг руҳида мавжуд бўлган диний фитрат тарбия ишларида ота-оналарга ёрдам беради. Соғлом фитрат эътиқод қилишнинг инстинкт (ички ҳис, майл) эканини кўрсатади. Бу майл ҳам бошқа майллар каби ўзгартириш ва алмаштиришни қабул қилмайди, фақат ривожлантириш ва йўллантиришни қабул қилади, холос. Бу фитрат яратилиш мақсадидан бошқа тарафларга қўлланилиши мумкин. Шу сабабдан Ислом, фитратни яратилиш мақсади томонга йўналтиришга чақиради (яъни, тавҳидга чорлайди).

Мусулмон боланинг иймоннинг олти рукни асосида улғайиши энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Бу рукнларнинг энг муҳими Аллоҳ таолога иймон келтиришдир. Аллоҳга иймон келтириш ва Аллоҳни яхши кўриш ҳосил бўлгандан кейин, иймоннинг колган рукнлари ўртача чиқади. Аллоҳ Ўз муҳаббатини иймон ва бўйин эгиш асосларининг энг мустаҳкамларидан қилди. Бошқача қилиб айтганда, Аллоҳни яхши кўриш, Аллоҳга ибодат ва душманларига адоват қилиш учун шартдир. Бу муҳаббат дунёдаги барча муҳаббатдан устун бўлиши лозим. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай деган: «(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом), айтинг: «Агар ота-оналарингиз, болаларингиз, ака-укаларингиз, жуфтларингиз, қариндош-уруғларингиз ва касб қилиб топган мол-дунёларингиз, касод бўлиб қолишидан қўрқадиган тижоратларингиз ҳамда яхши

**кўрадиган уй-жойларингиз сизларга Аллоҳдан, Унинг пайғамбаридан ва Унинг йўлида жиход қилишдан суюклироқ бўлса, у ҳолда то Аллоҳ ўз амрини (яъни, азобини) келтиргунича кутиб тураверинглар. Аллоҳ итоатсиз қавми хидоят қилмас”** (Тавба, 24). Аллоҳ улардан рози бўлган бандалари ҳақида сўз юритганда, уларнинг биринчи сифатлари Аллоҳни яхши кўришлари эканини айтди: **«Эй мўминлар, сизларнинг ичингиздан кимда-ким динидан қайтса, Аллоҳ бошқа бир қавми келтирурки, Аллоҳ уларни яхши кўрур, улар Аллоҳни яхши кўрурлар. Улар мўминларга хокисор, кофирларга эса қаттиққўл, бирон маломатгўйнинг маломатидан кўрқмай Аллоҳ йўлида курашадиган кишилардир. Бу Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, Ўзи хоҳлаган кишиларга берур. Аллоҳ фазлу карами кенг, билгувчидир”** (Моида, 54).

Аллоҳ таоло холис тавҳиднинг Аллоҳни мутлақ яхши кўриш билан бўлишини баён қилди: **«Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар ўзгаларни Аллоҳга тенг билиб, уларни Аллоҳни севгандек севадилар. Иймонли кишиларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари қаттиқроқдир”** (Бақара, 165).

Яратилишимиз мақсади бўлган куллик, муҳаббат мартабаларининг энг олийсидир. Тавҳиднинг асли ва руҳи, муҳаббатни ёлғиз Аллоҳга холис қилишдир. Куллик қилишнинг асли, ҳатто ибодатнинг ҳақиқатидир. Банда Аллоҳни яхши кўрмасдан ва бу муҳаббати барча нарсаларга бўлган муҳаббатдан устун ва ғолиб бўлмасдан ҳамда унга кўра ҳукм қилмасдан туриб унинг тавҳиди комил бўлмайди. Яъни, банданинг саодати ва нажоти бўлган бу муҳаббатга қолган муҳаббатлари тобе бўлгандагина унинг тавҳиди комил бўлади.

Иймон устига қурилган бу муҳаббат болаларнинг хулқ-атворларини ўнглайдиган, уларни Ислому динида, Аллоҳ таолонинг ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тоатида собитқадам қиладиган воситаларнинг энг улуғидир. Кимнинг қалбига Аллоҳ ва Расулининг муҳаббати экилса, у ақидаси, ибодати ва ахлоқида мустақим, тўппа-тўғри бўлади. Баъзи масалалар ва нарсаларда адашса, ғофил бўлиб ёки унутиб хатога йўл қўйса ҳам, Аллоҳнинг изни билан, унинг қалбидаги бу муҳаббат уни тўғри йўлга қайтаради. Чунки муҳаббатнинг фақат ташки эмас, ички майллари, ундовлари ҳам бор.

Ислому ақидасининг борлиқ ҳақидаги қарши, инсоннинг фитрати ва табиатига монандлиги билан, соғлом ақлга мувофиқлиги, унга зид эмаслиги билан ажралиб туради. Шунингдек, у бошқа ақидаларда мавжуд бўлмаган хусусиятлар билан ажралиб туради. У фикр, эътиқод, ахлоқ ва шариату низомлари мукаммал бўлган ақидадир. У фикр ва ақида низомига

эгаллиги билан борлиқнинг бошланиши, оқибати, ичида ва ташқарисида мавжуд бўлган ҳақиқатлар ҳақида кенг қамровли изоҳ беради. Яна, инсон ҳаётининг бошланиши ва ниҳояси ҳақида хабар беради. Сўнгра борлиқнинг яратилиш мақсадини, инсонга уни амалга ошириши учун яратилиш ғоясини белгилаб беради. Шу тариқа, инсоннинг ақлий табиатидан келиб чиқиб сўраши керак бўлган борлиққа тааллуқли саволларига жавоб беради. Зеро, инсон бу саволларга етарли жавоблар тополмаса, ҳаётда хотиржам бўлмайди ва таскин топмайди. Ҳаётнинг маъносини тополмагани учун доимий изтиробда ва ташвиш билан яшайди.




# Иймоний тарбиянинг самаралари



Иймоний тарбияни таълим олган киши қўлга киритадиган бир қанча самаралар бор. Қуйида улардан баъзиларини келтирамиз:

- 1** эзгу ишларни қилишга ошиқиш ва мусобақалашиш. Мўмин киши Аллоҳнинг розилиги ва раҳматига эриштирадиган ҳар бир сабабни топишга ҳаракат қилади.
- 2** ички бошқарув тизимини мустаҳкамлаш. Зеро, инсоннинг хулқ-атворини тирик иймонгина тартибга солади.
- 3** дунёда зоҳид бўлиш. Мўминнинг қалби дунёга боғланмайди, бутун диққат маркази ва муомалаларининг ягона мақсади дунё бўлмайди.
- 4** илоҳий дастак. Аллоҳ таоло мўмин бандасига фойдали бўлган ишларини ҳақиқий маънода рўёбга чиқаради ва уни икки дунё саодатига эриштиради.
- 5** Аллоҳга рағбат қилиш. Банданинг иймони ортган сари Раббига бўлган ишончи ва рағбати ҳам ортади ва яралмиш нарсалардан юз ўгиради.
- 6** одамлар орасида муаммолар ва нохуш ҳолатларнинг йўқолиши. Қалбда иймон ортган сари унга нафс-ҳавонинг таъсири камаяди, ирода кучаяди ва соҳибини гўзал хулқларга ундайди.
- 7** одамларга ижобий таъсир қилиш. Иймони кучли мўмин ўзини ва атрофидагиларни ислоҳ қилишга интилади.
- 8** тинчлик ва хотиржамликни ҳис қилиш. Банданинг қалбига иймоний ишонч жойлашганда ундан одамларни даҳшатга соладиган қўрқувлар тарқалиб кетади.

## Иймоний тарбиянинг устунлари



Ота-оналар фарзандларига иймонларини кучайтирадиган, юриш-туриш ва хулқ-атворларини тузатадиган, Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг умматига мансуб бўлиш ҳиссини мустаҳкамлайдиган таълимни беришлари вожибдир. Бу маъно таҳтига дохил бўладиган асосий нарсалар қуйидагилардир:

1. Иймоннинг олти рукнини таълим бериш. У инсоннинг фитрати ва табиатига мос, шариатни ўз ичига олган умумий иймон бўлиши лозим. Иймоннинг руҳини йўқотадиган ташқи кўринишга эътибор қаратишдан узоқ бўлиш билан бирга, қалбларни уйғотадиган, ақлларни ҳаракатлантирадиган ва хулқ-атворларни ислоҳ қиладиган амалий йўл бўлишига ҳаракат қилиш керак.
2. Болаларга Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламни яхши кўришни, у зотнинг аҳли байти, завжалари ва барча саҳобаларини ҳаддан ошмаган ва ҳақсизлик қилмаган ҳолда яхши кўришни таълим бериш.
3. Болаларга динни, унинг маросимларини ва нишонларини улуғлашни ўргатиш ҳамда уларни таҳқирлашдан, оёқ ости қилишдан ва бунга бефарқ қолишдан огоҳлантириш.
4. Болаларга иймоннинг солиҳ амалларсиз комил бўлмаслигини ўргатиш. Зеро, иймон тоат билан ортади, маъсият билан камаяди. Яъни, хулқ-атвор, юриш-туриш ва ибодатда ўз мевасини бериши учун тўғри иймоний тарбия зарурдир.



5. Болаларнинг қалбида охиратга бўлган иймонни ва уни улуғлашни ўрнатиш. Охиратдаги жазо/мукофотни банданинг дунёда қилган амалларига боғлиқлигини, ким дунёда гўзал иймон соҳиби бўлса, унга жаннат, ким гуноҳкор бўлса, унга дўзах бўлишини ўргатиш.
6. Аллоҳ таолонинг бандаларини мунтазам кузатиши, уларни кўриб, эшитиб туриши ва уларнинг ҳолатларидан бирон нарса У зотга махфий бўлмаслигини болалар онгига сингдириш.
7. Болага унинг ҳақда эканини чуқур ҳис қилдириш. Бу нарса уни динини азизлик ва куч билан тутишга чорлайди.



# Иймонни мустаҳкамлайдиган тарбия услублари

Бу услубларни иккига бўлиш мумкин: оқ-қорани ажратиш ёшидан олдинги ва оқ-қорани ажратиш ёшидан кейинги даврдаги услублар.

Оқ-қорани ажратиш ёшидан олдин бола қалбига иймонни ўрнатишга ёрдам берадиган нарсалар:

- 1.** Болага атрофида ҳар доим эшитадиган Абдуллоҳ, Абдурраҳмон ва Абдулкарим каби Аллоҳга қуликни ифода этган исмларнинг маъноларини умумий суратда изоҳлашга ҳаракат қилиш, азонга қулоқ солишига эътибор бериш, кеча ва кундуз ўқиладиган зикр ва дуоларни ўргатиш, уларни айттириш ва айтиладиган вақт келганда эслатиш, Аллоҳ таолонинг унга берган неъматларини эслатиш, хоссатан, доимий тақрорлангани учун таомланишда айтиладиган: таомдан олдин «бисмиллаҳ», таомдан кейин «алҳамдулиллаҳ» дейишни ўргатиш.
- 2.** Қуръондан баъзи сураларни ёдлатиш ва уларнинг Аллоҳ таолонинг каломи эканини тушунтириш. Улардан дастлаб Фотиҳа, Ихлос, Фалак ва ан-Нас сураларини ўргатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, болага тўғри иймоний маъноларни таълим берадиган баъзи қасида ва нашидларни ёдлатиш мумкин.
- 3.** Болага Аллоҳнинг исмини шодлик ва хурсандчилик вазиятларига боғлаб эслатишга эътибор бериш. Болалик даврида Аллоҳ таолонинг исмини шиддат ва азоб билан боғламаслик даркор. Шунингдек, бу даврда Аллоҳнинг ғазаби, азоби ва дўзахи ҳақида кўп гапирилмайди.
- 4.** Аллоҳнинг қудрати ва азаматини ҳис қилдириш учун болани ахлоқ, куч-қувват ва ўзини тутишда чиройли йўлга йўналтириш. Шу тариқа, у Аллоҳ таолони яхши кўради, Аллоҳ ҳам уни яхши кўради ва бутун коинотни унга бўйсиндиради.

5. Болага юриш-туриш, муомала одобларини ўргатиш, раҳмат-марҳаматга, ёрдамсеварликка, гапириш ва тинглаш одобларига одатлантириш, чиройли ўрناق бўлиш йўли билан Исломиё қадриятларни сингдириш. Шу зайлда бола фазилат хукм сурган муҳитда яшайди ва атрофидаги барча яхшиликларни эгаллайди.

q w  
h r p m i

A x e  
m s q y y  
v A





Оқ-қорани ажратиш ёшидан кейин эса, юқорида айтилганларга ақлини ишлатиш ва тафаккур қилишни ўз ичига олган услубларни қўшиш мумкин. Улардан:

1. Бу коинотнинг қанчалар улканлиги, нозик жиҳатлари билан, мустаҳкам ва пухта яратилганини ўргатиш. Буни билиш коинотнинг яратувчиси Аллоҳни улуғлаши ва қадрлаши учун лозимдир. **«Бу ҳар бир нарсани пухта қиладиган Аллоҳнинг санъатидир»** (Намл, 88).
2. Аллоҳ таолонинг ишлари ва махлуқотларидаги ҳикматларини эслатиш. Бу эслатма билан бола Аллоҳ таолони яхши кўради ва Унга ҳамд айтади. Бу ҳикматлардан баъзилари: кеча ва кундузнинг, куёш ва ойнинг яратилишидаги, кўз, кулоқ ва тил каби сезги аъзоларининг яратилишидаги ҳикмат. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: **«Ахир улар ўзларича Аллоҳ осмонлар ва Ерни ҳамда улар орасидаги бор нарсани фақат ҳақ (қонун) ва белгиланган муддат билан яратганини (демак ўша муддат битгач, дунё тугаб, Охират бошланишини) тафаккур қилиб кўрмадиларми?!»** (Рум, 8).
3. Болани йўллантиришда рўй берган ҳодиса-воқеалар асосида яхшиликни яхши кўрсатадиган ва ёмонликдан нафратлантирадиган ҳикматли бир услуб кўлланиб, тўғри фурсатлардан фойдаланиш. Масалан, бола бетоб бўлганда қалбини Аллоҳга боғлаймиз, унга дуо қилишни, яхши гумонда бўлишни, руқя ўқишни ўргатамиз. Егиси келган мева ёки ширинлик олиб келганимизда, уни Аллоҳ берганини айтиб, бу неъматга шукр қилишини талаб қиламиз. Ота-она болага алам берувчи ҳодисалар юз берган дамда иймоний тушунчаларни таълим беришдан узоқ туриши лозим. Чунки бола ҳали буни тўла тушунадиган ҳолатда бўлмайди.
4. Болаларда биз ҳаракат қиладиган Исломиё урф-одатларга кўниктиришимиз учун амалий машғулотлар қилишимиз лозим. Шунинг учун, мураббийнинг ўрнак бўладиган хулқ-атвори кўрсатиши мақсадга мувофиқдир. Дин билан ахлоқ нормалари орасини хулқ-атвор ва муомала воситасида боғлаш, тарбиямизни нафақат назарий, балки чанакам тарбия бўлишини тامينлайди.
5. Болаларда яхши хулқларни кўпайтириш ва ундан бошқаларидан узоқлаштириш учун мақсадга йўналтирилган қиссалардан фойдаланиш. Танланган ҳикоя ичидаги қадрли нарсаларни ва кўрсатмаларни очиб берадиган драматик ва таъсирчан тарзда тақдим этилиши керак. Нашидлар орқали ҳам болага олийжаноблик ва яхши хулқларни ўргатиш мумкин. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг

сийратларини айтиб бериш орқали болага Пайғамбаримизни танитиш, у зотни яхши кўрдириш ва унга итоат қилишни таълим бериш мумкин. Айниқса, у зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёшлиқларини, болаларга қандай муомала қилганлари ва уларга меҳр-шафқатларини, шакл-шамойилларини, олий хулқларига тааллуқли нарсаларни айтиб бериш керак. Шунингдек, Пайғамбаримизнинг аёллари, аҳли байтлари ва саҳобалари ҳақидаги қиссаларни айтиб бериш жуда фойдалидир.

6. Диний тарбия беришда мўътадил бўлиш ва тоқатлари етмайдиган нарсаларни болаларга юкламаслик. Унутмайликки, боланинг ҳақиқий дунёси ўйин ва дилхушлиқдир. Боланинг табиий ва рухий ривожланишига зид бўлган нарсалар билан, уларга ортқча масъулиятлар юклаш билан ва асосий болалик эҳтиёжларидан маҳрум қиладиган тақиқларни кўпайтириш билан уларни чарчатмаслигимиз лозим. Чунки ошириб юбориш ва кўп танқид қилиш, салбий натижа беради ва гуноҳга қарши нотўғри нарсани ҳис қилишига олиб келади. Одатда бу ҳолат биринчи фарзандда кузатилади. Яъни, баъзи ота-оналар боласини мукамал ва намунали қилиб етиштиришга ҳаракат қилиб бу хатога йўл қўйишади.



7. Катталар боланинг ҳар ишига ҳадеб аралашавермай, ўз холига қўйишлари лозим. Лекин болага ўзидаги қобилиятларни ва атроф-муҳитини идрок қилишини юзага чиқарадиган фаолиятлар тайёрлаб бериш керак. Бу нарса боладаги изланиш иштиёқини ўстиради ва малакаларини кўпайтиради.
8. Болани шижоатлантириш унга яхши таъсир қилади ва уни исталган хатти-ҳаракатларини бажариш учун қўлидан келганича ҳаракат қилишига ундайди. Боланинг хулқ-атворини назорат қилиш ва йўналтиришда севги ва муқофотлаш усулини қўллаш, тўғри хулқ-атворни эгаллашида энг афзал йўлдир. Болага ўз ҳаққини ўрганишида, нима унинг фойдасига ва нима зарарига, нимани қилиши тўғри ва нимани қилиши нотўғри эканини билишига ёрдам бериш. Болага ҳурматини ва ўрнини, эркалатиб юбормасдан, яхши назорат билан ўргатиш лозим.
9. Қуръони каримни эъозлашни, унинг муқаддаслигини, буйруқларига амал қилишнинг шартлигини осон ва жозибали услубда боланинг қалбига жойлаштириш. Шунда бола Қуръонни муқаммал тиловат қилиш билан итоаткор фаришталар даражасига етишини билади. «Аувзу» ва «бисмиллаҳ»ни айтиш, Қуръонни жим ўтириб тинглаш каби тиловат одобларига риоя қиладиган бўлади. Қуръон оятларини эшитишга одатлантиришимиз лозимки, Қуръон унинг тил бойлигини орттиради ва ўқишга тезлайди. Шунингдек, болага ёддан биладиган ва ақидага оид маъноларга эга бўлган баъзи сураларнинг тафсирини ўргатиш мумкин. Масалан, Фотиҳа, Ихлос, Фалақ ва Ан-нас каби сураларнинг тафсирлари. Яна Қуръони каримдаги қиссаларни содда, тушунарли, такрор-такрор ва турли йўллар билан ҳикоя қилиб беришни кўпайтириш мумкин.

**10.** Савол-жавоб услубидан фойдаланиш. Бунда саволнинг болага етказишни хоҳлаган маълумотларни ўз ичига олганига эътибор беришимиз лозим. Жавоб ҳам унинг ёши ва ақл савиясига мос келадиган ва жуда қисқа бўлиши керак. Боланинг олий хулқларни эгаллаши ва хулқ-атворида яхши томонга ўзгаришида бу услубнинг катта таъсири бор.

**11.** Бўяшнинг қизиқарли йўли орқали таълим бериш. Бўяладиган расм иймонга доир маъноларни ўз ичига олиши ва ҳар сафар бир-биридан фарқли бўлиши лозим. Шунингдек, кенг камровли ва турфа кўринишдаги мусобақалар ташкил қилиш билан ҳам иймоний кадриятларни таълим бериш мумкин. Бунда мусобақаларнинг ҳаракат билан бажариладигани танланади, чунки бола ҳаракат қилишни ва ўйиннинг бир парчаси бўлишни яхши кўради.



- 12.** Болага ақидага доир баъзи ҳадисларни ёки ҳадислардан баъзи қисмларини боланинг тушуниш савиясига мос, осон, севинтирадиган ва унинг ақли етадиган шаклда шарҳлаб берамиз. Шунингдек, иймонни ўстирадиган, онгга ўрнашиб, сўнгра беихтиёр қўлланиладиган баъзи ибораларни такрорлаш услуги билан ўргатиш мумкин. Масалан: «**Қадаруллоҳ, ва ма шаа'а фаъала**» (Маъноси: Аллоҳнинг тақдири экан. У хоҳлаганини қилди). «**Таваккалту алаллоҳ**» (Маъноси: Аллоҳга таваккал қилдим). «**Аллоҳу ала кулли шайъин қодир**» (Маъноси: Аллоҳ ҳар ишга қодирдир). Шунингдек, бола ота-онаси ёки мураббий ёрдамида синфини, ётоқ хонасини иймонга тааллуқли ибора ва жумлалар билан безаши мумкин. Масалан: «**Мен мусулмонман**», «**Мен Раббимни яхши кўраман**» каби иборалар ёки иймон шартлари ёзилиши мумкин. Булар боланинг кўп ва мунтазам кўрадиган нарсалари бўлгани учун унинг хотирасида мустаҳкам ўрнашишига сабаб бўлади.
- 13.** Болага ҳар бир кишига бало-мусибат етишини, Аллоҳ дунёдаги барча одамларни қандайдир қийинчилик ва мусибатлар билан имтиҳон қилишини ва У зот ҳар нарсани фақат етук ҳикмат билангина тақдир қилганини таълим берамиз. Фойда берувчи, зарарни кетказувчи фақат Аллоҳ эканини, Унинг раҳмати ғазабидан ўзиб кетганини боланинг қалбига ўрнаштирамиз. Унга кенгчиликнинг ҳар доим қийинчиликдан кейин келишини ва бунинг Аллоҳнинг қонуни эканини тушунтирамиз. Бунда Аллоҳга яхши гумон қилишни ва бу айни ибодат эканини ўргатамиз. Бунда Аллоҳнинг биз учун ихтиёр қилганларининг биз ўзимиз учун ихтиёр қилганларимиздан яхшироқ эканини билдирамиз. Зеро, инсонга ярашадиган нарса, сабр билан безаниши, мусибатларга дуч келганда шаръан жоиз бўлган сабабларни тутиши, Аллоҳнинг қадарига рози бўлиши ва ажрини Аллоҳдан умид қилишидир. Ва ниҳоят, дуони маҳкам ушлашни ўргатамиз. Чунки дуо бандага ҳар доим фойда келтирадиган тижоратдир.



## Тарбия воситалари



**Боланинг қалбига иймонни ўрнаштиришга ёрдам берадиган энг муҳим тарбия воситалари қуйидагилардир:**

**1. Чиройли ўрناق бўлиш.** Ўрناق бўлиш энг муҳим, энг таъсирли ва боланинг қалбида чуқур из қолдирадиган йўл ҳисобланади. Дарҳақиқат, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўрناق бўлишнинг бола ҳаётидаги аҳамиятига катта эътибор қаратган эдилар. Абдуллох ибн Омир разияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Бир куни Расулуллох соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизникида бўлганда, онам мени чакириб: «Ҳой Абдуллох, бу ёққа келгин, бир нарса бераман», дедилар. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Унга нима бермоқчи эдинг?**», дедилар. Онам: «Унга хурмо бермоқчи бўлгандим», дедилар. Шунда Расулуллох: «**Агар унга ҳеч нарса бермаганингда сенга битта ёлғон ёзиларди**», дедилар (Абу Довуд, 4991). Бошқа бир ривоятда эса: «**Ким бир ёш болага: «Кел, бир нарса бераман», деб бермаса, бу ёлғон бўлади**», дедилар (Аҳмад, 9624). Шубҳасиз, ўрناق бўлиш таъсирли услубдир. Мазкур ҳадисларда ёш болаларга нисбатан ростгўй бўлишнинг аҳамиятига эътибор қаратилган.

**2. Тўғри, холис насихат.** Насихат қилиш йўллари кўпдир: бевосита насихат, зарбулмасал келтириш орқали насихат, қиссадан ҳисса чиқариш, ўзаро суҳбат йўли билан насихат қилиш ва бошқалар. Бизнинг вазифамиз, болани зериктириб, безор қилмасдан насихат қилишдир.

**3. Рағбатлантириш ва кўрқитиш.** Бу икки услубни муқофот ва жазо бериш дейиш мумкин. Булар инсоннинг табиатига тўғридан-тўғри таъсир қилгани учун энг муҳим тарбия услубларидан ҳисобланади. Бу услуб фойдали



бўлган нарсани яхши кўрсатиб, унга жалб қилиш, зарарли нарсани ёмон кўрсатиб, ундан узоқлаштиришга асосланади. Бироқ бу услубни ҳаддан оширмай, бепарво бўлмай, адолат ва ҳаққоният билан амалга ошириш керак. Боланинг кўнгли нозик ва таъсирчан бўлади, шу сабаб уни кўрқитмаслик ва ваҳимага солмаслик лозим. Акс ҳолда тескари натижа бериши мумкин. Зеро, боланинг болалик даврида кўрқитишдан кўра рағбатлантиришга эҳтиёжи кўпроқ бўлади.

- 4. Ўргатиш, одатлантириш ва амалий машғулот.** Болага Аллоҳ таолонинг розилигига эришишга ҳаракат қилишни, Ундан кўрқиш, ҳаё қилиш, ҳар доим Унга суяниш, ҳар бир иш Унинг қўлида экани ҳақидаги илмни ўргатишга, одатлантиришга ҳаракат қилинади. Булар болага олдидан чиқадиган ҳар қандай қийинчиликни енгадиган куч ва матонат беради. Қалбини хотиржам ва ўзини бахтиёр қиладиган ишонч ва розилик бахш этади.
- 5. Қайтариш ва такрорлаш.** Буларнинг таълимда ва инсон қалбида илмнинг барқарор ўрнашишида фойдали усуллар эканини замонавий илм-фан ва тажрибалар тасдиқлагандир.
- 6. Суҳбат ва мунозара.** Бола билан гаплашиш унинг фаҳмлаш қобилиятини кенгайтиради, маърифат уфқларини очади. Лекин бунда боланинг шахсияти ва фикрларини ҳурмат қилиш, уни яхшилаб эшитиш ва босиқлик билан гаплашиш, суҳбатнинг муваффақиятли ва таъсирли бўлиши учун шартдир. Суҳбат мазкур тарзда бўлганда болага тарбия бериш ва уни йўллантириш осон кечади.
- 7. Китоб.** Боланинг иймоний, илмий ва маданий эҳтиёжларига мос китоблар билан тўлдирилган кутубхонасининг бўлиши жуда муҳимдир. Унинг аудио, видео ва дигитал китоблардан ташкил топган бўлиши самарадорликни янада оширади. Шунингдек, бу кутубхонада қиссалар мажмуасининг бўлиши боланинг таълими учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган дарчадир. Улар ичида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ва саҳобалар разияллоҳу анҳумнинг сийратларидан намуналар, мақсадга йўналтирилган қиссалар бўлиши болага жуда фойдали бўлади.
- 8. Замонавий технология ва ўқув қўлланмалари.** Улар фикр ва маълумотларни тарқатиш, уларни болага яқинлаштириш ва маъноларини тушуниб, идрок қилишда ва хотирасида қолишига ҳисса қўшадиган воситалардир. Ушбу маълумотлар ва асослар болани ўзига жалб қиладиган ва уни қабул қилишга мос руҳий ҳолатга келтирадиган кизиқарли тарзда ва жозибали рангларда тақдим этилади.



- 9. Туғма майллар.** Болада бир қанча майллар бўлиб, тарбияда улардан фойдаланиш мумкин. Улардан: ўйин ўйнаш, биргаликда ҳаракат, тақлид қилиш ва бошқалар. Бола ўйин воситасида атрофидаги дунёни кашф қилиши, ҳаёлларини ифода этиши ва идрок даражасини билиб олиши мумкин. Шундай экан, коинот ва ҳаёт ҳақидаги тўғри тушунчаларни изоҳлаш ва болага қадриятларини ўргатишда бу фактордан фойдаланиш мумкин. Бунда осон ва унга муносиб усулни қўлланиш лозим. Вазият ва ҳодисаларни кузатиш огоҳлантириш ва йўналтириш билан яхши фойдаланилса, бола руҳиятида кучли из қолдиради.
- 10. Дуо.** Дуо банданинг Раббига муҳтожлиги ва Унинг фазли марҳаматидан умидворлигининг далилидир. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло бандаларини дуо қилишга тарғиб қилди ва уларнинг дуоларини ижобат қилишга ваъда берди: **«Парвардигорларингиз: «Менга дуо-илтижо қилинглар, Мен сизларга (қилган дуоларингизни) ижобат қилурман», деди»** (Ғофир, 60).

Дуо тарбиячининг тарбиядаги мақсадига етиш учун қўлланадиган энг катта воситасидир. Зеро, уни энг улуғ мураббийлар бўлган пайғамбарлар алайҳимуссаломлар иймон ва тавҳидни ўрнатиш учун қўллангандирлар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло айтади: **«(Эй Мухаммад алайҳис-салоту вас-салом), эсланг, Иброҳим айтган эди: «Парвардигорим, бу шаҳарни (яъни, Маккани) тинч шаҳар қилгин, мени ва болаларимни бутларга бандалик қилишдан йироқ қилгин»** (Иброҳим, 35).

Демак, боланинг ҳаққига дуо қилиш, уни тарбиялашда яхшилик қилинганини кўрсатадиган энг муҳим кўрсаткичлардан биридир.

**11. Ролга кириш ва тақлид.** Бола табиатан тақлид қилишни яхши кўради. Бундан фойдаланиб, унга имкон бериш мумкин. Масалан, унга масжид имоми роли берилиб, жамоатга қироат билан намоз ўқиб бериши топширилади. Ёки имом хатиб бўлиб хутба ўқиб, ваъз-насихат қилиш, ёки ўқитувчи бўлиб, дарсни тушунтириб, таълим бериш вазифаси топширилади ва ҳоказо. Бу усул билан маънолар боланинг онгига ва қалбига жойлашади, ўзи тақлид қилган кишиларнинг ва ишларнинг қадрини билади.



## Тарбиячининг сифатлари



**1. Раҳм-шафқат ва марҳамат.** Тарбия қалбларни раҳм-шафқатга тўлдирадиган марҳамат хулки билан бирлашмаса, яхши натижа бермайди. Бир кун Акроъ ибн Ҳобис Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг неваралари Ҳасан ва Ҳусайнни ўпаётганларига гувоҳ бўлди ва: «Менинг ўнта фарзандим бор, бироқ улардан биронтасини ўпмаганман», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Раҳм қилмаган кишига раҳм қилинмайди**», дедилар (Бухорий, 5997). Сарвари коинот соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна шундай деганлар: «**Раҳм қилувчиларга Раҳмон раҳм қилади. Ер юзидагиларга раҳм қилинглarki, осмондаги Зот сизларга раҳм қилсин**» (Абу Довуд, 4941).

**2. Ҳалимлик ва кечирувчанлик.** Дарҳақиқат, Саййидимиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу хулқнинг чўққисига етгандилар. Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга кетаётган эдим. У зотнинг устиларида жияги йўғон нажроний бурда (ёпинчик) бор эди. Бир аъробий у зотга етиб олиб, ридоларидан қаттиқ тортди, натижада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг гарданларига бурданинг жиягининг изи тушиб қолганини кўрдим. Кейин у: «Эй Муҳаммад! Ҳузурингдаги Аллоҳнинг молидан менга ҳам (берилишини) буюр», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга бурилиб қарадилар-да, қулиб қўйдилар. Сўнгра унга (сўраган нарсасини) берилишини буюрдилар» (Бухорий, 5809).

Ҳалимлик ва юмшоқликка боғлиқ бўлган нарсалардан бири кечиримли бўлишдир. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: «**(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом), кечиримли-марҳаматли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгиринг!**» (Аъроф, 199). Ана ўшанда ҳалимлик юзага келади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғазабланмасликка чақириб, ғазабланишдан қайтардилар. Саҳиҳ ҳадисда, бир киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Менга насиҳат қилинг», деганда, у зот: «**Ғазабланма**», дедилар. Бояги киши бир неча марта сўради, Расулуллоҳ: «**Ғазабланма**», дедилар.



- 3. Сабр-тоқат.** Тарбиячи болаларга таълим ва тарбия бериш асносида сабр билан безаниши, шошқалоқлик қилмаслиги лозим. Тарбиячи мақсад ҳосил бўлиши ва натижаларнинг юза чиқишига шошилмайди, умидсизланмайди ва муваффақиятсизликни ҳис қилмайди. Сабрсиз тарбиячи, озуқасиз мусофир кабидир.
- 4. Адолат.** Агар тарбиячи болаларни бир-биридан очиқ-равшан сабаб бўлмаган ҳолда ажратса, унинг болаларга таъсири камаяди ва болалар орасидаги равонлик, келишувчанлик йўқолади. Зулм ва ҳақсизлик қайси ишда бўлса, ўша ишни булғайди, расво қилади.
- 5. Омонатдорлик.** Тарбиячи таълим олаётганлар билан муомалаларида ростгўй ва омонатдор бўлиши лозим. Омонатдорлик пайғамбарларнинг сифатларидан биридир. Бу сифат амалнинг сифатли ва пухта бўлишида, мақсадга етказиши ва муваффақиятга эришишда асосий нарсадир.
- 6. Такво.** Ким Аллоҳ таолога такво қилса, уни ўйламаган жойидан муваффақ қилади. Такво дунё ва охиратда ютукқа эришиш, салоҳият, нажот ва тавфикнинг ҳамроҳидир.
- 7. Ихлос.** Амал Аллоҳ учун бўлмас экан, эгасига қайтарилади ва унга бу амалидан фақат чарчоқ ва бахтсизлик келади.
- 8. Илм.** Олим киши бугунини зое, оқибатини ёмон қиладиган жоҳилнинг акси ўлароқ, ҳозирги ҳолати ва оқибатини кўра оладиган бўлади.

- 9. Ҳикмат.** Тарбиячи ҳар нарсани ўз ўрнига қўйганда, ишлар изига тушади ва тарбия самарасини беради. Шундай экан, мураббийнинг асосий вазифаси, боланинг руҳига таъсир қилиб, йўл кўрсатиш ва тарбия беришда унга кўмаклашишдир.
- 10. Тарбия ишига ишониш.** Тарбия моддий ва маънавий ҳадядир. Тарбия ишининг кучига ишонмайдиган киши бундай ҳадяни тақдим қила олмайди.
- 11. Ривожлантириш.** Мураббий тарбиядаги вазифасини адо этадиган даражага етиш учун имкониятлари ва қобилиятларини такомиллаштиришга эътибор беради.







# ИЙМОНИЙ тарбия руқнлари



БИРИНЧИ РУКН:

**АЛЛОҲГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ**

ИККИНЧИ РУКН:

**ФАРИШТАЛАРГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ**

УЧИНЧИ РУКН:

**КИТОБЛАРГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ**

ТЎРТИНЧИ РУКН:

**ПАЙҒАМБАРЛАРГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ**

БЕШИНЧИ РУКН:

**ОХИРАТ КУНИГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ**

ОЛТИНЧИ РУКН:

**ҚАДАРГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ**



## Биринчи рукн:

# Аллоҳга иймон келтириш



Фитрат, ақл ва шариат Аллоҳнинг борлигига далолат қилади. Ҳар бир махлуқот Яратувчисининг борлигига ишониш табиати билан яратилган. Ақл бу махлуқотларни вужудга келтирувчиси бўлиши шартлигини билади. Барча самовий динлар Яратувчининг мавжудлигини тасдиқлашади.

Аллоҳ таолога иймон келтириш тўртта нарсани ўз ичига олади:

**Биринчи:** Аллоҳнинг борлиги.

**Иккинчи:** Аллоҳнинг рубубиятига, яъни Унинг неъматларни берувчи, яратувчи, ризқлантирувчи ва бошқарувчи Парвардигор эканига иймон келтириш.

**Учинчи:** Аллоҳнинг улуҳияти ва тавҳидига, Унинг шериги йўқлигига иймон келтириш.

**Тўртинчи:** Аллоҳнинг камол ва жамол исмлари ва сифатларига иймон келтириш.

Болага бу тўрт нарсани ўргатиш, уни Аллоҳни таниш, улуғлаш ва яхши кўриш асосида тарбиялаш бизнинг вазифамиздир.

Бу рукн қолган рукнларнинг асосидир.

### Нима учун болаларга Аллоҳни яхши кўришни ўргатамиз?

1. Чунки бизни йўқдан бор қилган, бизни бошқа кўплаб махлуқотлардан устун ва яратилишимизни мукамал қилган, бизга энг афзал неъматни бўлмиш саломатликни берган зот Аллоҳ азза ва жалладир. Сўнгра У зот Ўз фазли марҳамати билан уларга лойиқ бўлмасак ҳам бизга кўплаб ризқларни берди. Амалларимизнинг мукофотига бизга жаннатни ваъда қилдики, бу У зотнинг фазли ва марҳаматидандир. У зот аввалу охирда фазл эгасидир.

2. Чунки муҳаббат яширин ва ошкора барча ҳолатларда хурмат-эҳтиром ва кўркувни келтириб чиқаради. Фарзандларимизнинг Аллоҳ билан муносабатлари фақат Унинг азобидан ёки дўзахидан кўркиш бўлиши ўрнига, У зотни яхши кўрган ҳолда улуғлашлари ва кўркишларига жуда муҳтожмиз. Шундай бўлган тақдирда, ибодатлари уларга маънавий завқ беради ва уларни тойилишдан асрайди.
3. Чунки Аллоҳ таоло ўлмайдиган боқий ва доим, уйқу ва мудрок тутмайдиган Ҳай ва Қайюм зотдир. У зот улар билан ҳар доим биргадир. Уларни ота-оналаридан ҳам кўпроқ ҳимоя қиладиган ва асрайдиган зот Удир. Шундай экан, уларни Аллоҳга боғлаш ва Аллоҳни яхши кўришларини таъминлаш, энг мустаҳкам суюнчиқларининг Аллоҳ субҳонаху ва таоло эканини билишлари учун зарурдир.



4. Чунки улар Аллоҳни яхши кўрсалар, Қуръонни яхши кўрадилар, намозларга диққат-эътиборли бўладилар. Аллоҳ таолонинг чиройли бўлиб, чиройли нарсаларни яхши кўришини билсалар, чиройли бўлган ҳар нарсани қиладилар. Аллоҳнинг кўп тавба қилувчиларни, доимо покиза юрадиганларни, муҳсинларни, садақа қилувчиларни, сабрлиларни, таваккул қилувчиларни, тақводорларни яхши кўришини билсалар, мазкур сифатларга эга бўлишга ҳаракат қиладилар, У зотнинг розилиги ва муҳаббатига ноил бўлишга, У зотнинг уларни дўст тутишига ва уларни ҳимоя қилишига эришишга қаттиқ интиладилар. Аллоҳнинг хоинларни, кофирларни, мутакаббирларни, ҳаддидан ошувчиларни, золимларни, бузғунчиларни ёмон кўришини билсалар, қўлларидан келганича Аллоҳни яхши кўрган ва розилига интилган ҳолда мазкур сифатлардан узоқ бўлишга ҳаракат қиладилар.
5. Чунки Аллоҳ таолонинг муҳаббати, У зотнинг биз билан биргалигини ҳис эттиради. Бу эса ҳузур, ҳаловат, хотиржамлик ва собитқадамликни беради, ташвиш ва маҳзунликни аритади. Шунингдек, руҳ ва бадан руҳий ва жисмоний хасталиклардан, янада муҳими, гуноҳ ва маъсиятлардан саломат бўлади.

### Фарзандларимизга Аллоҳ таолонинг муҳаббатини қандай ўргатамиз?

1. Болаларга иймонга тааллуқли масалаларни сингдиришнинг дастлабки йўли ҳиссий бошланғичнинг бўлишидир. Яъни, боланинг Яратувчисига бўлган иймонини кучайтиришда ҳиссиётларига таянишимиз мумкин. Масалан, атрофидаги куёш, ёмғир ва шамол каби табиий ҳодисалардан фойдаланамиз. Бу аснода болага бу коинотни бошқарувчи Холиқнинг борлигини ўргатиб, савол бериш ва изланишга кизиқтирамиз. Болада изланиб, ўрганган илмий уфқлардаги ҳар нарсада Аллоҳнинг борлигининг далилларини кўриши мумкин бўлган иймоний дунёқарашни пайдо қилишга интиламиз. Аллоҳнинг ҳайратомуз қудратини ва бемисл яратишини кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Бу эса инсон яратилишининг бошланғич нуқтасига назар солишга чорлайди. Аллоҳ таоло шундай дейди: **«Энди инсон ўзининг нимадан яралганига бир боқсин!»** (Торик, 5). **«Ҳамда ўзларингизда (Аллоҳнинг қудратига далолат қиладиган оят-аломатлар бордир). Ахир кўрмайсизларми?!»** (Зориёт, 21).

Шунингдек, Аллоҳ таоло инсонни таомига, уни қандай пайдо қилгани ва пайдо бўлиш босқичларини баён этганига назар солишга ундайди: **«Энди инсон ўзининг таомига (ибрат кўзи билан бир) қараб кўрсин-чи!»**

(Абаса, 24).

Яна болаларга Аллоҳнинг буюклигига далолат қилган махлуқотларини кўрсатиш йўли билан Аллоҳнинг қудратини билдиришимиз мумкин. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди: «**Ахир улар туянинг қандай яратилганига боқмайдиларми? Осмоннинг қандай кўтариб қўйилганига; Тоғларнинг қандай тикланганига; Ва Ернинг қандай ёйиб-текислаб қўйилганига (ибрат назари билан боқмайдиларми?!)**» (Ғошия, 17-20).

Бу улкан нарсаларни Аллоҳнинг азамати ва махлуқотининг ажойиблигини, турфа изоҳлаш йўллари билан ва замонавий технологияни қўлланиб, турли ёшдаги болаларнинг зеҳнларига жойлаштиришимиз мумкин. Бола ўз табиатидан келиб чиқиб бу улкан нарсаларни яратиб, сўнг уларни унга бўйсиндириб қўйган Зотни яхши кўради.

2. Болага Аллоҳ таолонинг баркамоллиги ва гўзаллигига далолат қилган гўзал исмлари ва сифатларини таълим бериш. Аллоҳ таоло раҳмати ҳамма нарсадан кенг бўлган Раҳмон ва Раҳимдир. У хато-камчиликларни кечирувчи Афвдир. Кечириб, сатр қилувчи Ғофурдир. Бирон сабаб бўлмаса ҳам, сўрамаса ҳам берадиган Каримдир. Бандаларини фақат фойдали нарсаларга йўллайдиган Ҳодийдир. У севилган ва севадиган Вадуддир. Аллоҳнинг исмлари ва сифатларини билиш, Аллоҳни яхши



кўришга васила бўлиши муқаррардир.

3. Болани Аллоҳ билан таҳдид этишдан узоқ туришимиз даркор. «Агар гапимга қулоқ солмасанг, айтганимни қилмасанг, Аллоҳ сени жазолайди», демайлик. Болага Аллоҳ таолонинг осийларни жазолашини ўргатиш билан киши Аллоҳнинг жазосини ўзига итоат қилишга боғлаши ва бу билан болага таҳдид этиши орасида фарк бор. Бу нарса боланинг Аллоҳнинг қудрати ва азамати ҳақида теран фикрлашдан тўсади. Бола тарбиясида Аллоҳ билан таҳдид қилишга муурожаат қилмаган яхши. Билъакс, болага Аллоҳ севгиси, азамати ва ҳурматини ўргатишимиз лозим. Шунингдек, боланинг Аллоҳ ҳақидаги тушунчасига салбий таъсир қиладиган ҳар қандай нарсани Аллоҳга нисбатламаслик мақсадга мувофиқдир.
4. Бола ота-онасини намоз ўқиётганларини ёки бошқа фарз ибодатларни қилаётганларини ёхуд ҳаром ишлардан юз ўгираётганларини кўрганда, буларнинг сабаби ҳақида улардан кўп саволлар сўраши мумкин. Бундай ҳолатда ота-оналарнинг жавоблари Аллоҳга муҳаббат ва итоат маъноларини ўз ичига олиши лозим. Бу эса болага ўрнак-намуна бўлади, чунки бола ота-онасига эргашади. Боланинг қалбига Аллоҳ муҳаббатини ўрнаштирадиган нарсалардан яна бири, болаларга жаннат ҳақида ва Аллоҳ таолонинг тақводор бандаларига ҳеч қачон йўқ бўлмайдиган неъматларни тайёрлаб қўйгани ҳақида гапириб беришдир.
5. Бола вожиб амалларнинг маъносини тушунадиган ёшга етганда, бу муҳаббатнинг вожиб эканлиги ўргатилади. Зеро, бизни яратган, хилқатимизни барқамол қилган, ризқ берган, бошқа махлуқотларидан афзал қилган ва бизга Ислому неъматини мушарраф этган Аллоҳ азза ва жалладир. Фарзандимизга атрофимиздаги барча неъматларни Аллоҳ берганини, буларнинг эвазига Аллоҳга қандай ҳамд айтиш, шукр қилиш ва неъматларни зиёда қилишини сўрашни ўргатамиз. Бу неъматларни Аллоҳдан эканини билиш инсонни Аллоҳни яхши кўришга ундайди.
6. Ва ниҳоят, болага Аллоҳнинг ва Расулининг муҳаббатига эришишига ёрдам берадиган сўз, амал ва ҳолатлар таълим берилади.



## Иккинчи рукн:

# фаришталарга иймон келтириш



Фаришталарга иймон келтириш қуйидаги нарсаларни ўз ичига олади: уларнинг борлигини тасдиқлаш, улардан бизга ўргатилган исмларига ва улар ҳақида келган саҳиҳ хабарларга иймон келтириш. **Фаришталар ҳақида боланинг ақлига жойланиши лозим бўлган энг муҳим тарбиявий масалалар қуйидагилардир:**

1. Уларнинг нурдан яратилган махлуқот эканини ўргатиш. Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қилади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Фаришталар нурдан яратилган. Жинлар эса, аланга-оловдан яратилган. Одам эса, сизларга аввал васф қилинганидек (сопол каби қуриган қора лойдан) яратилган**» (Муслим, 2996).

Мана шу тарзда фариштанинг табиати ва сифати ҳақида тафсилотларига қирмай, умумий маълумот бериш етарли бўлади.

2. Улардан исмлари айтилганларини ўргатиш. Масалан: фаришталарнинг бошлиғи, энг улуғи ва Қуръонни олиб тушгани Жаброил алайҳиссаломдир. Ёмғирга масъул бўлгани Микоил алайҳиссалом, сурга уфлаш вазифаси топширилгани Исрофил алайҳиссаломдир. Яна Ашрни кўтариб турувчи фаришталар, инсоннинг амалларини ёзиб олувчи фаришталар, инсонни муҳофаза қилувчи ва бошқа фаришталарнинг исмлари хабар берилган.

3. Уларнинг саноғи жуда кўплигини, уни ёлғиз Аллоҳ таологина билишини, уларнинг тоат қилиш ва буйруқларни бажариш табиати билан яратилганини, ҳар бир фариштага топширилган вазифа борлиги ва уни сўзсиз бажаришини баён қилиш.

4. Улар маъсумдирлар. Улар чарчамай, эринмай, кибрланмай мунтазам равишда Аллоҳга ибодат қиладилар. Улар мўминларни яхши кўрадилар, уларга ёрдам берадилар, уларнинг ҳаққига дуо қиладилар ва уларни ҳимоя қиладилар. Фаришталар зикр мажлисларини кидириб юрадилар ва топганларида мажлисда иштирок этадилар.

5. Болаларга фаришталарни яхши кўрдириш. Бу муҳаббат фаришталарнинг гўзал табиатларини, мўминларга нисбатан некадар диққат ва эътибор беришларини болаларга идрок эттириш билан бўлади. Ана ўшанда болаларда бу муборак махлуқотларга нисбатан муҳаббат ва дўстлик юзага чиқади. Зеро, фаришталар мўминларнинг ҳаққига тасбеҳ ва истиғфор айтиб, дуо қиладилар, иймон келтириб, солиҳ амаллар қилиш билан ҳақ йўлда собитқадам бўлган мўминларга Наим жаннатларини хушxabар берадилар. Мўминларнинг ҳаққига салавот айтадилар, уларга ёрдам берадилар ва уларни собитқадам қиладилар. Аллоҳ таоло фаришталарни бандаларини химоя қилиш учун жўнатиш билан уларнинг амалларини сақлашни ҳам фаришталарга топширган: **«Унинг (яъни, ҳар инсоннинг) олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб қилгувчи (фаришталар) бўлиб, улар Аллоҳнинг амри билан уни сақлаб-муҳофаза қилиб турурлар»** (Раъд, 11).
6. Фаришталарга иймон келтириш, уларни улуғлаш ва ҳурмат қилишни, лойиқ бўлмаган сифатлардан уларни поклашни тақозо этади. Улар ҳурматга лойиқ бандалар бўлиб, Аллоҳнинг фармонларига осийлик қилмай, буюрилган ишларни сўзсиз бажарадилар.
7. Одамзод озорланадиган нарсалардан фаришталарнинг озорланишини тушунтириб, шахсий тозаликка риоя қилишга қизиқтириш. Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоху анҳумодан ривоят қилинади: **«Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Ким саримсоқ ёки пиёз еса, (бир сафар ким пиёз, саримсоқ ва кўк пиёз еса,) асло масжидларимизга яқинлашмасин. Чунки фаришталар ҳам Одам фарзандлари озорланган нарсадан озорланишади»** (Муслим, 564).
8. Фаришталарнинг борлиги ва уларга иймон келтиришда бир қанча ҳикматлар бор. Жумладан: инсон Аллоҳ таолонинг илмининг кенглиги, қудратининг буюклиги ва бемисл ҳикматини билади. Шунингдек, мусулмон киши Аллоҳнинг фармони билан унга ёрдам бериб, уни муҳофаза қилувчилар борлигини билиб, ўзини омонликда ҳис этади.
9. Фаришталарнинг шакл, яратилиш ва кузатиш жиҳатидан биз билан бўлган муносабати инсонга ўзининг аҳамияти ва қадр-қийматини билдиради ва ўзининг аҳамиятсиз ва арзимаслиги ҳақидаги фикрга боришдан сақлайди. Шу билан ўзини қадрлайди ва бажариши керак бўлган буюк вазифани амалга оширишга ҳаракат қилади.



Учинчи рукн:

## Китобларга иймон келтириш

Самовий китобларга иймон келтириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Аллоҳнинг хузуридан туширилган китобларнинг борлигига иймон келтириш. Бу Аллоҳнинг бандаларига раҳматининг улуғлигидандир. Аллоҳ ҳар бир қавмга уларни тўғри йўлга бошлайдиган, уларнинг шариати ва аҳкомларига мос бўлган китоб нозил қилди. Болага китобларнинг нозил қилинишининг буюк неъматлиги, улар бизга Аллоҳни, охиратни, яхшилик ва ёмонликнинг нималигини ўргатиши изоҳланади.
2. Китоблардан бизга хабар берилганларининг номларини тасдиқлаш. Масалан: Иброҳим алайҳиссаломга саҳифалар, Мусо алайҳиссаломга Таврот, Довуд алайҳиссаломга Забур, Ийсо алайҳиссаломга Инжил ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга Қуръон нозил қилинган.
3. Бу китоблар бир-бирини тасдиқлайди, инкор этмайди. Улар ўзаро бир-бирига зид ва қарама-қарши келмайди. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган: «Сизга эса (эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом), ўзидан олдинги китоб(ларни) тасдиқлагувчи ва у (китоблар) устида гувоҳ бўлган бу Китобни ҳаққирост нозил қилдик» (Моида, 48).
4. Китобларда келган тўғри хабарларни тасдиқлаш. Замонлар ўтиши билан бу самовий китоблар ўзгартиш, бузилиш ва алматирришга учраган, чунки улар фақат муайян даврда яшаганларга хос бўлгани учун, Аллоҳ уларни Қуръонни асл ҳолида сақлашни зиммасига олгани каби сақламаганини болага ўргатилади.
5. Қуръоннинг ундан олдинги китобларда келган ҳукмларни бекор қилганига иймон келтириш. Қуръони каримдаги ҳукмларга амал қилиш қиёмат кунигача давом этадиган фарздир. Шундай экан, унда буюрилган ишларга амал қилиш, қайтарилган нарсалардан узоқ туриш, ҳалол деган нарсасини ҳалол, ҳаром деганини ҳаром деб билиш, муҳкам (очиқ ва аниқ) оятларга амал қилиш, муташобих (ноаниқ ва кўп маъноли) оятларга Аллоҳдан деб таслим бўлиш, унинг худудлари ва таълимотлари қаршисида тўхташ лозим бўлади.

Китобларга иймон келтириш доирасига кирадиган муҳим ишлардан бири, болага ёшлигидан Қуръони каримни ёдлатиш масаласи. Қуръони каримни ёдлатиш болаларнинг зеҳнларини ўткир қиладиган энг муҳим ишлардан ҳисобланади. Албатта, бу ҳолат мураббийнинг вазифасини энг яхши суратда бажариши, Қуръон оятларини боланинг руҳида жонлантириш билан амалга ошади. Зеро, Қуръони карим иймонимизни зиёда қилиш ва илм билан амални бирлаштириш учун осмонлар ва Ернинг яратилиши, инсоннинг ва атрофдаги нарсаларнинг яратилиши ҳақида чуқур мулоҳаза ва тафаккур қилишга чорлайди. Қуръони каримни ёдлатиш, маъноларини идрок этиш ва билиш, инсонни ақл ва зийракликда юксак даражаларга чиқаради. Шунингдек, Қуръонни тўғри ва тажвид билан ўқиш, боланинг тилини фасоҳатли ва нутқини равон қилади. Қуръон хавф, ҳушув, рағбат ва кўрқув каби раббоний туйғуларни шакллантиради ва қалбни юмшатади. Булар болани кундалик ҳаётининг ҳар соҳасида Қуръони каримнинг таълимотлари ва одобларига амал қилишга ўргатади. Болани фозил ахлоқ ва тўғри ҳаёт узра тарбиялайди. Шунингдек, болаларни Қуръонни ёдлаш ҳалқаларида йиғилишлари ҳам уларнинг Аллоҳ таолодан улкан ажр-савоб ва катта фазилат олишларига сабаб бўлади.



### Болани Қуръонни ёдлашга қандай рағбатлантирамиз?

1. Болага Қуръоннинг фазилатларини, уни ёдлашнинг, тиловат қилишнинг, ўрганиб унга амал қилишнинг фазилатлари тушунтирилади. Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилганлар: «Қуръон ўқинглар, зеро у, қиёмат куни ўз эгаларига (яъни, уни ўқиганларга) шафоатчи бўлиб келади» (Муслим, 804).

Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Қуръон соҳибига (жаннатда): «Ўқи ва (жаннат даражалари узра) юксал, дунёда қандай дона-дона тиловат қилган бўлсанг ўшандай тиловат қил, сенинг мартабанг ўзинг ўқиган охирги оят даражасида бўлади», дейилади» (Термизий, 2914).

Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Қуръон ўқийдиган мўминнинг мисоли утружжага (лимонсимон мевага) ўхшайди, хиди хушбўй, мазаси ҳам ширин. Қуръон ўқимайдиган мўминнинг мисоли хурмога (араб хурмосига) ўхшайди, хиди йўқ, мазаси эса ширин. Қуръон ўқийдиган мунофиқнинг мисоли райхонга ўхшайди, хиди хушбўй, мазаси эса аччиқ. Қуръон ўқимайдиган мунофиқнинг мисоли ҳанзалага (итҳамак, абу жаҳл тарвузига) ўхшайди, хиди йўқ, мазаси ҳам аччиқ» (Бухорий, 5427; Муслим, 797).

Шунингдек, салафи солиҳнинг Қуръонга қандай эътибор берганларидан ўрнақлар айтиб берилади. Булар инсоннинг ҳимматини жумбушга келтирадиган энг катта воситалардандир.





2. Болани Қуръон таълим бериладиган мактабларга ёки masjidлардаги Қуръон ёдлаш халқаларига берилади, ёки унга Қуръонни ўргатадиган муаллим топилади. Шунингдек, болалар ёки ўқувчилар орасида мусобақалар уюштириб, уларга мукофотлар беришимиз мумкин.
3. Бошида болага Қуръон ёдлашни енгил ушлаш керакки, ҳатто бола Қуръон ёдлашни яхши кўриб қолсин. Ёдлаш 30-пора (Амма пораси)дан бошланади. Чунки ундаги оятлар қисқа ва бир хил услубда келган. Бу эса боланинг хотирасида яхши қолишини осонлаштиради. Шунингдек, бу порадаги суралар иймон арконларини ўз ичига олади, ақидани тўғрилайди ва хулқ-атворни тузатади. Ҳатто боланинг сихат-саломатлигини ҳам асрайди. Чунки Қуръони карим зикр ва руқя (даволовчи дуо)дир. Буларга кўшимча, Қуръон тилни тўғри ва нутқни раvon қилади.
4. Болага ўқиётган ёки ёдлаётган оятларининг маъноларини қисқача шарҳлашга аҳамият бериш. Шунда оятларнинг маънолари боланинг қалби ва ақлини очади. Ёш бола бу оятларнинг маъноларини тушунолмайди, деган фикрга бориш нотўғри. Билъакс, болаларнинг ажабланарли даражада ёдлаш ва тушуниш қобилиятлари бор.
5. Болага Қуръоннинг шифо, раҳмат ва барака эканини ўргатиш. Бу ҳақида Аллоҳ таоло айтади: **«Биз мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган Қуръон оятларини нозил қилурмиз»** (Исро, 82).

Ким Қуръонни ёки унинг бир қисмини ёдлаган бўлса, касал бўлганда ўзига руқя қилгани, яъни ўқиб дам солгани каби, атрофидагиларга ҳам руқя ўқиши мумкин.

## Тўртинчи рукн: пайғамбарларга иймон келтириш



Пайғамбарларга иймон келтириш, уларни ва бизга саҳиҳ йўл билан етиб келган хабарларини, улардан бизга хабар берилганларининг исмларини тасдиқлашни, Аллоҳнинг пайғамбарларни ақл ва ахлоқда устун бўлганлари сабабли қавмларига рисолатни етказиш учун уларнинг ичидан танлаб олганига иймон келтиришни ўз ичига олади. Аллоҳ таоло деди: **«Биз ҳар бир пайғамбарни (ҳукмларимизни) баён қилиб бериши учун ўз қавмининг тили билан (сўзлайдиган қилиб) юборганмиз»** (Иброҳим, 4).

Агар пайғамбар фаришта бўлганда эди, одамлар уни тушунмаган ёки фаришталигини рўқач қилган бўлардилар. Пайғамбарларни бир-биридан ажратмаслик, баъзиларига иймон келтириб, баъзиларга кофир бўлмасдан, ҳаммасига иймон келтириш вожибдир. Барча пайғамбарлар умматларига насихат қилишда самимий бўлганлари каби пайғомларида ростгўй бўлганлар. Улар Аллоҳдан хабар берган нарсаларда маъсум эдилар. Бизнинг зиммамизда вожиб бўлган нарса, уларнинг охиргиси ва яқунловчиси Муҳаммад соллалллоҳу алайҳи ва салламнинг шариатларига эргашиш ва амал қилишдир.

Пайғамбарларга иймон келтиришга тааллуқли болага сингдириш лозим бўлган тарбиявий масалалар қуйидагилардир:

1. Аллоҳ таоло ҳар бир умматга ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга ва Ундан бошқа нарсаларга ибодат қилмасликка чақирувчи ўзларидан бўлган бир расул жўнатганини ҳамда расулларнинг барчаси ростгўй, содиқ, хайрсевар, оқил, тақводор ва ишончли инсонлар эканликларини баён қилиш.

2. Пайғамбарларнинг бошидан охиригача ҳар бирининг даъватлари ибодатнинг асли ва асоси бўлган эътиқод, сўз ва амалда ибодатнинг ҳамма турларини ёлғиз Аллоҳ таолога қилиш ва Ундан бошқа ибодат қилинадиган барча нарсаларни инкор этиш билан Аллоҳни яққалашда бирлашган эканини баён қилиш.

3. Пайғамбарларнинг халқларга жўнатилишидаги раббоний ҳикматларни тушунтириш. Бу ҳикматлардан:

- Аллоҳ таолога ибодат қилиш ва Аллоҳни яққалаш (тавҳид).
- Одамларни тўғри йўлга бошлаш ва ҳидоят қилиш.
- Одамларга дин ва дунё ишларини ўргатиш ва уларни зулматлардан нурга чиқариш.
- Умматни бошқариш ва Аллоҳнинг шариатини татбиқ қилиш.
- Уларга эргашиш ва йўлларида бориш.

4. Аллоҳ таоло одамларни Ўзининг тўғри йўлига бошлаш учун пайғамбарларни жўнатиб, бандаларига раҳм-шафқат ва ғамхўрлик қилганини билиш. Бу буюк неъмат эвазига Аллоҳ таолога шукр қилиш, набийлар ва расулларни яхши кўришга эътибор қаратиш. Чунки улар инсонларга Аллоҳнинг рисолатини етказдилар ва уларга самимий насихат қилдилар. Агар одамлар фаҳм, ақл ва заковат жиҳатдан бирлашсалар ҳам, ҳар ҳақдорга ҳаққини берадиган салоҳиятли бир жамият тизимини қуролмасдилар. Пайғамбарлар эса, одамларга фойдали бўлган нарсаларни ўргатиб, зарарли бўлган нарслардан қайтарадилар.



5. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муҳаббатини боланинг қалбига жойлаштириш. Шунда бола у зотга итоат қилиб, унинг изидан боради ва унинг ҳурматини жойига қўяди. Ундан бошқаларга бўлган муҳаббатни унга бўлган муҳаббатдан олдинга қўймайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дўст тутганларни дўст, душман тутганларни душман тутади.

Болага Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни яхши кўрдириш йўлларидан:

- Унинг исми тилга олинганда салавоту салом айтиш билан уни ҳурмат қилиш ва қадрлаш.
- У зотнинг масжидига бориш насиб қилганда, унинг қабри ёнида ва масжидида уни ҳурмат қилиб, овозни кўтармаслик.

**Болага Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муҳаббатини қандай ўргатамиз?**

1. Болага Аллоҳ таолонинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни яхши кўриши, уни бутун одамлар орасидан танлаб олиб, афзал қилгани ва бизга уни яхши кўришни вожиб қилганини яхшилаб тушунтиришимиз даркор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни яхши кўриш Аллоҳ таолони яхши кўриш аломатларидан бўлиб, ким Расулуллоҳни яхши кўрса, Аллоҳни ҳақиқий, чинакам яхши кўришини ўргатамиз.
2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оламларга бу динни етказиш ва ҳидоятга чорлаш билан раҳмат қилиб жўнатилгани, қиёмат куни мўминларни шафоат қилиш билан уларга раҳмат бўлишини болага эслатамиз.
3. Пайғамбаримизнинг покиза сийратларидан бўлимлар ўқиш. Бунинг соясида бола Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг башарият учун гўзал намуна ва ўрнак эканини билиб олади. У зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мўъжизалари, буюк хулқлари, мазлумларга ёрдам беришлари, камбағал бечораларга меҳрибонликлари, етимларга ғамхўрликлари, заиф кучсизларга раҳм-шафқатларини ўрганади. Пайғамбаримизнинг сийратини ўқир эканмиз, тилимиз бола онгининг ривожланиш даражасига яқин бўлишига эътибор беришимиз, ақл даражасига мос нарсаларни айтиш билан кифояланишимиз лозим. Ана шунда бола айтганларимизни яхши ўзлаштириб олади. Шунингдек, бу таълим асносида болага ёшига мос эҳтиёжлари ва талабларига жавоб

берадиган турли усуллар билан тушунтиришга ҳарис бўлайлик. Бунда боланинг ўзига хос табиати ва муҳитнинг шартлари ҳам эътиборга олинади.

4. Болага ота-онаси ва атрофидагиларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга, унинг суннатлари ва сўзларига ҳурмат кўрсатишларини, унга эргашиш ва иқтидо қилишга интилишларини, исмлари ҳар сафар тилга олинганда «соллаллоҳу алайҳи ва саллам», деб салавот айтишни канда қилмасликларини кўрсатиш. Шубҳасиз, ота-онанинг амалий хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари бола тарбиясида энг кучли таъсирга эга. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, ота суннат ва нафл ибодатларни қилган пайт фарзандига Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам мана шундай қилар эдилар, деб айтади. Ўрнак бўлиш йўли билан тарбия бериш, тўғри тарбия ва соғлом ақидани таълим беришда катта таъсирга эга. Шундай экан, ота-оналар ва мураббийлар фарзандлари билан биргаликда энг гўзал ва олий хулқ эгаси бўлган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларида юришлари, у зотга эргашишлари ва унинг суннатларини амалий суратда ҳаётларига татбиқ қилишлари лозим.
5. Болага Ислонинг гўзалликлари ва мукамаллиги, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шамоиллари ва саҳобаларнинг фазилатларига далолат қилган баъзи саҳиҳ ҳадисларни ёдлатиш. Ҳадислар иймон, хулқ-атвор ва кишиликнинг шаклланишида катта рол ўйнайди. Бу борада қисқа, маънолари аниқ ва равшан, муҳим ахлоқий хусусларни ўз ичига олган ҳадислардан фойдаланиб, болаларнинг ёшларига мос мукофот ва ҳадялар бериш, қизиқтириш усулларини қўлланиб мусобақалар уюштириш мумкин.
6. Саҳобаларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга муомалалари, ҳурматлари ва ғамхўрликлари ҳақида сўз юритган қиссаларини айтиб бериш. Айниқса, ёш саҳобаларнинг қиссаларини танлаш мақсадга мувофиқдир. Анас ибн Моликнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга қандай каттиқ эграшгани бунга чиройли мисолдир. Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Бир тикувчи киши таом тайёрлаб, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни даъват қилди. Мен ҳам у зот билан бирга бордим. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига арпа нон, қуритилган гўшт ва ошқовоқли шўрва қўйди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг лаган атрофидаги ошқовоқни териб ейишларини кўрдим. Ўша кундан буён ошқовоқни яхши кўраман». Ровийлардан Сумома айтади: «Анас деди: «Мен у зотнинг олдиларига ошқовоқни йиғиб қўя бошладим» (Бухорий, 5439).



Демак, тарбиячилар саҳобаларнинг Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламни қандай яхши кўришганини, унинг йўлида ўзларини фидо қилганликларини баён қилишга ва бунга тааллуқли қиссалар айтиб беришга ҳарис бўлишлари фойдали бўлар экан.

7. Болага бу муҳаббатнинг самараларини ўргатиш. Анас разияллоху анху ривоят қилади: «Бир бадавий киши Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан: «Қиёмат қачон?», деб сўради. У зот: **«Қиёмат учун нима тайёрладинг?»**, дедилар. Ҳалиги бадавий: «Ҳеч нарса, лекин мен Аллоҳ ва Расулини яхши кўраман», деб жавоб берди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **«Сен (қиёмат куни) яхши кўрган кишинг билан бирга бўласан»**, дедилар. Анас айтади: «Ҳеч нарсага Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламнинг: **«Сен яхши кўрганинг билан бирга бўласан»**, деган сўзларига қувонганимиздек хурсанд бўлмадик». Анас гапида давом этади: «Мен Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламни, Абу Бакр ва Умарни яхши кўраман. Уларнинг амалларидек амал қилмаган бўлсам ҳам, уларни яхши кўрганим сабабли улар билан бирга бўлишни умид қиламан» (Бухорий, 5439).
8. Болага Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламни яхши кўришга ундайдиган шеър, ҳикоя, хутба ва мақола ёзиш кабилар билан ижод қилишига ёрдам бериш ва бу мавзулардаги турли мусобақаларга қатнашишга қизиқтириш.



## Бешинчи рукн:

# Охират кунига иймон келтириш

Охират кунига иймон келтириш қуйидагиларни ўз ичига олади: ўлиш, қайта тирилиш, ҳисоб-китоб, жазо ва мукофот, сирот, мезон, жаннат ва дўзахга бўлган иймон. Бола оқ-қорани ажратадиган ёшга етганда Охират кунига тааллуқли баъзи масалаларни равшан тушунишни бошлайди. Бу ёшдан олдин эса, бу мавзу ҳақида умумий ва лўнда гапириш афзалдир. Масалан, болага бундан бошқа ҳаётнинг борлиги, Аллоҳ таолонинг мўминлар учун жаннатни, кофирлар учун дўзахни яратганини айтиш мумкин.

**Охиратга иймон келтириш мавзусидан боланинг қалбига сингдирилиши лозим бўлган энг муҳим тарбиявий хусуслар қуйидагилардир:**

1. Болага Аллоҳ таолонинг одамларни дунёда қилган амалларига яраша жазо ёки мукофот бериш учун қайта тирилтиришини ўргатиш. Бунда инсоннинг қилган амаллари яхши бўлса яхши, ёмон бўлса ёмон оқибат бўлиши тушунтирилади.
2. Болага Аллоҳ таолонинг икром, саодат ва абадийлик ҳовлиси бўлган жаннатни яратгани, у билан мўмин бандаларини мукофотлаши; дўзахни эса кофирлар учун тайёрлаб қўйгани ўргатилади. Бу Аллоҳнинг мўминларга тайёрлаб қўйган жаннат неъматларига қизиқтириш йўли билан амалга оширилади.
3. Бола билан ўлим ва охират ҳақида гаплашганда Аллоҳнинг бандаларига раҳмати, мағфирати ва лутфини ифодалайдиган юмшоқ ва мулоим йўлдан бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда болани ташвишга соладиган фикрлар қамраб олмайди. Ўлим ва охиратни худди шу босқичлардан ўтадиган тирик мавжудот билан боғлашимиз, лекин бошқа мавжудотлардан фарқли равишда Аллоҳ инсонга вазифа топширгани, бутун коинотни унга бўйсиндиргани ва бунинг эвазига мукофот ваъда қилганини тушунтиришимиз мумкин.

4. Аллоҳ таолонинг зулмга рози бўлмаслиги, золимни жазосиз, мазлумни ҳақсиз, муҳсинни савоб ва мукофотсиз ташлаб қўймаслигини изоҳлаш. Бу дунёда золим бўлиб яшаб, золим ҳолда ўлганларни кўрамиз. Албатта, бу дунёдан бошқа ҳаёт ҳам бўлиши керакки, унда яхшилар мукофотини, ёмонлар жазосини ва ҳар бир ҳақ эгаси ҳаққини олсин.

## Олтинчи рукн:

### қадарга иймон келтириш



Қадарга иймон келтириш, Аллоҳнинг илмининг комиллиги, тақдирларни ёзиши, қудрати, яратиши ва хоҳишига иймон келтиришни ўзи ичига олади. Бола илк болалик даврида қазои қадар масалаларини тушунолмади. Баъзи мутахассислар болалар бу масалаларнинг маъноларини тақрибан тўққиз ёшдан кейингина тушунишлари мумкин, дейдилар. Лекин қазои қадар масаласида болага ўргатилиши лозим бўлган бир қатор тарбиявий масалалар бор:

1. Бу мавзуда асос бўлган нарсa, Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоху анхудан келган куйидаги ҳадисдир: «Бир куни мен улов устида Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг орқаларида эдим. У зот шундай дедилар: **«Эй болакай! Мен сенга бир неча калималарни ўргатаман: Аллоҳнинг ҳақларини сақлагин, У зот сени сақлайди. Аллоҳнинг ҳақларини сақла, Уни қаршингда топасан. Агар сўрасанг, Аллоҳдан сўра. Агар мадад тиласанг, Аллоҳдан тила. Шунин билгинки, бутун уммат сенга бирон манфаат етказиш учун жамлансалар ҳам, фақат Аллоҳ таоло сен учун ёзиб қўйган манфаатни етказа оладилар. Қаламлар (ёзишдан) кўтарилган, саҳифалар қуриб бўлган»** (Термизий, 2516).

Яна бир ривоятда шундай дейилган: «Аллоҳнинг ҳақларини сақла, Уни қаршингда топасан. Фаровон кунларингда Аллоҳни танигин, оғир кунларингда У зот сени танийди. Билгинки, нима сени четлаб ўтган бўлса, унинг сенга тегиши (тақдирда) йўқ эди. Сенга етган нарсанинг (тақдири азалда) сени четлаб ўтиши йўқ эди. Билгинки, албатта ғалаба сабр билан, хурсандчилик машаққат билан қўлга киритилади. Шубҳасиз, оғирлик билан бирга енгиллик ҳам келур» (Аҳмад, 2803).

Бу ҳадиси набавий болаларни соғлом ақида асосида тарбиялашга эътибор беришда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматларига гўзал йўлланмаларни ўз ичига олган тарбиявий асос ҳисобланади.

2. Бу масаладаги асл, болалик чоғида қазо ва қадар масаласига чуқур киришдан узоқ туришдир. Бу мавзуда болага етказиш мумкин бўлган нарсалар шулардир: Аллоҳ таолонинг илмининг ўтмиш ва келажак ҳамма нарсани қамраганини, Унинг қудрати, ихота қилиши, яратиши ва хоҳишини тушунтириш. Шу билан бирга инсонга ҳуррият берилгани, ихтиёр қилган ишларидан бутунлай ўзи жавобгар бўлиши, бунинг учун савоб ёки жазо олишини умумий тарзда баён қилиш. Лекин бу масала боланинг ақлини чулғаган ва эгаллаб олган бўлса, унда мураббий қазои қадар мавзусини болага унинг ақли етадиган содда мисоллар билан баҳоли қудрат тушунтириб бериши лозим.
3. Болага фақат Аллоҳ таолодан сўрашни, ёлғиз Аллоҳдан маддад тилашни ўргатиш. Шунда у дуода Аллоҳ таолога йўналади, Аллоҳга таваккул қилиш, суяниш ва Аллоҳнинг қазои қадарига сабр қилишни ўрганади.

4. Болага Аллоҳнинг унга фақат яхшиликни хоҳлашини, унга бу дунёда тақдирида ваъда қилинган нарсагина келишини ўргатиш. Ана шунда болада руҳий танглик, тоқатсизлик кўрилмайди ва қийинчиликларни Аллоҳнинг қазои қадарига рози бўлган ҳолда қарши олади ва қуйидаги оятга аниқ ишонади: **«Бизга фақат Аллоҳ биз учун ёзиб қўйган нарсагина етур»** (Тавба, 51).



5. Болага барча ишларнинг содир бўлиши Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг қўлида эканини, У зот хоҳлаганини қилишини, чунки У мулкида мутлақ сўз соҳиби эканини ўргатиш. Бу нарса боланинг Яратувчиси билан алоқасининг мустаҳкамланиши, Унга йўналиши ва дуо қилиши, Ундан умид этишига олиб келади.

6. Қазои қадарга иймон келтириш боланинг руҳида мувозанат ва хотиржамликни пайдо қилади. Мўмин киши ҳар қачон унга яхшилик ёки ёмонлик келганда, бу унинг учун яхшилик эканини ва мутлақ ёмонлик деган нарса йўлигини билса, кўнглида барқарорлик ва хотиржамликни ҳис қилади, олдидан чиққан қийинчиликлар, машаққатлар, ғамташвишларни Аллоҳ таолонинг қазои қадарига рози бир қалб билан қарши олишини таъминлайди. Ишларини Аллоҳга топширгани учун хотиржам қалб ва осойишта фикр билан яшайди. Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг қадарига иймон келтирган киши бало-офатлар келганда, мусибатларга дучор бўлганда бетақот бўлмайди, ўзини йўқотмайди ва ғазабланмайди, билъақс, Аллоҳнинг қадарига таслим бўлади, Аллоҳдан савоб умид қилади ва сабрнинг илк зарбада бўлишини хотирлайди. Аллоҳ таоло бу ҳақида шундай дейди: **«Сабрли кишиларга хушxabар беринг! Улар шундай кишиларки, бирор мусибат келганда: «Албатта, биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У зотга қайтгувчилармиз», дейдилар. Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан савоб (мағфират) ва раҳмат бордур. Ана ўшалар ҳақ йўлни топгувчилардир»** (Бақара, 155-157).
7. Бу мавзуни ўргатишда баъзи ҳикоя ва қиссалардан фойдаланишимиз мумкин. Аллоҳнинг тақдири билан бошларига қийинчиликлар келган, сўнгра бу қийинчиликлар сабабли уларга яхшиликлар тақдир қилингани аён бўлган, ҳатто аҳволлари ва ишлари олдингидан ҳам яхши ҳолатга ўзгарган баъзи кишиларнинг ҳикояларини айтиб бериш мумкин.
8. Қадарга иймон келтиришни қисқача таърифласак, Аллоҳ таоло ҳамма нарсани умумий ва батафсил суратда билади, азалий илми билан қиёмат кунигача келадиган махлуқотларининг тақдирларини Лавҳи махфузга ёзди ва барча жонли-жонсиз мавжудотлар ва ишлар фақат Аллоҳнинг хоҳиши ва яратиши билан юзага келади, деб иймон келтиришдир.





Жавобларга  
**КИРИШ**



## Аллоҳ

Аллоҳ таоло болага савол беришни яхши кўриш ва қизиқувчанликни табиат қилиб бердики, бу билан унинг ақли ортиб, маълумот ва тушунчаларни кўп миқдорда ўрганишини мақсад қилди. Болалик чоғи – савол бериш чоғи ҳисобланади. Шу даражадаки, болалик даврида боланинг гапларининг аксарияти саволлардан иборат бўлади. Болалар ўзларини ўраб турган баъзи нарсалар ҳақида маълумотга эга эмасдай ҳис қилишади. Билмаслик эса, кўрқувни келтириб чиқаради. Шу сабабдан, улар бор кучлари билан ўрганишга ҳаракат қилишади. Уч ёшли боланинг ота-онаси, акалари ва опачаларига ҳар куни ўнларча савол берганини ва уларнинг жавобларидан таъсирланганини кўрамыз. Бола ўша жавоблар таъсирида бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтади, бунга савол берган пайтнинг ўзида саволларни ва мавзуларни ўзгартириш билан савол беришда давом этиши далил бўлади. Сиз боланинг ҳар доим «Нимага?», «Қаерда?», «Қандай бўлди?», «Қаердан келди?», «Бу нима?», «У нима?», «Биласизми?» каби саволлар берганини эшитасиз. Бола эътиборини тортган, кўрган ёки эшитган барча нарсаларини билишни хоҳлайди. Баъзан жавобни тушунса, баъзан тушунмайди, гоҳида жавобни эшитса, гоҳида эшитмайди ҳам.



Бола ўта қизиқувчанлиги билан ажралиб туради. Бу у яшайдиган муҳитга ва мавжуд бўлган имкониятларга қараб кўпайиши мумкин. Агар биз болалигимиздаги саволларимизни уларникига таққосласак, вақт, жой ва илмий тараққиёт фарқли бўлгани сабаб, уларнинг саволларидан ҳайратда қоламиз. Шубҳасиз, тарбиячилар томонидан қўлланиладиган таълим усуллари болаларнинг саволларига ижобий ёки салбий томондан таъсир кўрсатиши очикдир. Масалан, сўрашга имконият берадиган ва болаларнинг саволларига мамнуният билан жавоб берадиган тарбиячи уларнинг кўнгилларига кириши мумкин. Уларнинг саволларига тоқат қилмай, уларни рад этса ёки жеркиб, бақириб берса, ундан ҳеч ким бирон нарса сўрамайдиган бўлади.

Албатта, болаларнинг ҳамма нарсани билишлари уларга фойдали бўлмаслиги ҳақида барчамиз ҳамфикрмиз. Лекин муҳими, болалар ҳаётларига таъсир ўтказаётган баъзи нарсалар ҳақида савол сўрашдан кўркмасликлари лозим. Шунингдек, болалар йўқолиб қолиш, йўқотиб қўйиш, ишончсизлик туйғуларини ҳис қилмасликлари ва энг муҳими, улар ота-оналари билан суҳбатлашишда ўзларини эркин ҳис қилишлари керак.


## Болаларнинг кўп савол бериш сабаблари



**Болани кўп савол сўрашга ундаган сабабларнинг энг муҳимларини қуйидаги шаклда келтириш мумкин:**

1. Боланинг ақлий ривожланиш эҳтиёжларини қондириш учун изланиш ва кашфиётга интилиши.
2. Болаларнинг атрофдаги ҳодиса ва нарсаларни тушунишга бўлган эҳтиёжлари.
3. Болаларнинг тажрибасизликлари сабабли баъзи нарсалардан қўрқишлари ва хавотирга тушишлари. Масалан: бола ҳайвонлардан унга ҳужум қилмаса ҳам қўрқади. Шу сабабли ўзини хавфсиз ҳис қилиш учун жуда кўп саволлар беради.
4. Гапириш қобилиятнинг ривожланиши. Бир бола кетма-кет саволлар сўраётган бўлса, унинг асл мақсади билмаганига жавоб топиш эмас, балки бу унинг гапиришни машқ қилишга интилаётганидан, қобилиятларини кўрсатиш ва жамиятга аралашishга ҳаракат қилаётганидан дарак беради.
5. Боланинг ота-онаси билан ҳиссий алоқа қуришга ва боғланишга эҳтиёжи.
6. Боланинг ўзига ва ота-онасига бўлган ишончининг пайдо бўлиши ва ўзини ҳурмат қилишининг шаклланиши.

## Болалардаги саволларнинг МОҲИЯТИ



Боланинг саволларини яхши тушунишимиз учун ақлий ва луғавий саволлар билан психологик саволларни бир-биридан ажратиб олишимиз керак. Болалар биринчи гуруҳ саволларни бериш билан бирон нарса ҳақида билишга ёки хабар беришга ҳаракат қилади. Иккинчи гуруҳ саволларнинг мақсади фақат жавоб олиш эмас, руҳий хотиржамликка эришишдир.

Шунингдек, асосий ҳақиқатни аниқлаб олишимиз керак, яъни саволлар аниқ якуний аҳамиятга эга. Биз болани саволга ундаган вазиятни билмасдан саволнинг қийматини билолмаймиз ёки уни тушунолмаймиз ва унинг маъносини аниқлай олмаймиз. Саволнинг ўзи ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаслиги, унинг аҳамияти, қиймати ва далолати уни ўраб турган вазиятнинг табиати ва шароитига боғлиқ бўлиши мумкин.

### **Болаларнинг саволларининг учта муҳим ғояси бор. Улар қуйидагилар:**

- 1.** Руҳий мувозанатни рўёбга чиқариш. Зеро, боланинг саволларининг аксарияти руҳий мақсадга йўналган бўлади.
- 2.** Хулоса чиқариш. Бола ўрганган янги маълумотлари билан олдинги маълумотлари орасини боғлашга ёки уларни олдингисининг устига бино қилишга ҳаракат қилади.
- 3.** Атроф-муҳити ва муҳим ҳаётий масалалар билан танишиш. Бола яшайдиган маданий ва ижтимоий муҳитга кирадиган ахлоқий ва ҳуқуқ-атвор қадриятлари билан танишиш шу жумладандир.

## Болалардаги саволларнинг турлари



Болалар томонидан бериладиган саволларни турларга бўлишга ҳаракат қилиш, саволларнинг турларига кўра тартиб билан жавоб беришда фойдали бўлади. Болалардаги саволларни қуйидаги турларга бўлишимиз мумкин:

### 1. Лингвистик характердаги саволлар. Масалан:

- Бу нарсалар нимага бундай номланган?
- Бу номларни нимага ўзгартирмаймиз?
- Нимага бошқа тил ихтиро қилмаймиз?

### 2. Борлиққа доир саволлар. Масалан:

- Қаердан келганмиз?
- Қаерга кетяпмиз?
- Болалар қандай дунёга келади?
- Ўлим нима дегани?
- Коинот ўзи нима?

3. **Норозиликни акс эттирувчи саволлар.** Бундай саволлар одатда катта учун рухсат бўлган нарсаларни болалар учун тақиқлангани сабабли юзага чиқади. Бу саволлар савол беришдан кўра катталарга тақлид қилишга интилиш сабабли юзага келади.
4. **Синаб кўриш мақсадидаги саволлар.** Бу саволлар оиласидагиларнинг кудратини билиш ва уларнинг заиф томонларини танқид қилиш мақсадида сўралади. Бу саволлар кўпинча боланинг ота-онасини тенгдошларининг ота-оналари билан, уларнинг моддий ва жисмоний имкониятларини таққослаш билан ўртага чиқади.
5. **Болаликдаги кўрқувлардан келиб чиққан саволлар.** Болалар ичларида кун сайин ўсиб бораётган хавотир туйғусини кетказиш мақсадида саволлар беришади. Болаларни энг кўп ташвишга соладиган нарсалардан бири, ота-онадан бирининг йўқлиги ёки улардан бирининг ташлаб кетишидир.
6. **Танани ўрганишга доир саволлар.** Боланинг ўз жисмини ўрганиш мақсадида сўрайдиган дастлабки саволлардан бири, икки жинс орасидаги фарқларга тааллуқли саволлардир.

Ушбу тасниф ота-оналарга болалари томонидан берилган саволнинг асл мақсадини тушунишга ёрдам беради. Зеро, болалар саволни куруқ сўраб қўймайдилар, аксинча, жавобни тушунишга ҳаракат қиладилар.

### Нима сабабдан ота-оналар болаларнинг саволларини эшитмасликка оладилар?!

Болаларнинг саволларини эътиборсиз қолдириш ва саволларини ёқтирмаслик, баъзан жавобни, унинг аҳамиятини, психологик ва тарбиявий ролини билмаслик билан боғлиқ эмас, балки булардан бошқа бир қанча сабаблар бор. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

1. Катталарга болаларнинг саволлари фалати ёки аҳамиятсиз ёхуд ноижодий туюлиши. Бу нарса саволларни аҳамиятсиз ҳисоблашга ёки уларга эътибор бермасликка сабаб бўлади. Натижада, катталар болаларнинг содда ва очик бир шаклда ўзларини ифодалашларига йўл қўймаслик билан уларнинг ҳуқуқларини поймол қилишади. Бу ёндошув, катталар маҳкам ёпишиб олган ақлий ҳукмронлик кўринишларидан биридир. Катталар болаларнинг содда саволларининг маълумот олиш ва уларни ўраб турган дунёни кашф этишга бўлган самимий истакларидан келиб чиққанини унутиб қўйишади. Боланинг саволларининг дарҳол жавоб

олиниши керак бўлган психологик мақсадлари бўлиши билан бирга, бола қачондир йўқотган ички мувозанатни қайта тиклашида ҳам ўта муҳимдир.

- 2.** Катталарнинг бола берган саволларни қийин деб билишлари. Агар савол маълум бир маданият доирасидаги ижтимоий ёки ахлоқий тақиқларнинг бирон жиҳати билан боғлиқ ва бу ҳақида муайян бир ёшдагина гапиришга рухсат бериладиган савол жумласидан бўлса, савол катталарга қийинчилик туғдириши мумкин. Болаларнинг уят деб ҳисобланган саволлари катталарни нима дейишни билмайдиган ноқулай аҳволга солиб қўяди. Шунинг учун катталар бунга ўхшаган саволларга жавоб бера оладиган маълумотга эга бўлишлари ва ўзларини бу борада яхши тайёрлашлари керак.
- 3.** Баъзида болаларнинг ортиқча ва кетма-кет савол беришларига катталарнинг эътиборсизликлари сабаб бўлади. Агар катталар бу саволларнинг психологик нуқтаи назардан муҳимлигини билсалар эди, улар бошқача йўл тутган бўлардилар. Яъни, болаларни савол беришда давом этишларига далда берган, ҳатто таъбир жоиз бўлса, болаларнинг эшитиладиган товушда ўйлашларини хоҳлаган бўлардилар.
- 4.** Катталарнинг болаларнинг саволларига етарлича аҳамият бермасликлари сабабли, болалар ушбу саволларнинг баъзиларини тўғридан-тўғри эмас, балки билвосита ноаниқ шаклда сўрайдилар.
- 5.** Ота-оналарнинг жавоб беришдан қочишлари, саволнинг жавобини билмасликлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун биз уларга: «Болаларингизнинг саволларига жавоб изланг, уларга кутган жавобларини омонат ва ростгўйлик билан билдиринг», деймиз.
- 6.** Саволларнинг ақлий қобилиятлари чегараларидан ошадиган ўта мавҳум ва қийин жавобларни талаб қилиши. Шунинг учун, ота-оналар бу саволнинг боланинг ақлига қандай келгани ҳақида ўйлашни бошлайдилар ва охир-оқибат, саволни жавобсиз қолдирадилар.

### Ота-оналар боланинг саволларига қандай ёндошишлари лозим?

Ота-оналарнинг вазифаси – болаларнинг саволларига тўғри жавоб беришдир. Шунингдек, болаларнинг иймон масалалари бўйича саволлари атрофида мунозара ва мулоқот қилиш йўллари яратиб, уларга дин ҳақидаги фикрларини гапиришларига ёрдам беришлари керак. Бу эса болаларга ишонч ва хотиржамлик беради ва динни тўғри тушунишларига сабаб бўлади. Натижада, болалар динда мўътадил бўлиб, бепарволик ва чуқур кетишдан саломат бўладилар. Ота-оналар боланинг динга тегишли саволларининг

хаммасига тўғри жавобларни билишлари шарт эмас. Лекин болаларнинг Аллоҳга бўлган мустаҳкам иймонда улғайишлари учун уларга иймон арконларини шарҳлаб беришлари лозим. Ота-оналар тўнғич фарзандларига боланинг саволларини ёзиб бериш вазифасини топширишлари нақадар гўзал! Айниқса, эътибор ва далда олган болалар бу вазифани бажонидил қабул қиладилар ва бундан завқ оладилар. Бошқа томондан эса, бу вазифа болалар сўрайдиган саволларнинг қийматини билиш билан бирга, келажакда ота-она бўлганларида ўз фарзандларининг саволларига эътибор беришлари кераклигини ўрганадилар. Яна бошқа томондан, бизда уларга жавоб топишда ёрдам берадиган саволлар тўпланadi ва ундан кейинги укалари ва сингилларининг саволларини тахмин қилишимиз ва уларга тайёрланишимизга кўмак беради. Биз унинг олдинги саволларидан бирига ундан олдин жавоб берганимизда бола жуда бахтиёр бўлади.



---

Унинг саволларига сифатли жавоб беришга эътибор қаратиш, унга ва у билан бўлган муносабатларимизга катта таъсир қилади ва келгуси йилларда болани, айниқса, ўспиринлик чоғида шубҳали манбалардан маълумот олиш ўрнига, ота-онани унинг биринчи ва ишончли билим манбаига айлантиради.

Бу ерда ота-оналар эътибор беришлари керак бўлган бир масала бор: болаларнинг икки турдаги саволларини бир-биридан ажратиш зарурати.

**Биринчиси:** бола мунтазам такрорлайдиган ва дарҳол жавоб берилиши керак бўлган саволлар. Бола уларни уйидагилардан бир нечтасига берган бўлиши ва жавоблардан яна бошқа саволларни келтириб чиқарган бўлиши мумкин.

**Иккинчиси:** вақти-вақти билан бериладиган, бошқа мавзу ҳақида гап бошланганда унутиладиган саволлар.

Биринчи турдаги саволларни эътиборсиз қолдириш оқилона эмас. Балки унга жавоб беришга интилишимиз, жавоб беролмасак, турли манбаларга ёки унга чиройли жавоб бера оладиган кишига мурожаат қилишимиз лозим. Бу муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Вақти-вақти билан бериладиган саволларга келсак, уларга жавоб бермай кетишнинг, айниқса, бола тушуна олмайдиган нарсалар ҳақида гап кетганда зарари йўқ.



## Болаларнинг саволлари билан ишлаш асослари



**Ота-оналар болаларнинг саволларига жавоб беришда риоя қилишлари ва эътибор беришлари керак бўлган бир қатор асослар ва қондалар мавжуд. Жумладан:**

- 1. Хурмат қилиш асоси.** Ота-она боланинг саволларига кулоқ солар экан, унинг ташвишларига ҳамдард эканликларини, саволларига ҳурмат кўрсатиб, қадрлаганларини болага ҳис қилдиришлари лозим. Бу ҳамдардлик болада психологик мувозанатни, хотиржамликни, ота-онасига ва ўзига бўлган ишончни орттиради. Тез орада боланинг савол беришида аниқликни ва суҳбатлашишида мантиқий изчилликни кўрамайди.
- 2. Ишонч ва хотиржамлик асоси.** Ота-оналар фарзандларига берган жавобларида маълум ва таниш бўлган сўзларни қўлланишга ва маълумотларни тўғри илм доирасида соддалаштиришга эътибор беришлари лозим. Жавобнинг тўғрилиги охир-оқибат барқарорлик, ишонч ва психологик хотиржамликни рўёбга чиқаради.
- 3. Болаларга хос бўлган сабабларни муолажа қилиш.** Масалан, улар яшаётган вазиятдан келиб чиқадиган сабаблар: оилада янги чақалоқ дунёга келишидан хавотир олган ва хафа бўлган бола: «Болалар қаердан келади?», деб сўрайди. Унинг муаммосини шунчаки илмий жавоб билан ҳал қилиб бўлмайди. Балки боланинг эҳтиёжи, уни бу саволни беришга ундаган ҳақиқий сабабнинг кўриб чиқиши ва унга алоҳида эътибор берилишидир.

Катталар болаларга тақдим қилишлари мумкин бўлган энг яхши нарса – уларга ақлларини ёритишга ёрдам беришларидир. Бу нафақат ҳикоялар ва қиссалар айтиб бериш ва тўғри билимлар бериш орқали, балки фикрлашни машқ қилдириш, таклифлар бериш, ходисаларнинг ташқи кўринишигагина қаноатланиб қолмасликка одатлантириш ва ушбу ходисанинг орқасида нима борлиги ҳақида тафаккур қилишга ўргатиш билан бўлади. Шунингдек, бола билан ижобий алоқа, натижалли мунозара, мазмунли суҳбат ва ўзаро фикр алмашиш ичида бўлиш лозим. Шу билан бирга ота-оналарнинг болаларни фикрлашга қизиқтирадиган саволлар беришлари ҳам уларга манфаатли бўлади.

Яна, саволларга кўпроқ жавоб беришни йўлга қўйиш мумкин. Бу оила аъзолари йиғилган мажлисда амалга оширилади. Ота-она боладан савол беришни сўраши ёки бола нима ҳақида сўрашини таклиф қилиши мумкин. Модомики, савол-жавоб чуқур ва нозик масалалар ҳақида бўлмас экан, ҳамма савол-жавобда қатнашишни давом эттираверади. Лекин акаларидан бирининг боланинг содда саволини масхара қилиб, уни хижолатга солмаслиги, уялтирмаслиги жуда муҳим. Агар шунга ўхшаш ҳолат юз берса, ота-она фарзандининг ёнида туриб, унинг жасоратини мақташи, ҳаммамизнинг савол сўрашга эҳтиёжимиз борлигини ва Аллоҳ таолонинг ушбу сўзини эслатиши мақсадга мувофиқ бўлади: «**Сизларга жуда оз илм берилгандир**» (Исро, 85).

Коллектив савол-жавобда бир қатор мақсадларга эришамиз, уларнинг дастлабкиси – болаларнинг саволларини билиб олишдир.



## Сухбатлашиш

### асосида тарбия



Болалар учун энг муносиб услуб – баҳс-мунозара ва савол-жавобга асосланган сухбат услубидир. Чунки сухбатлашиш тилни равонлашишига ва таълим санъати бўлган малакани ҳосил қилишга ёрдам беради. Шу билан бирга сухбатлашиш, болани манфаатига яқинлаштиради ва мақсадларига эриштиради. Сухбат асносида бола ҳурмати жойига қўйилганини ҳис қилиши керак. Бу нарса кўрқув ва андишадан, руҳий тушқунлик каби психологик нотурғунликлардан халос этади. Бола сухбат ва баҳс-мунозара асносида ўзини хотиржам ҳис қилса, ичидаги курашлар ва муаммоларни сухбатдошига тўкиб солади. Сухбатдошларнинг ҳар бири муаммонинг сабабларини билиб, очикчасига гапирсалар, бола ўзига тааллуқли ҳамма нарсани айтиб беради. Шу тариқа муаммонинг ечими енгил бўлади ва муваффақият қозониш осонлашади.

**Бола билан ота-онаси ўртасидаги мулоқот оиллага бир қанча ютуқларни олиб келади. Шу жумладан:**

**Ўзаро танишиш.** Бола оиланинг қолган аъзоларига янада яқинроқ бўлади.

**Улфат бўлиш.** Мулоқот оила аъзолари ўртасида улфатни кучайтиради, бир-бирларига меҳр-муҳаббат ва яқинликни пайдо қилади.

**Хушмуомалалик.** Сухбатлашишдан мурод, фақат расмий муҳитни пайдо қилиш эмас, билъақс, ҳақиқий маънодаги сухбат, ширин сўз ва хушмуомалалик билан бўлади.

**Юқоридагилардан маълум бўладики, ўзаро сухбатлашиш асосидаги тарбия қуйидаги жиҳатлар билан ажралиб туради:**

- 1.** Сухбатлашиш болага фикрлаш эркинлигини ва ўзидаги ҳақиқатларни кашф қилиш имконини беради. Шу билан бирга ижодкорликка ва шахсиятининг ривожланишига тurtки беради.
- 2.** Сухбатлашиш содда ва машаққатсиздир. Бола бемалол, уялмасдан сухбатлаша олади.
- 3.** Сухбатлашиш болаларнинг кўнгилларига қувонч олиб киради ва уларга бошқаларни тинглашни ўргатади.

4. Сухбатлашиш изланиш ва мустақил фикрлаш имкониятларини беради. Шу тариқа бола ҳодисаларни турли жиҳатлардан кўра олади ва мантик билан фикрлашга одатланади.
5. Сухбатлашиш боланинг эътиборини уйғотиб, уни бепарволик ва бефарқликдан сақлайди. Уни фаол ва ҳаракатчан бўлишига ундайди.

## Сухбатлашишда ишлатиладиган савол шакллари



**Болаларга берилиши мумкин бўлган бир қанча савол шакллари мавжуд. Улардан баъзилари:**

- «**Нима бўлди?**». Бу савол шакли болани атрофида юз берган воқеалар ҳақида фикрлашга ундаш билан бирга кўрган нарсаларини бевосита тасвирлаб беришига ёрдам беради.
- «**Нимани хоҳлайсан?**». Бу савол шакли боланинг эҳтиёжлари нималигини аниқлашга ёрдам беради.
- «**Буни қандай қиласан?**». Бу савол боланинг эркин фикрлашига ёрдам беради ва жавоб ҳақида изланишга ундайди.
- «**Бу қандай рўй берди?**». Бу савол болага нарсаларнинг ташқи кўринишини четлаб ўтиб, унинг сабабларини излашга ёрдам беради. Шу тариқа у ҳодисаларни таҳлил қилишни ва ҳодисалар орасидаги алоқаларни боғлашни бошлайди.
- «**Агар бундай бўлса, нима қилган бўлардик?**». Бу савол болага воқеаларни қайта кўриб чиқишга ва масалага турли жиҳатлардан назар солишига ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, болага берилиши мумкин бўлган саволлар ҳар хил экан. Лекин болаларга сухбатлашиш орқали таълим бериш жараёнида умид қилинган самарани берадиган сифатли саволларни сўраш мақсадга мувофиқдир. Бундай саволларнинг энг муҳим хусусиятлари қуйидагилардир:

1. Саволнинг имкор қадар қисқа бўлиши.
2. Очиқ, аниқ ва битта мавзу доирасида бўлиши.
3. Боланинг ёшига, у яшаган замон, макон ва вазиятга муносиб бўлиши.
4. Тўғри ёки нотўғрилигини талаб қиладиган савол бўлмаслиги, аксинча, болага жавобни тасаввур қилишига имкон берадиган, унинг онгини ҳаракатга келтирадиган ва дунёқарашини кенгайтирадиган савол бўлиши лозим.



## Болаларнинг саволларига жавоб бериш услублари



Юқорида саволлар, уларнинг турлари, шакллари ва ҳоказолар ҳақида сўз юритдик. Бу ўринда жавоблар ҳақида гаплашамиз. Чунки вақт, жой ва ҳолатга қараб болаларнинг саволларига кўп услублар билан жавоб бериш мумкин. Бу услубларнинг энг машҳурлари куйидагилардир:



- 1. Тўғридан-тўғри оғзаки жавоб.** Бу энг кенг тарқалган жавоб услубларидан биридир. Яъни, бола савол беради, ота-онаси эса унга оғзаки жавоб беришади. Бу жавоб кўпинча тез берилади ва қисқа бўлади.
- 2. Кичик ҳикоя орқали жавоб бериш.** Бу услубда саволларга билвосита жавоб берилади. Лекин ҳикоя, берилган саволнинг табиатига мутаносиб бўлиши лозим. Болалар, одатда, бу турдаги жавобларни яхши кўрадилар ва уни иштиёқ билан тинглайдилар.
- 3. Тасвирий жавоб.** Бола баъзан расмлардан фойдаланган ҳолда жавоб беришни тақозо қиладиган саволни бериши мумкин. Масалан, илмий саволларга бериладиган жавобларда маълумотнинг асосини расмлар ташкил қилиши мумкин. Бу ҳолатда расмлардан фойдаланиб жавоб берилади, айниқса, ранг-баранг ва жозибали расмлар бўлса, янада кизиқарли бўлади.
- 4. Кузатиш орқали жавоб бериш.** Баъзан саволнинг жавоби, фақат болани тегишли жойга олиб бориш билан берилиши мумкин бўлади. Бундаги мақсад, боланинг жонли/жонсиз мавжудотларни ёки ҳодисаларни жойида кузатиши билан жавобни топиши таъминланади. Масалан, боланинг атрофдаги ҳайвонлар, уларнинг қандай яшашлари, нималарни ейишлари ва қандай кўпайиши ҳақидаги саволларига мазкур шаклда жавоб берилади.

## Жавоб беришда ёдда тутиш керак бўлган умумий кўрсатмалар



1. Мунозара, савол бериш ва изоҳлаш усуллари билан ишонтирувчи бўлишга ҳаракат қилинг ва айтиб туриш услубига суянманг. Жавоб бериб бўлганимизда боланинг берилган жавобдан қониққанига ишонч ҳосил қилишимиз лозим.
2. Жавобингизда ростгўй бўлинг. Уятдан қочиб, болага ёлғон гапирманг. Нима бўлишидан қатъий назар, тўғри маълумот беришга ҳаракат қилинг. Зеро, жавобларнинг тўғри ва аниқ бўлиши, фарзандингизнинг сизга ишончини орттиради.
3. Жавобнинг содда бўлишига эътибор беринг. Жавоб боланинг ақл даражасига мос ва тушуниш осон бўлсин. Унинг фикрини чалкаштириб юборадиган ноаниқ ифодалардан узоқ туринг. Бола ҳали кичкина ва тўғри тушунмайди, деган баҳона билан ярим-ёрти маълумотларни бермасликка ҳаракат қилинг, чунки бу маълумотлар бола онгига ўрнашиб қолади.
4. Фарзандингизга нодонга қилинадиган муомалани қилманг. Агар етказиш услубингизни яхшиласангиз, у сиз айтган нарсаларни тушунади. Унинг саволига бузмасдан, тўғридан-тўғри жавоб беришга ҳаракат қилингки, бола мавзудан ташқаридаги чиқмас лабиринтларга кириб қолмасин.
5. Фарзандингизни, нима бўлишидан қатъий назар, саволи билан айбланманг, масҳара қилманг ва жеркманг, аксинча, ҳар доим унинг барча саволларига жавоб беришга тайёр эканингизни унга ҳис қилдиринг. Масҳаралаш боланинг ўзига бўлган ишончини йўқотишига, қизиқиш ва изланиш иштиёқини пасайишига сабаб бўлади.
6. Боланинг Яратгувчи ҳақида савол беришидан ёки Унинг мавжудлигини идрок эта олмаслигидан ташвишланманг ва болага жавоб беришдан қочманг. Чунки бу, унинг бошқа жойлардан ва турли манбаларни маълумот қидиришига олиб келади.

7. Жавобни топиш учун боладан сизга вақт беришини сўрашдан тортинманг. Шуни билингки, илмни қидирувчи киши илмни даъво қилган жоҳилдан яхшироқдир. Болага: «Бироз кутиб турсанг, сенга тўғри жавобни топиб, айтаман», дейишингизнинг уят жойи йўқ.
8. Болаларнинг саволларига эътибор беринг, уларни тингланг, эътиборсиз қолдирманг ва ўзингизни билмасликка олманг. Болани руҳан ва жисмонан кучоғингизга олишингиз, унга тушуниши қийин бўлган нарсалар ҳақидаги изоҳингизни қабул қилишига ёрдам беради.
9. Агар чиндан ҳам банд бўлсангиз, унга ҳозир саволларига жавоб берадиган вақт эмаслигини мулоҳимлик билан тушунтиришингиз даркор. Ишдан бўшаган заҳотингиз унга жавоб беришга интилинг.
10. Зарурат бўлмаса, батафсил маълумот беришдан ва гапни чўзишдан сақланинг. Яъни, олти ёшли боланинг саволларига бериладиган жавоб, ўн ёшли боланинг саволларига бериладиган жавобдан қисқа ва лўнда бўлиши керак ва ҳоказо. Албатта бу ҳолат, ғайб масалалари ва шунга ўхшаган мавзулар каби кенг, батафсил ва далиллар билан жавоб бериш керак бўлган саволларга тегишли. Баъзи саволларга келсак, уларнинг жавоблари аниқ ва барча ёшдаги болаларга айтиш мумкин бўлади.
11. Саволларга берилган жавобларни иложи борича бола тушунадиган воқеий нарсалар билан боғланг ва бу ёшда тушуниши қийин бўлган мавҳум нарсалардан узоқ туринг. Иложи борича жавобларни илм тасдиқлаган далиллар билан дастаклашга ҳаракат қилинг, шунда мантиқли жавоб берган бўласиз.
12. Болага маълумотларни беришда ота-она ўртасида ҳамфикрлик бўлиши. Яъни, болага жавоб беришда ота-онанинг фикрлари орасида зиддият бўлмаслиги лозим.
13. Боланинг саволларига бошқа бир савол билан жавоб бермаслик. Масалан, ота боланинг саволига: «Сен нима демоқчисан?», деб жавоб бериши. Бу ҳолатда бола саволни отасига етказа олмаганини ўйлаб, шашти тушади. Чунки бола, гапларини ота-онасига тушунтирмаса ҳам тушунишлари керак, деб ўйлайди. Агар ота-онадан бири фарзандининг саволини тўғри тушунганига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлса, «Сен бундай демоқчисан шекилли», жумласига ўхшаган аниқлаш ифодасини ишлатгани яхши.



- 14.** Ота-она боланинг маълум бир саволига жавоб беришганида, болага ўзларининг фикрларини қайсарлик билан ўтказмасликлари лозим. Бундай ҳолатда бола маълумотни бошқа манбадан ва ота-онанинг услубидан фарқли йўлдан олиши мумкин. Бу ҳолатда болани ота-она томонидан осон ва содда тарзда келган жавобга ишонтирилиши лозим бўлади. Бунинг акси йўқ.
- 15.** Саволга маъруза шаклида эмас, гаплашиш тарзида жавоб беришга интилинг. Кўпроқ мисоллар келтиринг, қиссалар айтиб беринг ва суратли илмий энциклопедиялардан фойдаланинг, шунда тушунтирмоқчи ва етказмоқчи бўлган нарсаларингиз боланинг онгига етиб боради. Шунингдек, интеркатив ўйинлар, теарт, расм чизиш, бош қотириш, ашула, ақлий гимнастика, ақл ишлатадиган ўйинлар, кесиш ва ёпиштириш, фотосурат ва бошқалар билан жавобни бойитишингиз лозим. Маълумотни ўргатишдаги хилма-хиллик боланинг тафаккурини шакллантиради, ривожлантиради ва маълумотларни боланинг ақлида мустаҳкам ўрнашишига сабаб бўлади.



- 16.** Баъзи саволларга бирданига эмас, аксинча, аста-секин, бирма-бир жавоб берилади. Агар янада кўпроқ изоҳлашга тўғри келса, жавоблар боланинг ёшига, савол турига ва тушуниш даражасига қараб қўпайтирилиши мумкин.
- 17.** Бола биров каттариб, маълум даражада улғайганда, саволи ҳақидаги фикрни дастлаб унинг ўзидан сўраш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзининг саволига қандай муносабатда бўлишини кўриш учун саволини боланинг ўзига берамиз. Унинг саволга муносабати орқали жавобга ўтишимиз мумкин. Болани бизнинг ақлимиз билан ўйлашга мажбурлашдан қутулишимиз даркор. Чунки бу, болани ўзига тегишли бўлмаган қиёфага киришига сабаб бўлади.

## Жавоб бериш асносида йўл қўйиладиган тарбиявий хатолар



**Таълим ва тарбия беришда йўл қўйиладиган энг муҳим хатолар қуйидагилардир:**

– Тарбиянинг турли жиҳатларини ҳисобга олмаслик. Тарбиянинг иймоний, ахлоқий, илмий томонлари бор. Фақат бир томонга эътибор қаратиб, бошқа жиҳатларни тарк қилиш ёки уларнинг орасидаги номутаносиблик хатодир.


– Тарбияда кетма-кетлик ва босқичма-босқичликнинг бўлмаслиги, кўп танбەҳ бериш ва айблаш.

– Гап-сўзсиз ва эътирозсиз гапимизга кулоқ солишини хоҳлашимиз.

– Мутахассислар ва тажрибали кишилар билан маслаҳатлашмаслик, шошқалоклик ва кузатувнинг заифлиги.

– Тарбия ва йўл-йўриқ кўрсатиш асносида ноаниқлик, сўзларимизнинг амалларимизга тўғри келмаслиги, салбий ва кўнгилсиз хабарлар берилиши.

Буларнинг барчаси боланинг руҳиятида тарбиявий ва иймоний жиҳатига салбий таъсир қиладиган жиддий хатолардир.



**Болалардаги  
иймонга доир  
саволларга жавоб беришда  
амалий мисол ва  
намуналар**



Ушбу бўлимдаги жавоблар, биринчи навбатда, ота-оналарга ва болаларнинг саволлари билан шуғулланадиган ўқитувчилар, тарбиячилар ва ислохотчиларга қаратилган бўлиб, биз улардан жавоб мазмунини боланинг ёши, қабул қилиш даражаси ва қобилиятига мутаносиб ҳолатга келтиришларини сўраймиз. Чунки ёши, ақли ва қобилияти ҳар хил даражада бўлган болаларга битта жавобни беролмаймиз. Бизни қизиқтирадиган нарсаси, калималарнинг сўзма-сўз мувофиқ бўлиши эмас, балки жавобнинг руҳи ва ҳақиқатидир. Шунингдек, жавоблардаги нутқ бевосита ва билвосита бўлиши жиҳатидан фарқли кўринишлари борки, бундан мақсадимиз, ҳурматли китобхонга имкон қадар кўпроқ тасаввур қилиш ва тушуниш имконини беришдир. Китобхон ушбу жавобларнинг маъзини олиб, уларни фарзандига янада муносиб ва афзал деб ҳисоблаган шаклда ифодаларини ўзгартириши мумкин.

Ота-оналар боланинг иймон мавзуларига боғлиқ саволларига жавоб бериш учун болаларнинг ақллари ва қобилиятларига уйғун услуб билан ғайбий масалаларни тушунтира оладиган даражадаги дастлабки диний тушунчаларни етказишларига имкон берадиган минимал диний маданиятга эга бўлишлари керак. Умуман олганда тарбиячилар дуч келадиган муаммо, фақат маълумотларни топиш билан чегараланиб қолмай, уни боланинг ақли қабул қиладиган ва тушуна оладиган қолибга жойлаштиришда ётади. Маълумотни бола яшайдиган шароит, замон ва маконга мос келадиган шаклда тақдим қилиш лозим бўлади.

Қуйида болаларнинг тилларида такрорланиб турадиган баъзи саволларга мисоллар келтирилади. Албатта, бу ўринда болалардаги барча саволлар эмас, балки энг муҳим ва кўп такрорланадиган саволлар келтирилган. Шунингдек, назаримизда энг яхши деб билган жавобларни танлашга ҳаракат қилдик, бироқ уларнинг намуна бўладиган ягона жавоблар эканини даъво қилмаймиз, балки улар, ота-оналар дастлаб улардан фойдаланиб, уларга қараб йўналиш оладиган мисоллардир. Биз келтирган жавобларни тузатиш, ўзгартириш, олиб ташлаш ва қўшимча қўшиш мумкин.

### **Танбех:**

Кимки бундай қалтис саволларнинг бўлиши фарзанд тарбиясидан нотўғри деб ўйласа, у янглишади. Чунки бу саволларнинг бўлиши болаларнинг фикрлаш дунёларидаги мантиқий узвийликни, табиий ривожланиш жараёнини ва ақл даражаларининг соғломлигини кўрсатади. Бу борада бирон айб-нуқсон бор бўлса, у боланинг ўсишини тушунишга, ақл уфқларини очишга, коинотни ва атрофидаги мавжудотларни таништиришга ожиз бўлган ота-оналарга тегишлидир. Шунинг учун, ота-оналар ва болалар билан шуғулланувчи кишилар, ақл даражалари қандай бўлса ҳам, болаларга ишонарли жавоблар беришга интилишлари керак. Боланинг фикрини чалкаштирадиган нотўғри жавоблар ўрнига унинг психологик, интеллектуал ва ижтимоий жиҳатдан барқарорлашишга ёрдам берадиган, ишонтирадиган ва аниқ жавоблар бериш даркор. Зеро, бузилган ёки нотўғри жавоблардан юзага келган бу чалкашлик боланинг хатти-ҳаракатларида, тушунчалари ва муомалаларида бузилишни келтириб чиқаради.

Шубаҳасиз, ёнғин кичик учқунлардан пайдо бўлгани янглиғ, катта муаммолар ҳам бирданига пайдо бўлмайди. Демак, одамлардаги аксарият ёмон хислатлар бепарволик ва кейинга суриш билан суғорилган кичик уруғ бўлиб, пайсалга солиш ўсиб улғайиб, қалбда илдиз отгунича ҳаёт суви билан таъминланганки, ҳатто уни илдизи билан олиб ташлаш ва йўқ қилиш жуда қийиндир.

## Аллоҳга иймон келтиришга тааллуқли саволлар



Эрта болалик даврида боланинг ақлида энг кўп айланиб юрадиган саволлар Аллоҳ ҳақида бўлади. Бу ўринда болаларнинг ота-оналарига берадиган саволларидан энг кенг тарқалганлари тақдим қилинади.

### ? Аллоҳ ким ўзи?

Фарзандимизга Аллоҳни танитиш учун боланинг биздан Аллоҳ ҳақида сўрашини кутмаслигимиз, аксинча, ҳар доим ва ҳар фурсатда Аллоҳ ҳақида гапиришга ҳаракат қилишимиз керак. Боланинг Аллоҳ ва Унинг сифатлари ҳақидаги саволига берилган тўғри жавоб боланинг онги ва қалбида Аллоҳга иймон ва тавҳид ақидасини ўрнатади. Шу сабабли, бундаги энг яхши йўл, боланинг ақлини Аллоҳнинг зоти ҳақида ўйлашдан кўра, осмон, булутлар, юлдузлар, қуёш, ой, денгиз, дарахтлар ва бошқа мавжудотлар каби Аллоҳнинг борлигига далолат қилувчи аломатлар ва мўъжизалар ҳақида ўйлашга буришимиз лозим. Шунингдек, Аллоҳ уни, аъзолари, кўзлари, қулоқлари, оғзи, тили, қўллари ва оёқларини Ўз фазли марҳамати билан яратганига эътибори жалб қилинади. Бу осмонни, бу Ерни ва бу дарахтларни, ҳаммасини Аллоҳ яратганини болага ўргатамизки, бола бу сўзларга ўрганиб, кўниксин. Фарзандимиз биздан: «Аллоҳ ким ўзи?!» деб сўраганда, содда қилиб: «Аллоҳ атрофимиздаги ҳамма жонли ва жонсиз мавжудотларни яратган Зотдир», деб жавоб берамиз ва кўлимиздан келгунча бир қанча мисолларни келтирамиз.



Фарзандимиз бизга Ер ва осмон оламларига доир баъзи маълумотларни айтиб бошлаганда, бу ажойиб низом ва зўр тартибнинг пардаларини очиб, унга шундай дейлик: «Бу муаззам низомни кўрдингми? Бу қонунларни кўйган ва тартибга солган Аллоҳ азза ва жалладир». Шунда у, илм ва далил билан Раббини ҳис қилади. Сўнг унга ҳамма нарсани яратган Аллоҳ эканини ва Унга ўхшаган ҳеч нарса йўқлигини, У энг раҳмли, энг саховатли, беҳисоб ризқ берувчи эканини, Унинг чиройли ва гўзал исмлари ва сифатлари бор эканини айтамыз. Мана шунинг учун, ёлғиз Унгагина қуллик қилиш, ҳеч нарсани Унга шерик қилмаслик кераклигини, Унинг болаларни жуда яхши кўришини ва катталарга уларга ғамхўрлик қилишни, уларнинг фойдаларини кўзлашни, уларга ва барча одамларга яхшилик қилишни буюрганини, бизни ҳисоб-китоб қилиб, яхши ва ёмон ишларимиз учун мукофот ёки жазо беришини, яхшини яхшилиги учун мукофотлаши, ёмонни ёмонлиги учун жазолашни тушунтиришимиз даркор. Шунингдек, болаларга Аллоҳнинг зоти ва сифатлари ҳақида гўзал жавобларни ўз ичига олган қисқа сураларни ёдлатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан: Ихлос сурасида Аллоҳ Ўзини шундай таърифлаган: Аллоҳ шундай зотки, **«У туғмаган ва туғилмаган ҳамда У зотга ҳеч ким тенг эмасдир».**

Бола Аллоҳни яхши таниши учун у билан қуйидагича суҳбат қуришимиз мумкин:

- Бу чиройли кийимларни сенга ким сотиб олди?
- Дадам.
- Сени ким мактабга олиб боради?
- Дадам.
- Касал бўлганингда сени ким шифокорга олиб боради?
- Дадам.
- Таътиллерда сени ким сайр қилишга олиб боради?
- Дадам.
- Унда сенинг барча ишларингни даданг қилар эканда!
- Ҳа шундай. Аллоҳ ҳам худди шундай, У ҳаммамизни бошқаради, У ҳамма нарсанинг яратувчисидир. Атрофингда кўрган ҳар бир нарса, қуёш, ой, булутлар, денгизлар ва тоғлар Аллоҳнинг санъат асаридир. Аллоҳ таоло одамларни, ҳайвонлар ва қушларни, фаришталар ва жинларни, шунингдек, бутун коинотни яратди. Аллоҳ бизга ғамхўрлик қиладиган, барча ишларимизни бошқарадиган, бизни яхши кўрадиган ва ҳар доим

бизга яхшилик инъом қиладиган ўта саховатли ва ўта раҳмли Зотдир.



### Аллоҳнинг тузилиши инсоннинг тузилишидекми?

Йўқ, Аллоҳ биз каби эмас, чунки ҳеч нарса Аллоҳга ўхшамайди. У мени, сени ва барча одамларни, дарахтларни, дарёларни, денгизларни ва бу дунёдаги ҳамма нарсани яратган Зотдир. У ягона куч манбаидир. У бирор нарсани хоҳласа, унга: «Бўл!» – дейди, у ўша заҳоти бўлади. Қисқачаси, Аллоҳ одамдан бутунлай фарқ қилади. Зеро, инсон бирор инсонни ярата олмайди, лекин Аллоҳ буни қила олади ҳамда хоҳлаган нарсани қилишга кодирдир. Бу дунё ҳаётида ҳеч ким Аллоҳни кўра олмайди, шундай экан, ҳеч ким Унинг кўринишини тасвирлаб беролмайди. Аллоҳнинг гўзаллиги ва нури ҳамма жойни қоплаганидан биз Уни кўра олмаймиз, чунки бизнинг имкониятларимиз чекланган. Кейин биз фарзандимиздан кўзларини юммасдан қуёш нурига қарашини сўраймиз ва: «Қуёшга қарашни давом эттира оласанми?», деймиз. У инкор жавобини беради. Шунда биз: «Азизим, Аллоҳ ҳам шундай, Аллоҳдан таралган нурга биз дош беролмаймиз, лекин жаннатга кирганимизда Аллоҳни, Унинг изни билан, кўрамиз», деймиз.

Бола баъзи ўринларда эътироз билдириши ва ишонмаганини тилга олиб: «Қандай қилиб Аллоҳга ўхшаш нарса йўқ бўлади?», дейиши мумкин. Бундай ҳолатда хотиржамлик билан уни ишонтириш керак, яъни шу шаклда жавоб берамиз: «Бизнинг ақлимиз қанчалар каттариб, тушуниш даражаси неқадар ортишидан қатъий назар, нуқсонли инсон ақли бўлиб қолаверади, Аллоҳ ўргатган нарсаларнигина билади, ундан бошқаларини билолмайди. Шундай экан, ҳамма нарсани билишимиз имконсиз ишдир. Чунки биз ҳар доим инсонлигимизча қоламиз. Фарзандимизга: «Агар Аллоҳ бизга ўхшаган бўлса эди, биз каби хасталанган, биз каби еб-ичган ва барча одамлар сингари вафот этган бўларди. Лекин Аллоҳ касал бўлмайди, емайди, ичмайди ва ўлмайди. У ҳар доим мавжуд ва барҳаётдир. У осмонлар, Ер ва бу Коинотдаги ҳамма нарсанинг Яратувчисидир. Шунинг учун Аллоҳга ўхшаган бирон нарса йўқдир», деб айтишимиз мумкин. Фарзандимиздан: «Биз одамлар бирон нарсага: «Бўл!», десак, ўша нарса бўладими?», деб сўрашимиз мумкин. У: «Йўқ», деб жавоб беради. Шу тариқа фарзандимиз билан бирга Аллоҳ биз каби инсон эмас, аксинча, У буюк яратувчидир, деган хулосага келамиз.

Сўнг шундай дейишимиз мумкин: «Шубҳасиз, эшитиш қобилиятимиз чекланган, биз фақат маълум масофадан эшитамиз. Агар биз ҳамма нарсани эшитганимизда эди, чарчаб қолган бўлардик. Шунингдек, кўришимиз ҳам чекланган, шунинг учун маълум масофадан нарёғини кўролмаймиз. Масалан, деворнинг нариги томонини кўра олмаймиз. Эшитишимиз ва кўришимиз чекланганидек ақлимиз ҳам чеклангандир. Инсоннинг ақли чекланган, у ҳамма нарсани ҳам англай олмайди. Шу сабабдан, Аллоҳ таоло



инсониятни яратган кундан бери бизга номаълум бўлган нарсалар маълум бўлганларидан анча кўпдир. Масалан, инсон танасида мавжуд бўлган рух, бизга яқин бўлса ҳам, биз уни тасаввур қила олмаймиз ва унинг ҳақиқатини била олмаймиз. Агар илмимиз бизнинг ичимиздаги ва биз билан боғлиқ бўлган нарсада шундай бўлса, унда бизнинг ташқаримиздаги нарсалар ҳақида нима дейиш мумкин?! Шунга кўра, модомики инсон ақли чекланган экан, у Аллоҳнинг зотини идрок эта олмайди. Бинобарин, Аллоҳнинг кўриниши ҳақида тасаввур, ақл ёки гумон билан эмас, балки фақат шариат доирасида гапиришимиз мумкин. Дарҳақиқат, Куръон бу масалага узил-кесил нукта қўйди: «**Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир. У эшитгувчи ва кўриб тургувчидир**» (Шуро, 11).

Шунга кўра, Аллоҳ бизга ҳам, бирон нарсага ҳам ўхшамайди. Бу Уни яхши кўришимиз, Ундан умидвор бўлишимиз ва кўрқишимиз керак бўлган Аллоҳнинг буюклигини кўрсатади. Бу буюклик жаннатнинг энг буюк неъматини бўлган Аллоҳни жаннатда кўриш билан намоён бўлади.

### Аллоҳни ким яратган?

Агар Аллоҳни яратган кимдир бўлса эди, сен: «Аллоҳни яратган яратувчини ким яратган», деб сўраган бўлардинг, тўғрими? Шунинг учун биз, Яратганнинг хусусиятларидан бири яратилмаган бўлиши ва У барча махлуқотларни яратганини билишимиз лозим. Агар У яратилган бўлса эди, биз Унга ибодат қилмаган, Унинг кўрсатмалари ва фармонларига амал қилмаган бўлардик. Аллоҳни ким яратгани ҳақидаги савол тўғри эмас. Нотўғри саволларнинг эса ҳеч қандай маъноси йўқдир. Масалан, бир киши учбурчакнинг тўртинчи томонининг узунлиги қанчалигини сўраса, унга бериладиган жавоб йўқдир. Чунки учбурчакнинг атиги уч томони бор холос.

«Аллоҳни ким яратган?» деган саволдаги хатонинг сабаби, яратилиш сўзи билан Аллоҳ лафзининг бир жойда ишлатилишидир. Чунки «Илоҳ» яратилмайди. Яратилиш иши фақат махлуқотга тегишлидир. Ҳеч ким Аллоҳни пайдо қила олмайди, акс ҳолда У ҳам яратилган мавжудот бўлиб қолади. Демак, Аллоҳ ҳар доим мавжуд бўлиб, Унинг бошланиши ҳам, охири ҳам йўқ экан.

Мавзуни баҳслашиш мақсадида, Аллоҳнинг яратувчиси бор деб фараз қилайлик! Унда ўз-ўзидан:



«Яратганнинг яратувчисини ким яратган?!» – деган савол пайдо бўлади. Кейин «Яратганнинг яратувчисини яратганни ким яратган?!» – деган савол туғилади. Шу тариқа савол умуман тугамайди, бу эса маҳол нарсадир.

Масала янада тушунарли бўлиши учун аскар ва ўқ отишни мисол қилиб оламиз. Бир аскар ўқ отмоқчи бўлди, дейлик. Аммо ўқ отиш учун орқасидаги унвони баланд аскардан рухсат сўраши керак ва бу аскар ҳам ўз навбатида орқасидаги унвони баланд аскардан рухсат сўраши керак. Мана шундай, унинг ниҳояси йўқ. Савол: «Аскар ўқни отадими?» Жавоб: «Йўқ?» Чунки у, унга отишга рухсат берадиган унвони баланд аскарга ҳеч қачон етиб боролмайди. Лекин бу занжир ёки кетма-кетлик бир кишида тўхтаса ва унинг юқорида рухсат оладиган бошлиғи бўлмаса, мана шу киши ўқ отишга рухсат бериши мумкин. Ўша баланд унвонли аскар бўлмаса, орадаги одамлар сони қанча бўлмасин, ўқ ҳеч қачон отилмайди. Улар ёнма-ён қўйилган ноллар, давомли кўпайиб, чексизга қараб борса ҳам, олдиларига бир ёки ундан бошқа рақамни қўймагунингизча, нолларнинг борлиги ҳеч нарсани ифодаламаганига ўхшайди.

### Аллоҳ қаердан келган? Ёши нечида?

Болам, Аллоҳнинг яратилмаган, туғмаган ва туғилмаган, бошланиши ҳам, охири ҳам йўқ эканини билар экансан, демак, Аллоҳнинг биз инсонларга хос бўлган ёш масаласидан узоқлигини ҳам билгин. Чунки Аллоҳ яратувчи, буюк, беҳожат, улуғ, куч ва қудрат эгаси, азиз ва раҳмли Зотдир. У гўзал исмлар ва олий сифатларга эга. Унинг сифатлари комил, уларда бирон нуқсон йўқдир. Ҳамма нарсаларни ва барча махлуқотларни яратгани каби бу дунёни ҳам яратган Аллоҳ субҳонаху ва таолодир.

### Аллоҳдан олдин ким бор бўлган?

Бу Аллоҳни ким яратгани ҳақидаги савол билан бир хил бўлиб, нотўғри саволдир. Аллоҳ таоло Аввал бўлиб, Ундан олдин ҳеч нарса бўлмаган, У Охир бўлиб, Ундан кейин ҳеч нарса бўлмайди. **«Аввал ҳам, охир ҳам, зоҳир ҳам, ботин ҳам Унинг Ўзидир. У барча нарсани билгувчидир»** (Ҳадид, 3).

Замон ҳам макон каби бўлиб, Аллоҳ таолони чегараламайди. Зеро, замон Аллоҳнинг бошқа махлуқотлари каби яратилгандир. Яратилган нарсалар ўз Яратувчиларини чегаралаши ва ихота қилиши (ўраб олиши) мумкин эмас. Камол ва жамол сифатларининг ҳаммаси Аллоҳнингдир. Бу борада Пайғамбаримиздан келган бир насихатга эътибор қаратиш лозим. Абу Ҳурайра разияллоху анху ривоят қилади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Сизларнинг бирингизга шайтон келиб, «Анавини**

ким яратди? Анавини ким яратди?» – деб сўрайди. Охири (васваса қилавериб): «Раббингни ким яратди?» – дейди. Агар шунга (шу даражадаги васвасага) етиб борса, «Аузу биллаҳ» деб, Аллоҳдан паноҳ сўрасин ва (бу ҳақда ўйлашдан) тўхтасин», дедилар». (Бухорий, 3276).

Ушбу ҳадисга биноан, бола бунга ўхшаш савол сўраса, Аллоҳдан паноҳ сўранг ва бу саволларга берилиб кетмаслиги учун билвосита йўлдан боланинг фикрини бошқа масалага йўналтиринг. Боланинг фикрини бошқа томонга буриш, жавоб йўқлигидан эмас, васваса эшигини ёпиш учундир.



### Аллоҳ эркакми ёки аёл?

Бундан олдин ҳам таъкидлаганимиздек, боланинг онгини Аллоҳнинг зоти ҳақида кўп ўйламасликка, унга фойдали ва манфаатли бўлган нарсалар ҳақида ўйлашга йўналтиришга ҳаракат қилишимиз керак. Бу ўринда болага эркаклик ва аёллик масаласининг инсонлар ва тирик мавжудотларнинг турлари ва жинслари орасини ажратиш учун лозим бўлган нарсалардан бири эканини тушунтиришимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Аллоҳ таоло махлуқотлари тўғрисида шундай дейди: «**Ва албатта У зот эркак-аёл жуфтларни яратгандир**» (Нажм, 45).

Аллоҳ таоло бу таснифдан устундир, ҳатто фаришталар сингари жинс нисбат этилмайдиган бошқа жонзотлар ҳам бор. Шунингдек, осмон, булутлар, ҳаво ва сувга эркак ёки аёл жинси берилмайди. Демак, ўзлари ноқис бўлишларига қарамай, жинсга айрилишни қабул қилмайдиган махлуқотлар бор экан, комил сифатлар эгаси Аллоҳ ҳақида гапиришга йўл бўлсин: «**Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир. У эшитгувчи ва кўриб тургувчидир**» (Шуро, 11).



### Нимага Аллоҳнинг борлигига ишонишимиз керак? Аллоҳнинг борлигини нима исботлайди?

Аллоҳ таолога ишониш инсоний фитрат бўлиб, уни ҳеч ким инкор эта олмайди. Қолаверса, Аллоҳнинг мавжудлигини кўрсатадиган далиллар жуда кўп ва одамлар ҳар бири ўз ихтисослиги ва соҳасига кўра далиллар ортидан далилларни кашф қилишда давом этмоқдалар. Инсон нафсидаги фитрат Аллоҳнинг борлигини исботлайди: «**Бу фитрат Аллоҳ одамларни яратган асл табиатдир**» (Рум, 30).

Ҳар биримизнинг ичимизда Аллоҳнинг буюклиги, кудрати ва ҳомийлиги ҳақида билдириб турадиган бир кучни ҳис қиламиз. Аниқ илмий далиллар ҳам бу коинотда нозик низом мавжудлигини тасдиқлайди. Албатта, бу нозик низомнинг бир яратувчиси бор. Хўш, бу махлуқотларни ким яратди ва ким уларни бундай нозик тартибга солди? Ёки улар бирон сабабсиз

тасодифан пайдо бўлганми? Ундай бўлса, ҳеч ким бу нарсаларнинг қандай пайдо бўлганини билмайди, бу бир эҳтимол. Яна бир эҳтимол: бу нарсалар ўзларини яратган ва ўз ишларини ўзлари амалга оширган. Учинчи эҳтимол ҳам бор: уларни пайдо қилган ва яратган бир яратувчи бор. Ушбу учта эҳтимолни кўриб чиқсак, биринчи ва иккинчи эҳтимоллар имконсиз эканини биламиз. Биринчи ва иккинчи эҳтимолларнинг иложи йўқ экан, учинчиси аниқ ва тўғри бўлиши керак. Яъни, бу махлуқотларни яратган яратувчи бор, у Аллоҳдир. Куръони каримда худди шундай келган: **«Балки улар ҳеч нарсадан (яъни, Яратувчисиз) яралиб қолгандирлар?! Ёки улар ўзлари яратувчимиканлар-а?! Балки осмонлар ва Ерни ҳам улар яратгандирлар?! Йўқ, улар ишонмаслар!»** (Тур, 35-36).

Аллоҳнинг мавжудлигини исботлайдиган далиллардан яна бири, Аллоҳнинг дуоларни ижобат қилиши, осмонлар ва Ерни мукамал ва пухта яратилганидир. Аллоҳ таоло деди: **«Албатта, осмонлар ва Ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашилиб туришида ақл эгалари учун (бир Яратувчи ва бошқариб тургувчи Зот мавжуд эканлигига) оят-аломатлар бордир»** (Оли Имрон, 190). **“Ҳамда ўзларингизда (Аллоҳнинг қудратига далолат қиладиган оят-аломатлар бордир). Ахир кўрмайсизларми?!”** (Зориёт, 21).

Шунингдек, юлдузлар, тоғлар, ҳайвонлар ва бошқа мавжудотларнинг яратилишида ҳам Аллоҳнинг борлигини кўрсатадиган далиллар бор. Буларнинг барчаси Яратувчининг бемисл санъатига далил бўлади. Аллоҳнинг уфқларда, нафсларда ва мева-чеваларда барқарор бўлган оят-аломатлари яқка, ягона Яратувчи илоҳнинг мавжудлигини кўрсатади. Бу мавжудотларнинг яратилиш мақсади ва ғояси бўлиши керак, бу мақсад – ёлғиз Аллоҳга ҳеч нарсани шерик келтирмасдан ибодат қилишдир.

Болага бу мавзуга тааллуқли бўлган Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ ҳақидаги воқеани айтиб беришимиз мумкин. Баъзи одамлар Абу Ҳанифадан рубубият тавҳидини исботлаб беришини сўрашди. «Бу масалага киришдан олдин Дижла дарёсидаги бир кема ҳақида нима дейсизлар? У ўз-ўзидан кетяпти, устини озиқ-овқат, юк ва бошқа нарсалар билан тўлдириляпти ва ўз-ўзидан орқага қайтапти. Қирғоққа келиб лангар ташлаб, юкларни тушириб, яна қайтиб кетяпти. Буларнинг ҳаммаси кемани бошқарадиган бирон киши бўлмаган ҳолатда бўляпти». Улар: «Бу асло бўлиши мумкин эмас», дедилар. Шунда Абу Ҳанифа уларга: «Агар бу бир кемада имконсиз бўлса, бутун бу олам қандай қилиб ўзини-ўзи бошқариши мумкин?!» деди. Демак, бу мукамал коинотнинг яратувчиси бўлмаслиги мумкин эмас экан.

Яна болага шуларни айтиш мумкин: «Қорнинг очқаганда, очликни қондириш учун беихтиёр бирон егулик қидирмайсанми? Чанқаганинда, чанқоғингни қондирадиган нарса изламайсанми? Бирон ёқимли ҳидни ҳис қилсанг, кўнглинг яйрамайдими? Аксинча, ёқимсиз хид келганда ўзингда нимани ҳис қиласан? Атиргулларга, гулларга, осмонга ва атрофимиздаги табиатга қараганинда, бахт ва хушнудликни ҳис қилмайсанми? Худди шунингдек, ҳар доим эҳтиёжимиз бўлганда унга мурожаат қиладиган буюк илоҳга муҳтож эканлигимизни беихтиёр ҳис қиламиз. Чунки хотиржам, тинч-омон ва хавфсиз бўлишни хоҳлаймиз. Бирон танглик ва ғамгинликни ҳис қилганда, беихтиёр Аллоҳга дуо ва илтижо қиламиз. Ўзимизни бахтиёр ҳис қилсак, бунинг учун Унга ҳамд айтаемиз.



**Аллоҳ биз каби эшитади, кўради ва гаплашадими?**

Албатта, Аллоҳ гапиради, эшитади ва кўради. Бу ҳақда Аллоҳ шундай деган: «**(Эй Мухаммад алайҳис-салоту вас-салом), дарҳақиқат, Аллоҳ сиз билан ўз эри ҳақида баҳслашаётган (аёл)нинг сўзини эшитди**» (Мужодала, 1). «**(Аллоҳ) айтди: «Қўрқманглар. Шак-шубҳасиз, Мен сизлар билан биргаман – эшитиб, кўриб турурман»** (Тоҳа, 46). «**Албатта, У зот қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидир**» (Худ, 112).

Лекин Аллоҳнинг гапириши, эшитиши ва кўриши, бизнинг гапиришимиз, эшитишимиз ва кўришимизга ўхшамайди. Чунки Аллоҳ халқларидан бутунлай бошқачадир. Масалан, У товушлар қанчалар паст бўлса ҳам эшитади, нарсалар қанчалар узоқда бўлса ҳам кўради. Аллоҳ ҳамма нарсани эшитади ва кўради. Лекин Унинг эшитиши ва кўриши махлуқотнинг эшитиши ва кўришига ўхшамайди. Чунки махлуқотнинг бу сифатларида нуқсонлик ва заифлик бордир. Аллоҳ таолога «**Бирон нарса ўхшаш эмасдир. У эшитгувчи ва кўриб тургувчидир**» (Шуро, 11).

Бу ўринда қилинадиган энг яхши нарса, бу масалани бевосита бир хатти-ҳаракатга боғлашдир. Масалан, болага: «Аллоҳ таоло эшитиб, кўриб турар экан, Уни рози қилмайдиган нарсаларни гапиришимиз ва У ёқтирмайдиган ҳолатда кўринишимиз бизга ярашадими?!» – деб жавоби ичида бўлган савол беришимиз мумкин.







### Аллоҳ очқайдими, чанқамайдими?

Аллоҳ таолонинг бутун сифатлари мукаммал бўлиб, биронта нуқсонли сифати йўқдир. Очлик ва чанқоқ заифликнинг кўрсаткичларидир. Заифлик сифатини Аллоҳга нисбатлаш жоиз эмас. Қолаверса, Аллоҳ таом ва ичимликка муҳтож эмас. Чунки Аллоҳ ҳамма нарсанинг яратувчиси бўлиб, ҳеч нарсага муҳтож эмас. Агар бирон нарсага муҳтож бўлганда эди, илоҳ бўлиши тўғри бўлмасди. Аллоҳ еб-ичмайдиган, таом ва ичимликка муҳтож бўлмаган беҳожат – Сомадир. У буларнинг ҳаммасидан беҳожатдир. Лекин бутун махлуқот Унга муҳтож бўлиб, Аллоҳнинг уларга ризқ бериши, таомлантириши ва эҳтиёжларини қондиришини умид қиладилар.

Шунингдек, болага Яратувчи билан яралганларни таққослаш ўринсиз эканини бир савол билан тушунтиришимиз мумкин. Масалан, биз ясаган ва ижод қилган ҳамма нарсаларнинг хусусиятлари ва кўринишлари бизникига ўхшаш бўлиши шарт эмас, шундай эмасми? Юқоридаги саволни берган фарзандимизга шундай дейишимиз мумкин: «Рухсатинг билан сендан бир савол сўрай: «Велосипедни ким ясаган?» У: «Велосипед ишлаб чиқарувчиси», деб жавоб беради. Аъло, кел ўғлим, биргаликда тасаввур қилайлик. Велосипед тилга кириб, ихтирочисидан: «Сен нима ейсан? Нима ичасан?» – деб сўраса, унга нима деган бўлардинг? Мен айтгардимки: «Сенга нима, бу сенинг ишинг эмас. Билган тақдирингда ҳам сенга нима фойдаси бор? Буни билиш сенинг асосий вазифанг бўлган тез ва бузилмасдан юришингга фойдаси йўқку!», дейман. Худди шундай, Аллоҳ бизни ҳам аниқ бир вазифа учун яратди: **«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим»**, деди (Зориёт, 56).

Аллоҳнинг еб-ичиши ҳақидаги саволлар бизга фойда келтирмайди ва бизнинг асл вазифамизни бажаришимизда ҳам ёрдам бермайди, аксинча, улар бизни вазифаларимиздан чалғитадиган нарсалар билан ақлимизни банд қилади. Энда бояги тасаввуримизга қайтсак, велосипед қачон бизга мурожаат қилиши мумкин, қачон бизга эҳтиёжи тушади? Бузилиб қолганда, бизга мурожаат қилади, тўғрими? Биз ҳам Аллоҳга савол билан эмас, Унга қуллик қилишда заифлашиб қолганимизда ёки бирон-бир зарарга мубтало бўлганимизда Аллоҳга дуо ва илтижо билан мурожаат қиламиз.



### Аллоҳнинг кучи қанча?

Агар биз чегараланган бир куч ва қудрат ҳақида гапираётган бўлсак, демак, биз нуқсонли бир сифат ҳақида гапираётган бўламиз. Чунки кучнинг тугаши, кучсизликнинг бошланиши демакдир. Кучсизлик эса Аллоҳга нисбатланмайди, чунки У мутлақ куч эгасидир. Унинг қудрати чексиз ва Уни ожиз қолдирадиган ҳеч нарса йўқдир. Бу ҳақда Аллоҳ

таоло шундай марҳамат қилган: «**Аллоҳ ҳар нарсага қодир зот эканини билмадингизми?**» (Бақара, 106).

Аллоҳ таоло бирон нарсани хоҳлаганда унга: «Бўл!», дейди, у ўша заҳоти юзага келади. Аллоҳ ҳар ишга қодирдир, чунки У ҳамма нарсанинг яратувчисидир. У зотни на осмондаги ва на Ердаги бирон нарса ожиз қолдирмайди. Чегараланган қудрат эса махлуқотлардаги қудратдир, чунки у яратилгандир. Лекин Яратувчининг қудрати эса чексиз ва нуқсонсиздир. Шунинг учун ибодат, сўраш ва дуо қилинишга энг ҳақли ва лойиқ бўлган зот ёлғиз Аллоҳдир. Чунки ёлғиз Аллоҳ таологина бутун махлуқотнинг эҳтиёжларини қондириш, уларга ризқ бериш, сўраганларини рўёбга чиқариш ва уларнинг барча ишларини бошқаришга қодирдир.

### Аллоҳ қаерда? У каттами?

Бола ўзини Аллоҳ таоло яратганини, Аллоҳ болаларни яхши кўришини ва унга жуда кўп неъматларни берганини кичиклигиданоқ ўрганган бўлса, энди унга Аллоҳнинг осмонда эканини шарҳлаб бериш мумкин. Аллоҳ бу ҳақда бундай деган: «**(Эй Макка кофирлари,) ё сизлар осмондаги Зотдан кўрқмайсизларми?!**» (Мулк, 16). Демак, Аллоҳ таоло осмонда экан, аммо Унинг илми ҳамма жойдадир. Аллоҳ таоло деди: «**Сизлар қаерда бўлсангизлар, У сизлар билан биргадир**» (Ҳадид, 4).

“Аллоҳ ҳамма жойдадир”, дейиш тўғри эмас. Чунки бу, Аллоҳ ҳамма нарсанинг ичида мавжуд деган маънони билдиради. Бу нотўғри. Биз суннатда келган нарсани олишимиз лозим. Имом Муслимнинг ривоятида келган ҳадисда, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам жориядан: «**Аллоҳ қаерда?**» – деб сўрадилар. У: «Осмонда», деб жавоб берди. У зот: «**Мен кимман?**» – дедилар. У: «Сиз Аллоҳнинг расулисиз», деди. Шунда у зот унинг хўжайинига: «**Уни озод қилавер, чунки у мўмина экан**», дедилар (Муслим, 537).

Аллоҳ таоло осмонда бўлишига қарамай, бизни ҳамма жойда кўради ва эшитади. Аллоҳ таолонинг ҳар доим бизни кўриб туришини болага мунтазам эслатиб туриш, бола қалбида ўзини назорат қилиш механизмини пайдо қилади.

Аллоҳнинг катталигига келсак, Аллоҳ таоло махлуқотларидан бирон нарсага қиёсланмайди. Бирон нарса улкан бўлса, албатта унинг яратувчиси ундан каттароқ бўлади. Тоғларни майда зарраларга айлантира оладиган, денгизларни тўлқинлантирадиган, сувнинг ерга шимилиб кетишини буюрадиган зот Аллоҳ таолодир. Бу борликдаги ҳар бир ҳодиса фақат Аллоҳнинг буйруғи ва хоҳиши билан рўй беради. Шубҳасиз, Яратувчининг махлуқотларга эҳтиёжи



йўқ. Осмон Аллоҳнинг махлуқотларидан бири бўлгани учун, Аллоҳнинг борлиги осмонларга боғлиқ эмас, Унинг осмонларга эҳтиёжи йўқ. Чунки Аллоҳ ҳамма нарсадан беҳожатдир.



**Аллоҳ бизни кўради-ю, нимага биз Уни кўролмаймиз?**

Аллоҳ таоло бизга бу дунёда берган кўриш қобилияти кучсиз бўлиб, кўп нарсаларни кўролмайди. Биз кичик нарсаларни кўриш учун микроскоп ва лупаларни ишлатамиз. Модомики, инсон яратилган нарсалардан баъзиларини кўролмас экан, Аллоҳ таолони кўролмаслиги турган гап. Дунёда инсонга берилган кўриш қобилиятининг кучи Аллоҳни кўришга етмайди. Демак, биз Аллоҳни кўра олмаймиз, лекин Унга иймон келтирамиз, Унинг раҳимли эканига, бизни яхши кўришига, ҳамма нарсага қодир ва кучлилигига, ҳамма нарсани билиб туришига иймон келтирамиз. У ҳозир биз У ҳақида гаплашаётганимизни ҳам билиб турибди. Албатта, Аллоҳ биздан жудаларда юқоридадир, шу сабабли бир вақтнинг ўзида ҳаммамизни кўра олади. Бунга мисол келтирсак, баланд бинонинг устидаги киши кўчадаги ҳаммани кўриб туради, аммо улар уни кўра олмайди-ку, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳам бизни кўради, бироқ биз Уни кўра олмаймиз. Шунингдек, биз кўра олмайдиган, лекин бор бўлган жуда кўп нарсалар бор. Болага: «Бизнинг кўзларимиз ҳамма нарсани кўра олмайди, масалан, товушни эшитсак ҳам, уни кўролмаймиз. Ҳавони ҳис қилсак ҳам, уни кўра олмаймиз. Шунингдек, кўзларимиз бу дунёда Аллоҳ таолони кўролмайди, лекин жаннатда Аллоҳни кўрадиган кўзларимиз бўлади, иншааллоҳ. Шунинг учун Аллоҳ таоло бундай деган деймиз: **«Кўзлар Уни идрок қила олмайди. У кўзларни идрок қилади! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) огоҳ Зотдир»** (Анъом, 103).



**Аллоҳ бунча одамларни ҳаммасини қандай кўради?**

Бу саволга илмий жавоб бериш учун болани олиб, кўча бўйида туриб, одамларни кузатамиз ва унга: «Одамларни кузат ва менга уларнинг сонини айт. Мен ҳам сен билан бирга санайман», дейсиз. Кейин иккинчи қаватга чиқиб, одамларни кузатиб, кўрганларини санатинг. Сўнгра бир бинонинг устига чиқиб, кўрганларини санатинг. Кейин уни одамлар янада аниқроқ ва бемалол кўринадиган жойга олиб боринг. Бу мисол орқали унга инсонларнинг чегараланган ўлчови билан нарсаларни қиёслаб бўлмаслигини тушунтиринг ва Аллоҳнинг қудрати барча махлуқотларнинг қудратидан буюк ва улук эканини айтинг. Шу тариқа ҳар доим боланинг миясига **«Аллоҳ ҳар нарсага қодир зот эканини»** (Бақара, 106) куйиб борамиз.

Бу мавзуда болага ҳиссий бир савол беришимиз мумкин: «Сенингча чумоли бизни тўлиқ кўрадимиз ёки соямизни кўрадимиз ёхуд фақат тасаввур

киладими?». Бола: «Чумоли фақат оёқ бармоғимизни жуда кичкина жойинигина кўради. Бармоғимиз унга нисбатан катта тоғдек ҳисобланади», деб жавоб беради. Яхши, чумоли тилга кириб сендан: «Бизни ҳаммамизни бир вақтнинг ўзида қандай кўрасизлар?», деб сўраса, «Бу оддий нарса-ку», деб жавоб берган бўлардинг, шундайми? Мана шу Аллоҳ сенда яратган қудратдир. Чумолининг қудрати эса чегараланган. Шунингдек, бир ковакда чумолиларнинг бир қанча инлари бор, сен бу жойларни бир вақтнинг ўзида бемалол кўра олсан, лекин чумолининг қудрати чегараланган, у сен кўрган ҳар нарсани кўра олмайди. Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг бирон нарсага ўхшамаслиги ва Унинг ҳар нарсага қодирлигида ҳамфикр эканмиз, бизнинг чегараланган қудратимиз билан Аллоҳга нисбатан оддий бўлган нарсаларни сўрашимиз муносиб эмас. Зеро, Аллоҳнинг қудрати барча махлуқотнинг қудратидан буюк ва улуғдир, чунки **«Аллоҳ ҳар нарсага қодир зотдир»** (Бақара, 106).

### Аллоҳ инсонларни қоронғуда кўра оладими?

Болага кечаси дурбин билан кўрадиган курукликдаги аскарлар акс этган филмлардан бирининг сахнасини томоша қилдиришимиз, қоронғида кўрадиган баъзи ҳайвонлар ва қушларнинг видео лавҳаларини кўрсатишимиз, шунингдек, у кўрган баъзи филмларни ва у ўйнаган ўйинларни эслатишимиз мумкин. Шунингдек, лазер каби баъзи нурлар бўлиб, жисмларнинг орқасида турган нарсаларга ойдинлик киритишини ва нарсаларни қоронғуда кўришга имкон беришини айтамыз. Буларни айтгандан кейин шундай деймиз: «Кўрдингми, заиф ва оддий инсон ҳам баъзан қоронғуда кўриши мумкин экан. Энди инсонни ва бу мавжудотни барчасини яратган Раббимиз ҳақида нима деб ўйлайсан? Аллоҳ бизга қоронғуда кўрадиган нарсаларни ихтиро қилишга имкон берган экан, бунини ўзи қилолмайди? Ҳолбуки, У энг буюк ва энг қудратли зот бўлиб, Унинг қудратига монета бўладиган ва чеклайдиган ҳеч нарса йўқдир».

### Биз уйимизни ичида бўлсак, эшиклар ва деразалар ёпиқ бўлса, Аллоҳ бизни қандай кўради?

Болага рентген нури орқали олинган тасвирдан бирини кўрсатиб, Аллоҳ таоло яратган инсон ҳам X-нурлари ёрдамида усти тери ва эт билан қопланган суякни кўришга қодир бўлаётти. Энди инсонни яратган Раббимиз ҳақида нима деб ўйлайсан? Дарҳақиқат, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло эшик ва деразалари ёпиқ уйларимиз ичида бўлсак ҳам бизни кўриб турибди. Зеро, Аллоҳ бирон нарсага ўхшамайди. Унинг кўриши девор ва бинолар тўсиб қоладиган инсонларнинг кўриши каби эмас. Яратувчи ҳеч қачон яралмиш каби бўлмайди. Аллоҳ таоло ҳар нарсага қодирдир.

Жавобимизни боланинг бир хулқ-атвориغا боғлашимиз мақсадга мувофиқ бўлади, яъни Аллоҳнинг ҳар доим ва ҳар қандай ҳолатда бизни кўриб туриши болага уқтирилади. Шунда у, Аллоҳнинг доимий равишда кузатиб туришини ва иймоннинг лаззатини ҳис қилади.



**Аллоҳ қандай қилиб барча ишларимизни билади? Ҳамма одамларни қандай кузата олади?**

Болага ҳар доим Аллоҳ таолонинг барча сифатлари комил ва гўзал экани, Унинг қудрати чексиз ва ҳар ишга қодирлиги таълим берилади. Аллоҳ таоло айтади: «**Аллоҳ ҳар нарсага қодир зотдир**» (Бақара, 106).

Модомики, Аллоҳнинг қудрати чексиз экан, на Ердаги ва на осмондаги бирон нарса Уни ожиз қолдирмайди. Аллоҳнинг қудратини махлуқотларининг қудратига, у қанчалар буюк бўлса ҳам, қиёслашимиз мумкин эмас. Аллоҳ ундан буюк ва улуғдир. Бу масалани болага янада тушунарли қилиш мақсадида видео камерага туширилган тасвирларни мисол қилиш мумкин. Камера обектив доирасида бўлган ҳар бир катта-ю кичик нарсаларни ёзиб олиши ва қайд этиши мумкин. Оддий камерада бу хусусият бор бўлса, Аллоҳ ҳақида нима дейишимиз мумкин?! Аллоҳ энг қудратли зотдир, Унга фақат олий мисоллар ярашади. Аллоҳ таоло барча инсонларни бир вақтнинг ўзида кузатишга қодир, чунки Унинг қудрати чексиздир. Аллоҳ таоло ҳамма нарсани билади ва Унинг илм ҳамма нарсани қамрайди.

Яна бир мисол келтирайлик: катта бир ширкат бор деб фараз қилайлик. Сен унда ишлайдиган ходимларни кузатмоқчисан. Шу сабабдан ходимларга билдирмай маълум жойларга камералар ўрнатдинг. Улар буни билмайдилар, сен эса уларни кўрасан ва ширкатнинг ҳар бир бўлимида бўлаётган ишларни бир вақтнинг ўзида экран орақали кузатиб турасан. Аллоҳ яратган бир заиф банда буни қилишга қодир бўлар экан, банданинг Яратувчиси Аллоҳ барча бандаларини бир вақтнинг ўзида кўришга қодир бўлолмайдими?



**Нимага инсонлар ўлади, Аллоҳ эса ўлмайди?**

Ўлим – Аллоҳ таолонинг махлуқотларига тақдир қилган нарсаларидан биридир. Бу ҳақда шундай марҳамат қилган: «**Ҳар бир жон ўлим (шарбати) ни тотгувчидир. Сўнгра Ўзимизга қайтарилурсизлар**» (Анкабут, 57).

Демак, инсоннинг ўлими Охират ҳаётининг бошланғичидир. Охират ҳаёти дунё ҳаётидан муҳимроқдир.

Шубҳасиз ўлим, яратилган дунё ҳаётининг заруратларидан бири бўлиб, заифликнинг кўрсаткичидир. Заифлик эса Аллоҳда бўлмайди. Зеро, Аллоҳ яралмади ва ҳеч қачон ўлмайди. Инсон эса яралган ва ўлади. Албатта, Аллоҳ таолонинг ҳаётлиги бизники каби эмас. Бизнинг ҳаётимиз ўлим билан тугайди ва ҳар бир яралмиш албатта ўлади, охирида фақат Аллоҳ азза ва жалла қолади. Чунки Аллоҳ таолонинг ҳаёти комил ҳаёт бўлиб, барча мукамал сифатларининг давом этиши учун лозимдир. Бу камол сифатларининг энг муҳими ўлмайдиган тирик бўлиш сифатидир.




### **Мен Аллоҳни яхши кўрганимдек, У ҳам мени яхши кўрадими?**

Аллоҳ таоло гуноҳларни кечирувчи меҳрибон бўлиб, покиза, тўғри сўз ва самимий мўминларни яхши кўради. Бу ҳақда шундай деган: «**Аллоҳ уларни яхши кўрур, улар ҳам Аллоҳни яхши кўрурлар**» (Моида, 54).

Аллоҳнинг бандаларини яхши кўришининг аломатларидан: Аллоҳ уларни неъматлар билан сийлайди, уларни ҳар турли балолардан асрайди, ишларини бошқаради, уларга ризқ беради ва гуноҳларини мағфират қилади. Ҳар биримиз Аллоҳнинг лутфи ва карамини ҳис этамиз. Аллоҳ таоло итоат қилган, солиҳ амаллар билан яқинлашган, Унинг муҳаббатига эришиш сабабларини ушлаган, намозларини муҳофаза қилган, ота-онасига яхши муомалада бўлган, одамларга яхшилик ва эҳсон қилган, ростгўй, Қуръон ўқийдиган, зикрларни айтиб юрадиган бандаларини яхши кўради. Ким юқорида айтилган ва улардан бошқа солиҳ амалларни қилса, Аллоҳ таоло уни яхши кўради.



## Фаришталарга тааллуқли саволлар



### ? Фаришталар кимдирлар? Уларнинг шакллари қандай?

Фаришталар Аллоҳ яратган махлуқотлардан бўлиб, нурдан яратилган. Аллоҳ уларни инсонлардан олдин яратди, уларда хоҳиш, ақл ва қанотлар бор. Кўринишлари жуда чиройлидир. Улар инсон қиёфасига кира оладилар, емайдилар ва ичмайдилар. Улар фақат буюрилган ишни қиладилар. Улар энг юксак фазилат эгаларидир. Уларнинг ҳам энг фазилатлиси Жибрил алайҳиссалом бўлиб, вазифаси пайғамбарларга ваҳий олиб келишдир. Микоил, Исрофил ва бошқа фаришталар ҳам бор. Улардан инсонларни ҳар доим ҳимоя қилиб турадиганлари бор. Фаришталар жуда-жуда кўп ва ҳар бирининг ўз вазифаси бор.

### ? Фаришталарнинг исмлари борми?

Фаришталарнинг саноғи жуда кўп, уларнинг саноғини ёлғиз Аллоҳ таоло билади. Улардан исмлари айтилганлари куйидагилардир: Жибрил, Микоил, Исрофил, Ризвон, Молик алайҳимуссалом. Яна аршни кўтариб турувчи, инсонларнинг амалларини сақловчи ва бошқа фаришталар бор.

### ? Аллоҳ нима учун фаришталарни яратган?

Аллоҳ таоло фаришталарни яхши ишларни қилишлари учун яратди. Улар фақат яхши ишларни қилади, ёмон иш нималигини билмайдилар. Фаришталар аслида осмонда эдилар, инсон Ер юзига тушгандан кейин, инсонларни ҳимоя қилиш, уларга ёрдам бериш, кузатиш, етказиш, қўллаб-қувватлаш, истиғфор айтиш, зикр ҳалқаларида ҳозир бўлиш ва булар каби бошқа вазифаларни бажариш учун фаришталар ҳам Ерга тушишларига тўғри келди. Болага фаришталарнинг иккита асосий вазифалари борлигини айтишимиз мумкин. Улар: Аллоҳ таолога ибодат қилиш ва Коинотдаги ишларни амалга ошириш.

### ? Нимага фаришталарни кўролмаймиз?

Инсонлар фаришталарни Аллоҳ яратган суратда кўра олмайдилар. Лекин фаришталар инсон суратига киришлари мумкин. Масалан, машҳур Жибрил ҳадисини эсласак, Жибрил алайҳиссалом Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва саҳобаларнинг олдиларига бир аъробий суратида келганди.

## ❓ Жинлар ким?

Жинлар Аллоҳ яратган махлуқотлардан бўлиб, оловдан яратилганлар. Уларга Аллоҳнинг буйруқларини бажариш ва қайтариқларини тарқ қилиш вазифаси юклатилган. Улар ҳам бошқа махлуқотлар сингари ўладилар. Биз уларни кўролмаймиз. Аллоҳ уларга инсонда бўлмаган қудратларни берган, шу сабабли улар уча оладилар, бир жойдан бошқа жойга бирпасда етиб борадилар, ҳар хил шаклга кира оладилар. Жинлар билан инсонларнинг яратилиши бир-биридан фарқ қилади, инсонлар лойдан яратилган бўлса, жинлар оловдан яратилгандир.

## ❓ Фаришталар кучлими, жинларми?

Фаришталар то сур чалингунига қадар ўлмайдилар, жинлар эса ундан олдин ўладилар. Ўлим фариштаси ҳар бир жонни ўлим вақти келганда руҳини олади: «**Аллоҳ жонларни ўлим вақтларида, (ҳали-ҳануз) ўлмаганларини эса ухлаётган пайтларида олур**» (Зумар, 42). Демак, фаришталар бу жиҳатдан жинлардан устун экан. Ҳатто бошқа томонлама ҳам фаришталар кучлидирлар, жин ва шайтонлар фаришталардан кўрқадилар. Мана Бадр жангида мўминларга ёрдамга келган фаришталарни кўрган шайтон кофирларга бундай деган эди: «**Албатта, мен сизлардан безорман. Мен (мусулмонлар орасида) сизлар кўрмаётган нарсани (яъни, фаришталар борлигини) кўрмоқдаман. Мен Аллоҳдан кўрқаман. Аллоҳнинг азоби қаттиқдир**» (Анфол, 48).

## ❓ Фаришталар ўладиларми?

Ҳа, ўладилар, чунки фаришталар ҳам Аллоҳнинг халқларидан биридир. Аллоҳдан бошқа ҳамма ўлади, Аллоҳ эса абадий тирик қолади: «**Барча нарса халок бўлгувчидир, магар Унинг Ўзигина (мангудир)**» (Қасос, 88).

Ер юзидагилар ҳам, осмондагилар ҳам, ҳамма ўлади, фақат Аллоҳ хоҳлаганлар мустасно. Энг охирида Аллоҳдан бошқа ҳеч ким тирик қолмайди, фақат Аллоҳ қолади, зеро, У зот ўлмайдиган барҳаётдир.

## Китобларга

## тааллуқли саволлар

### ? Самовий китоблар нима дегани?

Улар Аллоҳ таоло пайғамбарларига туширган китоблардир. Уларнинг туширилишидан мақсад, рисолатни етказиш ва шариатни ҳоким қилишдир. Улар халқларга дунё ва Охиратда саодатга эришишлари учун ҳидоят ва раҳмат қилиб нозил қилинган. Улардан бизга етиб келганлари: Иброҳим алайҳиссаломга берилган саҳифалар, Довуд алайҳиссаломга берилган Забур, Мусо алайҳиссаломга туширилган Таврот, Ийсо алайҳиссаломга туширилган Инжил ва пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган Қуръондир.

### ? Қуръонга нима эҳтиёжимиз бор? Нима сабабдан Қуръон мангу мўъжиза ҳисобланади?

Инсон ясаган оддий жиҳознинг уни қандай ишлатишни ўргатадиган кўлланма китобчага эҳтиёжи бор экан, Аллоҳ яратган инсоннинг ҳам ҳаёт кўлланмаси бўлиши кераклиги аниқдир. Бу китоб ҳидоят ва иршод китоби бўлиб, инсонга дунё ва Охиратда нажот, муваффақият ва саломатликка эришиш йўлларини ўргатади. Аллоҳ таоло деди: «**(Ахир) яратган Зот (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) билмасми?! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) Огоҳдир**» (Мулк, 14).

Қуръоннинг мўъжизалигига келсак, пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам охирги пайғамбар бўлганлари учун унга берилган Қуръон мўъжизаси ҳам қиёматга қадар давом этиши керак. Чунки ундан кейин пайғамбар келмайди. Халқлар устидаги ҳужжат ҳам қиёматга қадар доим ва қоим бўлиши лозим. Қуръоннинг мўъжизакор эканини кўрсатувчи далиллар жуда кўп, уларнинг энг муҳими, фасоҳат ва балоғат мўъжизасидир. Аллоҳ таоло адабиёт ва фасоҳатда моҳир бўлган арабларни Қуръонга ўхшаган нарса келтиришга чорлаган, бироқ улар унга ўхшаган битта сура ҳам келтира олмадилар ва келтира олмайдилар ҳам. Шунинг ўзи Қуръоннинг Аллоҳ томонидан нозил бўлганини кўрсатадиган далилдир.



Аллоҳ таоло нима учун олдинги самовий китобларни муҳофаза этмади?

Авваламбор, Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаганини қилади. Қолаверса, бунинг бир қанча ҳикматлари бор, биз улардан баъзиларини биламиз, баъзиларини билмаймиз. Қуръондан олдинги китобларнинг мўъжиза бўлмаганлигини очиқ далилар исботлайди. Шундай экан, худди олдинги умматларнинг шариатлари маълум одамларгагина чегаралангани каби китоблари ҳам асл холида давом этиши шарт эмас.



Қуръондаги бирон нарсанинг ўзгармаганини исботлайдиган далил борми?

Одатда бундай саволни ўрта мактаб ёшидаги ва ундан каттароқ болалар беришади. Бу ҳолатда унга Қуръоннинг тўғрилигини исботлайдиган ақлий ва мантикий далил билан хотиржам тушунтириб бериш лозим бўлади. Болага шундай дейишимиз мумкин: «Кўп такрорланган нарса барқарор бўлади, кенг тарқалган нарса ўз тасдиғини топади. Қуръон ҳам бизга мутавотир йўл билан етиб келган» деб, мутавотир нима деганини тушунтириб берамиз. Мутавотир деб, ёлғон гапиришга келишиб олиши мумкин бўлмаган катта бир жамоа худди ўзи каби бошқа жамоадан ривоят қилган, асоси ҳис қилиш аъзоларига (кўз ёки кулоққа) таянадиган хабардир. Мусулмонлар Қуръонни авлоддан авлодга нақл йўли билан мерос қилишган. Уни илм мажлисларида ўзаро дарс қиладилар, намозларида тиловат қиладилар ва фарзандларига ўргатадилар. Ҳатто ёши улўғ, ҳайбатли киши Қуръон ўқиркан, битта харфини нотўғри ўқиса, катталардан олдин болалар лўқма ташлаб тўғрилаб қўйишади. Аждодларимиз Қуръонни бизга соф, нуқсондан холи ва бузмасдан етказишди. Агар бу далил инкор қилинса, тарих китобларида ёзилган Пайғамбарнинг ва саҳобаларининг борлиги каби аниқ ҳақиқатларни ҳам инкор қилишга ўтилади. Буни эса ҳеч бир оқил инсон қабул қилмаган.

Қуръон бутун инсон ва жинларни қўлларидан келса унга ўхшашини олиб келишларига чақирган бўлсада, улар ожиз қолишганидек, Қуръонда бошидан охиригача бирон ихтилоф, ўзаро зидлик ва нуқсон йўқдир. Ундаги хабарлар, қонунлар, аҳкомлар ва сўзларнинг мўъжизакорлиги, нуқсон ва ўзгаришга маҳкум бўлган инсонларнинг сўзлари эмаслигига далилдир. Қуръон Аллоҳ томонидан келган ва Аллоҳ уни муҳофаза этишни Ўз зиммасига олган китобдир.



## Пайғамбарларга тааллуқли саволлар

### ? Набийлар ва расуллар кимдирлар?

Пайғамбарлар Одам фарзандларидан бўлиб, Аллоҳ уларга пайғамбарликни ваҳий қилди, қавмларига рисолатни етказиш ва уларни ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга даъват этишга буюрди. Уларнинг биринчиси Одам алайҳиссалом ва охиргиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар. Уларнинг сони жуда кўп, чунки Аллоҳ уларни Ер юзида яшаган барча умматларга жўнатган. Яъни, ҳар бир даврда одамларни ҳидоятга ва тўғри йўлга чорловчи бир пайғамбар албатта бўлган.

### ? Аллоҳ нима сабабдан пайғамбарларни юборди?

Аллоҳ таоло пайғамбарларни одамларга раҳмат ва ҳидоят қилиб, уларга Раббиларининг рисолатини етказишлари учун жўнатди. Расул халқи ичида жуда яхши танилган, ваҳий тушишдан олдин ҳам яхши инсонлиги билинган кишидир. Аллоҳ пайғамбарларни одамларга ўрнатди. Пайғамбарлар одамларга одоб-ахлоқни, юриш-туришни ўргатдилар, уларга фойдали бўлган нарсаларни кўрсатиб, зарарли нарсалардан огоҳлантирдилар. Пайғамбарлар рисолатни етказиш билан халқлар устида ҳужжатни қоим қилдилар. Улар одамларни битта дин, яъни ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишда жамладилар. Зеро, одамлар тўғри йўлга бошловчи кишиларга муҳтождирлар. Шу сабабдан Аллоҳ, одамларга рисолатнинг тўғри ва равшан ҳолатда етиб бориши учун пайғамбарларга қавмларининг тилларида китобларни нозил қилди.

### ? Пайғамбарлар хато қилишдан маъсумилар?

Пайғамбарлар ҳам инсондирлар, инсонларда бор бўлган хато қилиш табиати уларда ҳам бор. Лекин Аллоҳ таоло уларни рисолатга тааллуқли нарсаларда хато қилишдан асради. Аллоҳ уларни одамларга ўрнатди бўлишлари, гаплари таъсирли ва амаллари мақбул бўлиши, рисолатни етказишда тўсик бўлмаслиги учун хулқ-атворлари ва юриш-туришларини намунали қилди. Лекин улар ҳам инсон бўлганлари сабабли баъзи хатоларга йўл қўйишади, бироқ бу рисолатга зарар бермайди. Масалан: экин экишга ёки жанг қилишга энг муносиб жойни танлашда хатога йўл қўйиш каби нарсалар.

## Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам кимдир?

У Аллоҳнинг бандаларига жўнатган пайғамбарларнинг охиргисидир. Унинг исми: Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб Хошимий Курашийдир. У Макка шаҳрида Фил воқеаси йили Рабиул-аввал ойида душанба куни дунёга келдилар. Отаси у туғилмасдан олдин вафот этди, онаси эса у олти ёшлигида вафот этди. Кейин бобоси Абдулмутталибнинг қарамоғида қолди, у ҳам Пайғамбаримиз саккиз ёшдалигида вафот этди. Сўнгра уни амакиси Абу Толиб қарамоғига олди. Олийжаноб хулқ эгаси бўлгани учун одамлар уни Содик (ростгўй), Амин (ишончли) деб номлар эдилар. Қирқ ёш бўлганларида пайғамбар этиб тайинланди ва қавмларини Исломга даъват қила бошладилар. Маккада ўн уч йил даъват қилдилар, халқининг озорлари ва азиятлари кучайиб кетгач, Мадинага хижрат қилдилар ва у ерда ўн йил яшадилар. Мадинада муҳожирлар билан ансорларни ака-ука тутинтирдилар. У ерда Аллоҳнинг шариати ва ҳукмини ўрнатдилар. Рисолатни етказиб, зиммаларидаги омонатни адо қилгач, хижрий ўн биринчи йил вафот этдилар.

## Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарлигини нима исботлайди?

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарлигини исботлайдиган далиллар жуда кўп. Уларнинг энг муҳими Куръони каримдир. Ушбу мўъжизавий китоб ўз хазиналари ва марваридлари билан одамларни ҳайратга солишда давом этмоқда. У зотнинг пайғамбарлигини тасдиқлайдиган далиллардан:

- Унинг сийрати ва гўзал ахлоқи. Буни у зотнинг яқинларини қўйиб турайлик, душманлари ҳам тан олгандир. Ҳатто у зот «Содик», «Амин» деб лақаб олган эдилар.
- У зотнинг замондошлари гувоҳ бўлган ва авлоддан авлодга ривоят қилинган бир қатор мўъжизалари.
- Барча комил ва гўзал ҳукмларни ўзида жамлаган бу шариат.
- Олдинги самовий китобларда келган башоратлар.
- Ислом динининг ҳар бир макон ва замонга ёйилишда давом этиши.
- Ўтмишдаги умматлардан ва келажакдаги нарсалардан хабар беришлари...

### ? **Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қандай қилиб бир кечада осмонга чиқарилди?**

Дарҳақиқат, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Бурокқа минган холларида Байтул Макдисга сайр қилдирилдилар, сўнг Жибрил алайҳиссалом ҳамроҳлигида осмонга чиқдилар. Аллоҳ таоло ҳар нарсага қодирдир, Уни на ердаги ва на осмондаги бирон нарса ожиз қолдиролмайди. Бугун заиф инсон ўз ақли билан товуш тезлигидан ошадиган самолетни ихтиро қилди, инсонни бир вақтнинг ўзида бир нечта жойда кўрсата оладиган тасвирни уч ўлчовда олишни (3Д) ўйлаб топган экан, албатта Аллоҳ халқларидан буюк, улуғ ва қудратлироқ зотдир.

### ? **Нимага Муҳаммад охириги пайғамбар бўлди?**

Пайғамбарларнинг жўнатилиши тўғри йўлни кўрсатиш ва ҳидоятга йўллаш ҳикматига боғлиқдир. Олдинги китоблар пайғамбарлар ўлганларидан кейин нуқсон ва ўзгартишга учраган экан, Аллоҳнинг ҳикмати бир пайғамбарни бундай нуқсонга ва бузилишга учрамайдиган, ҳатто уни сақлашни зиммасига олган бир китоб билан жўнатишни тақозо этди. Модомики, Қуръоннинг мўъжизалиги, унинг барча халқларга очиқ ҳужжатлиги боқий экан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳам расул ва набийларнинг охиригиси бўлишлари мантиқлидир.

### ? **Нимага Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни яхши кўриш вожиб?**

Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни яхши кўриш иймон акронларидандир, ҳатто Аллоҳ таолога иймон келтириш, бу муҳаббат билангина комил бўлади. Дарҳақиқат, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган муҳаббат Аллоҳ таолога бўлган муҳаббат билан ёнма-ён келтирилган. Чунки Аллоҳ таоло одамлар орасидан уни буюк рисолатни етказиш учун танлаб олди. Аллоҳ таоло одамларнинг насабда, хулқда, сўз

ва амалда энг яхшисини танлади. Чунки Аллоҳ рисолат омонатини кимга беришни жуда яхши биладиган зотдир. Модомики, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу буюк вазифа учун бутун одамлар ичидан танлаб олинган эканлар, бизнинг вазифамиз ҳам барча одамлар ичида уни кўпроқ яхши кўришдир. Чунки у зот одамларга Раббиларини танитдилар, умматига энг яхши расул, халқига энг раҳимли набий бўлдилар. Аллоҳ таолодан кейин бизга у зотдан кўра ғамхўрроқ бўлган инсон йўқ. Одамларни динга ва яхшиликка даъват қилиш йўлида озорларга сабр қилдилар, даъватни қабул қилмаганда уларнинг дўзахга киришини ўйлаб қаттиқ сиқилдилар. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди: **«(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом), агар улар ушбу сўзга – Қуръонга иймон келтирмасалар, эхтимол сиз уларнинг ортидан, афсус-надомат билан ўзингизни ҳалок қилурсиз (бундоқ қилмоқ сизга нораводир)»** (Каҳф, 6). Мана шунинг учун ҳам Аллоҳдан кейин муҳаббатимизга энг лойиқ инсон Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар.



## Охират кунига тааллуқли саволлар



### ? Охират қандай кун?

У Аллоҳ бутун халоиқни ҳисоб қилиш учун қайта тирилтирадиган кундир. Ундан кейин бошқа кун бўлмагани учун «Охират куни» деб, Аллоҳ инсонларни дунёда қилган ишларини ҳисоб қиладиган кун бўлгани учун «Ҳисоб куни» деб номланган. Одамлар ҳисоб қилинган, ким Аллоҳга итоат этган ва яхши амал қилган бўлса, жаннатга киради. Ким Аллоҳга осий бўлган ва ёмон амалларни қилган бўлса, дўзахга киради. Охират барча одамларга нисбатан дунё ҳаёти тугайдиган кундир. Қиёмат куни ҳам дейилади, чунки у кунда одамлар қабрларидан чиқиб, ҳисоб қилиниш учун осмонга тикилиб қиёмда турадилар.

### ? Қиёмат қачон бўлади? Нимага у кун биздан яширилган?

Қиёмат қачон қоим бўлишини ҳеч ким билмайди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай дейди: «(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом, мушриклар) сиздан (ўша Қиёмат) соатини қачон воқеъ бўлиши ҳақида сўрарлар. Сиз қаердасиз-у, уни (яъни, Қиёмат қачон бўлишини) билиш (қаерда)? (Яъни, сиз ҳеч қачон у Куннинг вақтини айтиб бера олмайсиз). Уни (билиш) ёлғиз Парвардигорингизга бориб тўхтар. Сиз фақат ўша (Қиёмат)дан қўрқадиган кишиларни огоҳлантиргувчисиз, холос. (Аммо у Куннинг қачон воқеъ бўлишини айтиб бериш сизнинг вазифангиз эмасдир)» (Назиъат, 42-45).

Токи биз яхши амал қилишда ғайратли бўлишимиз ҳамда яхшилик қилиш ва ёмонликни тарк этиш билан ҳар кун унга тайёр ҳолда туришимиз учун Аллоҳ қиёмат кунининг қачон бўлишини биздан яширди. Инсон қиёмат қачон бўлишини билса, жуда оз вақт қолгунгача тавба қилмай юраверади ва Ер юзи ҳозирги ҳолатидан кўра кўпроқ фасодга тўларди.

### Ҳисоб нима дегани?

Аллоҳ таоло аввалги ва охиргиларнинг ҳаммасини жамлайди. Бу ҳақда шундай деган: «**(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом, сиз уларга) айтинг: «Албатта аввалгилар ҳам, кейингилар ҳам Маълум кундаги белгиланган вақтга шак-шубҳасиз, тўплангувчидирлар»** (Воқеа, 49-50). Сўнгра уларга амаллари кўрсатилади, улар амалларини танийдилар, сўнг амалларига яраша жазо/мукофот берилади, яхши амал қилган яхшилик, ёмон амал қилган ёмонлик билан жазоланади. Аллоҳ таоло айтади: «**Бас, ким (ҳаёти дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса, (Қиёмат кунда) ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур!**» (Залзала, 7-8).

### Ўлим нима дегани?

Олти ва ундан кичик ёшдаги бола, одатда, ўлим ва қайта тирилиш маъносини тўла тушуна олмайди. Ўлим ҳар бир инсоннинг аниқ ниҳоясидир. Олти ёшдан саккиз ёшгача бўлган болалар, одатда, ўлимнинг маъносини ва унинг ҳар бир инсонга келишини тушунади. Саккиз ёшдан ўн ёшгача бўлган болалар, ўлим ва қайта тирилиш тушунчасини тўла қонли тушунадилар. Бола оиладан бирининг ўлимига гувоҳ бўлган бўлиши мумкин, балки бу унинг ўлим билан илк бор қаршилашиши бўлгандир. Ўлим ва қабр ҳақида эшитганда нималарни ҳис қилганини билолмаймиз, кўпинча булар тилга олинганда болада кўрқув пайдо бўлади. Шунинг учун, болага ўлим нима эканини ҳеч қандай ёлғон қўшмасдан тушунтириб беришимиз ва ўлган кишининг охиратга сафар қилганига ишонтиришимиз лозим. Йўқса, кўп ўтмасдан ўлим ҳақиқатини бошқалардан билиб олади.

Бола оила аъзоларидан бирининг ўлимига гувоҳ бўлишидан олдин, энг яхшиси, унга ўлган чумчук ёки қуриган дарахт ёхуд ўлик пашшани кўрсатиб, ўлим тушунчасини ҳиссий шаклда изоҳлашимиз мумкин. Сўнгра болага ўлган киши Охират диёрида яшагани кетганини, ҳаммамиз ҳам катта бўлгандан кейин вафот этиб, биздан олдин ўтганлар сафига қўшилишимизни ва Аллоҳнинг изни ила, улар билан бирга жаннатда яшашимизни содда қилиб тушунтирамиз. Муҳими, бола ўлимнинг ҳамма нарсанинг ниҳояси эмаслигини, балки мўминлар янада яхшироқ ҳаётга ўтиши, ёмонлар эса жазоларига дучор бўлишини билиши даркор. Шунингдек, Аллоҳ жонимизни

олади дегани, бизни ёмон кўради дегани эмас, балки биз унинг гўзаллигини тасаввур қилолмайдиган жаннатларда Аллоҳга кўшни бўлиб яшашимиз учун жонимизни олишини билиши лозим.

### ? Ундай бўлса, нимага болалар ҳам ўлади?

Болалар умуман ёмон ишларни қилишмайди, қасддан хатога қўл уришмайди. Шунинг учун, Аллоҳ ўлган болаларни раҳмати билан қарши олади ва жаннатига киргизади. Инсон вафот этиб, бу дундан ўтса ҳам, унинг руҳи яшашда давом этади. У Аллоҳнинг ҳузурига кўтарилади, унинг хотираси ва яхши амаллари инсонлар қалбида қолади. Шундай экан, инсон Раббига йўлиқадиган кун учун яхши амалларни қилиш билан ва Ислом шариати таълимотларига амал қилиш билан тайёргарлик кўриши вожибдир.

### ? Ўлсак қаерга кетамиз?

Аллоҳ бизга бу дунёда яшаш учун белгилаб берган вақт ниҳоясига етгач, ўлгандан кейин қабрга борамиз. Қабр ўликлар учун мўлжалланган жойдир. Раббига иймон келтириб, Унга итоат этиб, дунё ҳаётида солих амал қилган мўминлар учун қабр жаннат боғчаларидан бир боғча бўлади ва то қиёмат коим бўлгунича неъматлар ичида яшайди.

### ? Ўлик инсон эшитади ва кўради? Тупроқнинг тагида қандай нафас олади? У ейди, ичади ва ухлайдими?

Ҳа, албатта. Ўликларга салом берсак, бизни эшитишади, ҳақларига дуо қилсак, уларга етиб боради, лекин биз каби нафас олишмайди. Чунки нафас олишга эҳтиёжлари йўқ. Улар бошқа ҳаётда бўлиб, у дунё ҳаётига ўхшамайди. Охират ҳаётининг дебочаси барзах ҳаётидир. Унинг қонунлари ва табиати фарқлидир. У ерда нафас олинмайди, еб-ичилмайди, ухланмайди ва бирон иш қилинмайди. Билъакс, у ерда ё давомли неъмат, ё давомли азоб бўлади.

### ? Жаннат нима? Унда нималар бўлади?

Жаннат саломатлик диёри бўлиб, жуда чиройли жойдир. Унда ҳамма орзу қилган, яхши кўрган нарсаларинг муҳайё бўлади. Жаннат яхши амалларни қиладиган солих инсонлар борадиган жой бўлиб, унинг саккизта эшиги бор, улар жаннатнинг даражаларидир. Мўминлар ҳасанотлари ва раҳматдан олган насибаларига кўра улардан кирадилар. Яъни, ҳасанотлари кўп бўлган киши ҳасаноти оз бўлган кишидан чиройлироқ ва юксакроқ мақомда бўлади. Лекин уларнинг ҳаммаси роҳат, фароғат, розилик ва неъматда яшайдилар.

Жаннатда бахтиёр бўлиб яшаймиз, касал бўлмаймиз, чарчамаймиз ва Аллоҳ субҳонаху ва таолони, Расулulloҳни, пайғамбарларни ва Аллоҳнинг изни билан, барча яхши кўрганларимизни кўрамиз. Жаннатда ейдиган, ичадиган, роҳатланадиган неъматлардан хоҳлаганимиз ва яхши кўрганимиз ҳамма нарса бўлади.

### **?** Дўзах нима? Нимага Аллоҳ уни яратди?

Дўзах азоб диёри бўлиб, Аллоҳ уни ёмон ишларни киладиган, одамларга озор берадиган ва Аллоҳга осий бўлиб, Унинг буйруқларига итоат қилмайдиган одамларни азоблаш учун тайёрлаб қўйгандир.

### **?** Ҳайвонларнинг оқибати нима бўлади, улар жаннатга кетадими ёки дўзахгами?

Ҳайвонлар мукаллаф, яъни ибодат вазифаси топширилмаган махлуқотлардир. Аллоҳ уларни инсоннинг манфаати учун яратди. Шу сабабли, уларга ҳисоб ҳам, азоб ҳам йўқ. Қиёмат куни Аллоҳ барча ҳайвонларни қайта тирилтиради, бир-бирларидан қасосларини олиб беради, шохсиз қўйга уни сузган шохли қўйдан қасоси олиб берилади. Ҳайвонлар орасидаги қасосларини олиб бергандан кейин, Аллоҳ уларга: «Тупрок бўлинглар», дейди, улар ўша заҳоти тупрокқа айланиб кетадилар.





## Тақдирга тааллуқли саволлар



### ? Қазои қадарнинг маъноси нима?

Қазо ва қадарга ишониш иймон рукнларидан бир рукндир. Аллоҳ таоло деди: **«Ва У барча нарсани яратиб (аниқ) ўлчов билан ўлчаб қўйган Зотдир»** (Фурқон, 2).

Қазо ва қадар дегани, Аллоҳнинг барча нарсаларнинг тақдирларини уларни яратишдан олдин билиши, уларни ёзиши, хоҳлаши ва яратишидир.





## Аллоҳ ҳали бўлмаган нарсаларни қандай билади?

Болага содда ҳиссий бир мисол айтиб бериш мумкин: электрон ўйиннинг дастурини ёзган киши ўйинчи нима қила олишини қилишидан олдин билади. Чунки уни ёзган ва ўйиндаги катта ва кичик ҳар бир вазифани белгилаб қўйган удир. У ушбу ўйиннинг имкониятлари ва қайси соҳаларда ҳаракатланишинг мумкинлиги ҳақида тўлиқ ва кенг қамровли маълумотга эга. Бу нарсаларга қодир бўлган инсонни яратган Аллоҳдир. Албатта, Аллоҳ қудрати чексиз, илми кенг ва яратишда мукамал зотдир. У халқларини яратишдан олдин, яратиш асносида ва яратишдан кейинги ҳар бир нарсасини жуда яхши билади. Инсонни, замон ва маконни яратган Аллоҳдир. Аллоҳ таоло бўлган нарсани, бўладиган нарсани ва бўладиган нарса бўлишидан олдин нима бўлишини билади.



## Биз мажбурий бошқариламизми? Инсонга ишларида ихтиёр берилганми?

Инсонга баъзи нарсаларда ихтиёр берилган бўлса, баъзиларида ихтиёр берилмаган. Туғилиш, ўлиш, қанча яшаш, ота-онамиз ва қариндош-уруғимиз кимлар бўлишида бизга ихтиёр берилмаган. Намоз ўқиш ёки ўқимаслик, мўмин ёки кофир бўлишни танлашимизда ихтиёр берилган. Лекин бу ихтиёримиз ҳам Аллоҳнинг хоҳиш доирасига киради. Яъни, Аллоҳ таоло бизни бир нарсани қилишимиз ёки тарк этишимиздан тўсмоқчи бўлса, тўсган бўларди. Лекин Аллоҳ, инсоннинг танлашини ва бу ихтиёрига яраша ҳисоб қилишни ҳукм қилди. Қуйидаги ояти қарима мана шу ҳақда сўз юритади: **«Сизлар фақат бутун оламлар Парвардигори бўлмиш Аллоҳ хоҳласагина (Тўғри йўлда бўлишни) хоҳларсизлар»** (Таквир, 29).

Болага ихтиёр ва ихтиёрсизлик масаласини илмий йўл билан изохлаб бериш мумкин. Масалан, тарбиячи шиша стакан олиб келиб, болага: «Шу стаканни ерга уриб синдира оласанми?», дейди. У: «Ҳа, албатта», деб жавоб беради. Тарбиячи савол беришда давом этади: «Хўш, нимага синдирмаяпсан?». Бола: «Бу ногўғри, бундай қилинмайди», деб жавоб беради. Тарбиячи шу ҳолатга боғлаб айтади: «Албатта, Аллоҳ таоло азалдан сенинг бу стаканни синдирмаслигингни билган, чунки сен яхши боласан. Шунингдек, ёмон боланинг бу стаканни синдиришини ҳам азалдан билган. Бу стаканни ерга отишингдан сени кимдир тўхтатдими? Ёки ёмон болани стаканни синдиришга кимдир мажбурладими? Ҳидоят ва залолат ҳам шундай бўлади». Сўнг болага: «Албатта, инсон Аллоҳ унга нимани ёзганини билмайди ва сендан тақдирингга нима ёзилганини билишинг талаб қилинмаган, балки сендан Аллоҳ таолонинг илми шомил ва комил эканига, шунга биноан тақдирлар ёзилганига иймон келтиришинг талаб қилинган.

Сен хоҳлашинг, Аллоҳнинг буйруқларига риоя қилишинг, қайтарган нарсаларини тарк этишингдан жавобгарсан. Ва булар сенинг қудратинг ва ироданг доирасидадир», дейилади.

**?** Нимага Аллоҳ баъзи инсонларга ҳидоят берган, баъзиларига бермаган?

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло барча инсонларни ҳидоятга йўллаган. Бу ҳақда шундай дейди: **«Ва Биз уни икки баландликка (яъни, яхшилик ёки ёмонлик довопларини ошиб ўтишга) йўллаб қўйдик-ку!»** (Балад, 10).

Бу ҳидоятнинг маъноси шундай: Аллоҳ инсонларга тўғри йўлни кўсатди ва очиклади, ҳатто ҳақ ҳам, ботил ҳам очик-равшан бўлди. Аллоҳ таоло инсонларга танлаш эркинлигини берди, натижада, кимдир тўғри йўлни танлади ва кимдир залолат йўлини танлади.

**?** Модомики, Аллоҳ таоло биздан кимларнинг хато қилиши ва адашишини азалдан ёзиб қўйган экан, нимага бизни азоблайди?

Бу илм илоҳий бир илмдир, башариятда бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ. Уларда фақат гумонлар, хаёллар ва жаҳолат бор холос. Шундай экан, инсон дунё хаётида қилган ишига кўра ҳисоб беради. Инсон Аллоҳнинг унга ёзганини то бир ишни қилиб, тугатмагунча ҳеч қачон билолмайди. Демак, ёзиб қўйилган тақдир тугаб битган, тамомланган ишга ҳужжат бўлади, келажакка эмас. Болага яна шуни айтиш мумкин: «Аллоҳ таоло сен учун дунё ишларини ҳам ёзганку, нимага унда ўзингга фойдали ишларни қиласан ва зарарли ишларни қилмайсан?!». Бир мисол келтирайлик: «Инсон бир ўлкага сафар қилмоқчи бўлса, унга иккита йўлдан бориш мумкин бўлиб, бири хавфсиз, наригиси хатарли бўлса, қайси йўлни танлайди?». Бола: «Албатта, бехатарини танлайди», деб жавоб беради. «Охирагга бўлган йўл ҳам шунга ўхшайди, инсон жаннатга олиб борадиган бехатар йўлни танлаши керак. Бу йўл Аллоҳнинг буйруқларига риоя қилиш ва қайтариқлардан узоқ туриш йўлидир». Агар тақдир ҳужжат бўлганда эди, жинойатчиларни ушлаш олмаган бўларди, чунки улар қилган ишларига тақдирни рўқач қилган бўлардилар. Шу сабабли инсонга вожиб бўлган нарса, Аллоҳ таолога бўйсунуш ва рози бўлишдир. Зеро, Аллоҳ **«Ўзи қиладиган бирон нарса ҳақида масъул бўлмас, улар (яъни, бандалар эса қиладиган ҳар бир иш-амаллари ҳусусида) масъул бўлурлар»** (Анбиё, 23).

Демак, яратиш ҳам, фармон ҳам Унингдир, субҳонаху ва таоло.



Аллоҳ бизни нимага яратди? Борлиқнинг асли нима? Нимага ҳайвонларни яратди?

Аллоҳ таоло: «**Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим**», деди (Зориёт, 56). Дараҳақиқат, Аллоҳ таоло бизни битта мақсад учун – Аллоҳгагина қуллик қилишимиз учун яратди. Охиратдаги оқибатларни амалларга мувофиқ қилди, бас, яхшиларга жаннат, ёмонларга дўзах бўлади. Бу борлиқнинг ҳаммаси Аллоҳнинг махлуқотидир. Бу коинот жуда пухта ва илм билан яратилган. Осмонлар ва Ернинг яратилиши, юлдузларнинг аломат, оят ва безак қилингани, қуёшнинг яратилиши, унинг бизга иссиқлик ва нур бериши, ўсимликларининг ўсиши ва микробларнинг ўлишидаги ҳиссаси, ҳайвонларнинг инсонга бўйсиндирилган ҳолда яратилгани, инсон уларни миниши, гўшти ва сутини ейиши, жуда нозик ва пухта илм билан яратилган. Аллоҳ таоло деди: «**У зот яна сизлар минишингиз учун зийнат қилиб отлар, ҳачирлар ва эшакларни (яратди). Яна сизлар (ҳали) билмайдиган нарсаларни ҳам яратур**» (Наҳл, 8). Ернинг яшаш учун тайёрланганига қарагин, буларнинг ҳаммаси инсон яратилишидан олдин яратилган. Булар инсоннинг ҳурматини жойига қўйиш ҳисобланади. Шунингдек, бу мавжудотнинг ҳаммаси Аллоҳ таолога ҳамд ва тасбеҳ айтади, ҳар бири ўзича Аллоҳга ибодат қилади. Бу ҳақда Аллоҳ шундай дейди: «**Мавжуд бўлган барча нарса ҳамду сано айтиш билан У зотни поклар. Лекин сизлар (эй инсонлар), уларнинг тасбеҳ айтишларини – поклашларини англамасизлар.** Дарҳақиқат, **У ҳалим ва мағфиратли бўлган Зотдир**» (Исро, 44).



Аллоҳ уларга пайғамбар келмаган инсонларни ҳам ҳисоб қиладими?

Улар ҳисобга ва жавобгарликка тортиладилар, чунки Аллоҳ таоло уларга ақл берди. Қиёмат куни Аллоҳ уларни имтиҳон қиладди ва итоатга буюради, агар Аллоҳнинг чақириғига ижобат қилиб, итоат қилишса, жаннатга, осий бўлишса, дўзахга киришади.

### ? Ёмонлик нима учун бор?

Бу дунё имтихон диёридир. Иккита синф бор десак, дунё биринчи синфга тўғри келади. Охираат эса жазо/мукофот, ҳисоб, золимлардан мазлумларга ҳақлари олиб бериладиган диёрдир. У иккинчи синфга тўғри келади. Ёмонларнинг бўлиши ва бу дунёда азобланмаслиги бир имтихондир. Лекин иш бу билан тугамайди, балки қиёмат куни ҳамманинг қайта тирилиши ва ҳар бир инсон амалларига яраша жазо-мукофот олиши лозим. Аллоҳ таоло шундай дейди: **«Бас, ким (ҳаёти дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса, (Қиёмат кунида) ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур!»** (Залзала, 7-8).

### ? Аллоҳ нимага ёмон инсонларни яратган?

Аллоҳ таоло одамларни яратди ва уларга яхшилик ёки ёмонликни танлаш эркинлигини берди. Сен ақлли, одобли бўлишинг ҳам, беақл, беодоб бўлишингиз ҳам мумкин, аммо бунинг оқибатларига чидашинг керак бўлади. Бу Аллоҳнинг неъматини ва ҳикматидандир. Ёмон инсонлар яхши бўлишга кодирдирлар, биз бунда уларга ёрдам беришимиз лозим. Агар ёмон ишларни тарк этмасдан туриб олсалар, бизнинг вазифамиз, одамларни уларнинг ёмонлигидан тўсишдир. Ана шунда Аллоҳ бизни яхши кўради ва мукофотлайди. Аллоҳ таоло бу ҳаётдаги ҳамма нарсанинг яратувчисидир. Бу дунё синов ва имтихон диёридир. Аллоҳ таоло деди: **«(Эй инсонлар, У) сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ-яхшироқ амал қилгувчи эканлигингизни имтихон қилиш учун ўлим ва ҳаётни яратган Зотдир. У қудратли ва мағфиратлидир»** (Мулк, 2).

Ёмонликнинг шайтонлар ва айниган одамларнинг қўлларида бўлиши ҳам имтихондир.

### ? Нима учун баъзи одамлар туғма касал ёки ногирон бўлиб туғилишади?

Аллоҳ уларни сабр қилишлари ва ҳасанотлари кўпайиши учун нуқсон ва касаллик билан имтихон қилди. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг бизга берган неъматларини эслашимиз ва аксариятимизни соғлом қилиб яратгани учун шукр қилишимизни хоҳлади. Яна Аллоҳнинг қудрати қаршисида неқадар кучсиз эканимизни, мағрурланмасдан, билъақс ўзимизни камтар олиб, бир-биримизга ёрдам беришимиз кераклигини эслатади. Ҳисоб кунидан кейин, улардан яхши амаллар қилганлари жаннати наимларда соппа-соғ ҳолларида абадий яшайдилар.



**?** Нега бой ва камбағаллар бор? Нимага баъзи ёмон кимсалар касрларда, баъзи яхши кишилар кулбаларда яшайдилар?

Дунё ҳаётида бериладиган ҳар бир ризқ Аллоҳ таолодандир, Аллоҳ бандаларини имтиҳон қилади. Баъзан инсонга мўл ризқ беради ва бошқаларга улашиб-улашмаслигини имтиҳон қилади. Баъзан ризқдан маҳрум этади ва сабрини, ўзини ўғирлик ва гина-кудуратдан тийишини имтиҳон қилади. Яхши инсон бу дунёда сабр қилиб яшаган сари Ҳисоб кунидаги савоби кўпайиб бораверади. Аммо мўл ризқ берилган, бироқ бошқаларга бермай, уларга ёмон муомала қилган инсон эса, қиёмат куни шу билан азобланади, чунки у Аллоҳнинг неъматини қадрлай олмади.

Болага яна шундай дейишимиз мумкин: «Аллоҳ таоло инсонни ҳар хил даражада яратди, улардан бой бўлгани ҳам, камабағали ҳам борки, бойнинг камбағалга бериши, кучлининг кучсизга ёрдам қилишини хоҳлади. Инсонларнинг ҳамма нарсада бир-бирларидан фарқ қилишлари Аллоҳ ҳикматининг тақозосидир. Шунга кўра, инсонларнинг тиллари, ранглари, ирқлари ва табиатлари турли тумандир. Улар ичида тиришқоқлари ва дангасалари, фидокорлари ва худбинлари, сахийлари ва бахиллари бор. Моддий ва молиявий жиҳатлари ҳам турлича, улар ичида камбағаллари ва бойлари бор. Уларнинг барчаси имтиҳон қилинмоқда. Бой ҳам, камбағал ҳам имтиҳонда. Бой инфоқ қилгани, закотини бергани, сахий бўлгани, садақа қилгани ҳақида сўралади. Камбағал сабр қилгани, меҳнат қилгани, ишлагани, ўғирлик ва таъмағирлик қилмагани ҳақида сўралади. Барчаси имтиҳон, лекин ҳар икки тарафдагилар учун кафолат берилган: ризқ Аллоҳ таолонинг зиммасидадир. Бойлик ва камбағаллик жаннатга ёки дўзахга

киришдан тўсмайди. Ҳар кимга берилган нарсага кўра вазифа юкланган. Агар инсонлар бир хил бой бўлишганда эди, бир-бирларига хизмат қилмаган, бир-бирларига эҳтиёжлари тушмаган бўларди. Аллоҳ таоло айтади: «**Айримларини айримларидан баланд даража-мартабаларга кўтариб қўйганмиз**» (Зухруф, 32). Яъни, инсонлар бир-бирларига хизмат қиладилар ва шу билан ҳаёт ғилдираги айланади. Ҳамма бир хил бўлса, ҳаёт тўхтаган бўларди.

### ? Нимага касал бўламиз? Нимага бошимизга мусибатлар келади?

Аллоҳ ҳар бир инсонни имтиҳон қилади. Қани, у касалликка сабр қиладими ёки бегоҳатланиб, аччиқланадими? Аллоҳ таоло сабр қилган кишини буюк мукофот билан мукофотлайди. Мўмин киши қиёмат куни бу мукофотдан хурсанд бўлади. Зеро, касалликлар, мусибатлар, аламлар Аллоҳ тақдир қилган нарсалар бўлиб, Аллоҳ улар сабабли даражаларни кўтаради, қалбларимизни ва хулқларимизни ғурур, ажабланиш ва кибрдан поклайди. Улар бошга келганда мўмин дуо-илтижо ва сабр қилиш билан Раббига яқинлашади, натижада, иймони ва ҳасаноти зиёда бўлади ва Рабби уни яхши кўради. Инсон мусибатни кўрганда офият, соғлиқ ва неъматнинг қадрини билади. Болага машинани мисол қилиш мумкин: «Машина нимага ишлаб чиқарилган? Бизни сайр қилдириш учун, шундайми? Унда тормоз ишлаб чиқарувчи ширкат ҳақида нима дейиш мумкин? Бу машинанинг ҳаракатига



зид эмасми? Тормоздан фойдаланиш ҳаракатнинг хавфсизлиги учун жуда муҳимдир. Тормоз ҳайдовчи ҳалокатга учрамаслиги учун муносиб пайтда машинани тўхтатади. Худди шунингдек, Аллоҳ таоло бизни Унга ибодат қилиш ва бизга берилган неъматлар билан бахтиёр бўлишимиз учун яратди. Шу билан бирга Аллоҳ таоло мусибатларни ҳам яратди. Мусибатлар инсонга яратилишининг сабаби бўлган буюк вазифасини эслатади, уни ўйин-кулгу ва ғафлатдан тўхтатиб, Раббисини ёдига солади, натижада инсон истиғфор айтади, сабр қилади ва савоб умид этади.

### ❓ Хайвонлар ва зарарли ҳашаротларни ҳам Аллоҳ яратганми?

Ҳа албатта, Аллоҳ ҳамма нарсанинг Яратувчиси ва Раббидир. Бу махлуқотларни қудрати билан яратгани янглиғ ҳикмати билан яратди. Зеро, Аллоҳ ўта ҳикматли ва билувчидир. Уларни нимага яратганини яхши билади, биз билмаймиз. Чунки бизнинг илм ва маърифатимиз Аллоҳнинг илми ва ҳикматига нисбатан жуда оздир. Шунинг учун Аллоҳ бундай деган: «**Сизларга жуда оз илм берилгандир**» (Исро, 85).

Биз Аллоҳ яратган бу хайвонларнинг нимага яратилганидаги ҳикматларнинг ҳаммасини билолмаймиз. Бу махлуқотларнинг яратилишидаги баъзи ҳикматлардан:

- Аллоҳнинг яратиш ва бошқариш санъатида моҳирлигини намоён қилиш. Бу моҳирлик махлуқотлари жуда кўп бўлишига қарамай, ҳаммасига ризқ беришида яққол кўринади.
- Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бу хайвонлар билан инсонни имтиҳон қилади: улардан кимга мусибат келса, ажрини беради, ким уларга ғолиб бўлса, шижоатини кўпайтиради.
- Инсоннинг заифлиги ва ожизлигини намоён қилиш. Бу ожизлик яратилиш жиҳатидан ўзидан анча паст даражада бўлган бир хайвон ёки ҳашаротнинг инсонга озор бериши, жонини оғритиши ва касал қилишида очик кўринади.





– Тиббиёт илми ва тажрибалардан маълум бўлишича, бир қатор фойдали дори-дармонларни ишлаб чиқаришда илонлар ва шунга ўхшаш хайвонлар заҳарларидан фойдаланилади. Шунингдек, илон қишлоқ хўжалиги экинларига зарар берадиган дала сичқонларини ейди. Шунингдек, бу зарарли хайвонларнинг аксарияти бошқа фойдали хайвонлар учун озик-овқат бўлиб, бу табиатда Аллоҳ ўрнатган мавжуд мувозанатни сақлаб туришда ўз ҳиссасини қўшади.



### Нимага бир кеча-кундузда беш маҳал намоз ўқиш керак?

Аллоҳ таоло бизга фарз қилган ибодатлар мўминнинг нафсини поклаш ва руҳини юксалтириш воситалари ҳисобланади. Ибодатлар ортидан қўлга киритиладиган яхшиликларга нисбатан сарфланаётган ҳаракатларга қаралса, қилинаётган ишлар жуда ҳам озлиги яққол кўринади. Намоз қироат, зикр ва дуони ўз ичига олар экан, қуллик кўринишларини энг мукамал тарзда жамлайди. Намоз қироат, зикр ва дуони бошқа аъзоларнинг қуллиги билан бирга жамлагани боис, алоҳида қилинган қироат, зикр ва дуодан афзалдир.

Мўминлар намоз ўқиш билан хурсанд бўладилар, чунки намозда Аллоҳ таоло билан бирга бўладилар, Унга дуо қиладилар, бутун орзу истакларини сўрайдилар ва Аллоҳ уларга ижобат қилади. Биз намоз ўқиймиз, негаки бунга Аллоҳ таоло буюрган. Биз Аллоҳ буюрган нарсаларни қилишни яхши кўрамыз. Чунки Аллоҳ яратувчимиз, ризқ берувчимиздир. Аллоҳ сон-саноксиз, беҳисоб неъматлар бергани учун ибодат қилинишга энг ҳақли бўлган зотдир. Аллоҳ таоло деди: **«Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига ета олмайсизлар»** (Наҳл, 18).

Албатта бу ибодат, Аллоҳ таолога муҳаббатимиз ва шукримизнинг изоҳидир. Бизни асраши, офият бериши, яхшиликларга муваффақ этиши ва ёмонликлардан узоқлаштириши учун Унга қанчалар муҳтожлигимизнинг исботидир. Аллоҳ таолонинг ибодатларимизга эҳтиёжи йўқ. Чунки Аллоҳ биздан ва амалларимиздан беҳожатдир. Уларнинг Аллоҳга бирон фойдаси йўқ. Ибодатлар Аллоҳнинг буйруқлари бўлиб, Аллоҳ таоло биздан пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган йўлга мувофиқ ибодат қилишимизни хоҳлади. Мана шу, яъни Аллоҳга Расулulloҳнинг йўлларига мувофиқ ибодат қилишимиз, икки шаҳодат калимасининг маъносидир. Шунингдек, бу ибодатлар жаннатга киришимизга сабаб бўладиган буюк ажрларни қўлга киритишимизга восита бўлади. Аллоҳнинг ҳикмати инсонга фақат амали эвазига ажр беришни тақозо этди. Шунинг учун, жаннат Аллоҳнинг матоси бўлиб, у жуда қимматдир. Унга эришиш учун катта маблағ керак, у маблағ – тоатдир.



**Намозда тезда катта бўлишни дуо қилдим, нимага Аллоҳ ижобат қилмади?**

Дуонинг одоблари бор, уларга риоя қилиш керак. Ўша одоблардан: дуо қилувчи киши Аллоҳнинг Ер юзига қўйган қонун-қоидалари ва суннатларини ҳурмат қилиши. Биз Аллоҳга дуо қиламиз, У зот биз учун яхши бўлган нарсани қилади. Масалан, отангдан машиналар юрадиган йўлларда велосипед ҳайдашга рухсат сўрадинг, лекин отанг рухсат бермади. Сабаби, у сени яхши кўради ва сенга рухсат бермаслик сен учун яхшироқ эканини билади.

Дуоларимизда учта ҳолат борлиги Аллоҳнинг марҳаматидандир. Биринчи: Аллоҳ дуомизга ижобат қилиб, уни амалга оширади. Иккинчи: Аллоҳ бизга келаётган бир мусибат ёки ёмонликни биздан кўтаради. Учинчи: Аллоҳ биз учун уни қиёмат кунига олиб қўядики, жаннатда ундан кўра яхшироғини беради.



**Нимага дугонамга ўхшаб чиройли эмасман?**

Чунки Аллоҳ таоло ҳар бир инсонни бошқалардан ажралиб турадиган шаклда яратди. Аллоҳ яратган ҳар бир инсон куйидаги ояти каримада айтилганидек гўзалдир: **«Дарҳақиқат, Биз инсонни энг гўзал шаклу шамойилда яратдик»** (Тийн, 4).

Ҳар бир шахс ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туради. Аллоҳ уни жуда чиройли қилиб яратган, бунинг учун Аллоҳга кўп шукр қилиши лозим. Агар хунукман деб ўйласа, бунга рози бўлиши ва тақдирга тан бериши вожиб бўлади. Шукр ва сабр қилган кишига юксак даражалар ва улуғ ажрлар берилади.



**Аллоҳ бизни яхши кўрса, нимага бошимизга ёмон нарсалар келади?**

Аллоҳ таоло яхши инсон билан ёмонни бир-биридан ажратиш учун имтиҳон қилади. Ҳатто у Аллоҳга илтижо қилиши ва доимо Аллоҳга яқин бўлиши учун гоҳида Аллоҳ инсонга мусибат беради. Аллоҳ яхши кўрган бандаларининг гуноҳларини кечириш, даражаларини кўтариш ва бошқаларга ўрнак бўлишлари учун уларга мусибатлар беради. Уларни кўриб, уларга эргашиб бошқалар ҳам сабр қиладилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Одамларнинг энг қаттиқ синовга дучор бўладиганлари пайғамбарлардир, кейин уларга яқинлар, кейин уларга яқинлардир»** (Саҳиҳ ал-жомеъ, 992).

Бунга кўра, одамлар диндорлик даражасига қараб бошига бало-мусибат келади. Агар дини мустаҳкам бўлса, бало-мусибат ҳам қаттиқ бўлади. Шу сабабдан Аллоҳ пайғамбарларни буюк балолар билан синади, улардан баъзилари ўлдирилди, баъзилари озорланди, баъзилари Айюб алайҳиссалом каби узоқ вақт қаттиқ касал бўлди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам Маккада ва Мадинада кўп озор ва азиятлар чекдилар, шунга карамай, сабр қилдилар. Демак, озорлар иймон ва тақво эгаларига иймон ва тақволарига қараб келар экан. Ва ниҳоят, боланинг қалбига сингдирилиши лозим бўлган нарсани эслатай: Аллоҳ азза ва жалла хоҳлаганини қилади, истаганидай ҳукм беради, У қилган ишларидан сўралмайди, чунки У ҳукм қилувчиларнинг энг яхшисидир.





Булар болалар орасида кўп такрорланадиган саволлар эди. Бошқа саволларга жавоб олиш ёки яхшироқ жавоб шаклларини таклиф қилиш учун қуйидаги электрон манзил орқали бизга боғланишингиздан мамнун бўламиз:

([jrakaf@gmail.com](mailto:jrakaf@gmail.com))

## Хотима

Тарбия борасида эътиборга лойиқ баъзи тавсиялар:

- Жадал малака ошириш курсларини ташкил этиш орқали ота-оналарга таълим бериш ҳаракатларни кучайтириш керак. Чунки улар соғлом ақл ва гўзал ахлоқ эгалари бўлган келажак авлодни етиштиришда асосий ўринда турадилар.
- Эътибор ва кўришдан фойдаланиш мақсадида исломий асосли кўрсатувлар ва мултфилмларни халқаро санъат ва ижодкорлик даражасига мос келадиган технология билан юқори сифатларда лойиҳалаштириш ва тайёрлаш.
- Ўзимизга ва мусулмонлигимизга хос бўлган маҳсулотларга эришишга ҳисса қўшадиган ва ўйин-кулги ўрнини босадиган болаларга қаратилган дастурлар бўйича конференциялар ва тадқиқотларни ўтказиш ва уларга қизиқтириш.
- Иймоний тарбия соҳасида болалар учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва ушбу соҳада етарлича мураббийлар ва маслаҳатчилар етиштириш. Ушбу ўқув дастурлари турли таълим босқичларида болаларга таълим берувчи ўқитувчилар ва тарбиячиларга йўналтирилади. Бу билан болаларнинг ёшларини ҳисобга олган ҳолда таълим берилади.
- Расмий таълимнинг ўқув дастурларини ривожлантириб, уларни замонавий иймоний саволларга етарлича ва қониқарли жавоб берадиган тарбиявий ва илмий маълумотларини ўз ичига оладиган қилиш.





مركز اصول

OsoulCenter  
www.osoulcenter.com



عرض تعريفى عن مركز اصول  
ومجالاته وخدماته.. مشاهدة ممتعة لك

osoulcenter



+966504442532



www.osoulcenter.com

Қисқача қилиб айтганда, боланинг оила ичидаги тарбияси яхши бўлса, ташқи дунё билан муомаласи ҳам шундай яхши бўлади. Боланинг тарбиясида ва соғлом иймон билан улғайишида қаердадир оила таъсирининг бўлмаслиги, келажакда яхши ва мақталган хулқлардан мосуво боланинг ўртага чиқишига олиб келади. Тарбия фақат хато-камчиликларни тўғрилашдан иборат эмас. Бундан зиёда, болага дин асосларини ва шариат аҳкомларини ўргатиш, таълим бериш ва онгига ўрнаштириш, боланинг калбида тасаввур ва тушунчаларни мустаҳкамлаш мақсадида ўрнатилган бўлиш, насихат қилиш, ҳадислар ва қиссалар айтиб бериш каби турфа услубларни ҳам қўлланишдир. Буларнинг бари боланинг шахсий ҳаётида ва жамиятда одоб-ахлокли, фаол ва вазмин бир шахс бўлишига васила бўлади.



osoulcenter



[www.osoulcenter.com](http://www.osoulcenter.com)

To Download This Book, please Visit:



**OSOUL** [osoulstore.com](http://osoulstore.com)

